

323  
С 34

32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НИГОРА САФАРОВА

ТЕРРОРИЗМ: МАНБАЛАР, МАҚСАДИ  
ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ  
(ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

2032871

TATU KUTUBXONASI  
266526-SONLI

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
2006

*Масъул муҳаррир:*

**Р.РАҲМОНОВ,**  
*фалсафа фанлари доктори, профессор*

*Такризчилар:*

**Ф.ҚОСИМОВ,**  
*тарих фанлари доктори, профессор*

**М.РАЖАБОВА,**  
*юримдик фанлари доктори*

**М.УСМОНОВ,**  
*фалсафа фанлари номзоди, доцент*

Нигора Сафарова Терроризм: манбалар, мақсади ва глобаллашув жараёни (Тарихий-фалсафий таҳлил). Т. 2006. 192 б.

XX аср охири, XXI аср бошларида жаҳон миқёсида кенг қуламда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари ўзининг ўта фожиали оқибатлари билан бутун инсониятни халқаро террорчилик жаҳондаги хавфсизлик ва барқарорлик учун дахшатли хавф эканлигига ишонтира олди. Шу боис терроризмни бартараф этиш, унинг таҳдидига ўзига хос ёндашиб, сиёсий, мафкуравий, ғоявий ва психологик асосларига қарши изчил кураш олиб бормок халқаро хавфсизлик ва барқарорлик нуктаи назаридан ўта муҳим масалалардан биридир.

Мазкур илмий тадқиқотда халқаро терроризмнинг келиб чиқиши, моҳияти, мақсади, турлари, унинг ақидапарастлик, диний фундаментализм, экстремизм билан боғлиқлиги, уларга қарши маъмурий, харбий ва ҳуқуқий воситалар билан бирга юксак маънавиятлилик руҳида иш олиб бориш, яъни ғоявий, мафкуравий кураш воситаларини тарихий-фалсафий нуктаи назардан ечишга ҳаракат қилинган.

Ушбу монография ижтимоий фан соҳалари билан шуғулланувчи олимлар, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, аспирантлар ва талабалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маънавият ва маърифат ўқув маркази тингловчилари, ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 5-648-03368-0

© Н.Сафарова – Терроризм: манбалар, мақсади  
ва глобаллашув жараёни  
(Тарихий-фалсафий таҳлил)

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти, 2006 йил

## КИРИШ

XX асрнинг сўнгги йилларида вужудга келган ва тобора кенг миқёсда хужж қилаётган халқаро терроризм янги минг йилликда ҳам бутун инсоният учун энг хавфли глобал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюциясида «келажак асрда инсониятга иккита глобал офат экологик офатлар ва терроризм хавф солмоқда» деб таъкидланади. Шунинг учун ҳам терроризм ҳозирги даврда халқаро ҳамжамият ва бутун инсониятни қаттиқ ташвишга солаётган ўта хавфли муаммога айланиб бормоқда. Халқаро терроризмнинг глобаллашуви шу даражага бориб етдики, нафақат бирон-бир мамлакат ёки минтақада, балки жаҳон миқёсида унинг чегарасини аниқлаб бўлмай қолди. Ҳозирги пайтда дунёнинг биронта мамлакати йўқки, терроризм, шу жумладан, халқаро терроризм хавфидан ўзини холи деб билса. «Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш кийин»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов.

Агар ушбу таъкиднинг маънавий жиҳатидан келиб чиқадиган бўлсақ, ҳозирги пайтда халқаро терроризмга қарши кураш бутун тараккийпарвар инсониятнинг, шу жумладан, Ўзбекистон фуқароларининг ҳам вазифаси ва муқаддас бурчидир. Буни Президентимиз И.А.Каримов ҳаминша алоҳида қайд этади: «Эндиликда террорчилик инсоният бошида мислсиз қулфат келтирувчи ёвуз кучга айланиб кетганини, даҳшатли балою офат эканини ўз ҳаётида кўриб, унинг таъсирини сезиб, унга қарши биргаликда курашиш вақти-соати етганини, бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаб етди.

Нега деганда, ҳам иқтисодий, ҳам харбий нуқтаи назардан жуда кучли, ўз чегараси ва ҳудудини кўриқлашга қодир бўлган, ўз халқининг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлашда энг юқори технологияларга эга, бу борада миллиардлаб доллар сарфлаётган давлатлар ҳам террорчилик

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. || Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ўз катъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2004.-265-бет.

хавфидан четда кололмаслиги аён бўлди»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳеч ким, ҳатто энг демократик ва қудратли иқтисодий, ҳарбий салоҳиятга эга бўлган давлатлар ҳам халқаро террорчилик таҳдидларидан ўзининг хавфсизлигини қафолатли равишда таъминлай олмайди. Буни энг сўнгги йилларда ўзининг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти жиҳатидан энг қудратли ҳисобланмиш қатор мамлакатларда юз берган террорчилик ҳаракатлари исботлайди. Аммо бундай оғатга қарши кураш олиб боришнинг самараси фақат сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва ҳуқуқий кураш воситаларигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, кўп жиҳатдан маънавий, ғоявий ва мафкуравий жиҳатларда ҳам кураш олиб бориш лозимлигини такозо қилади. Зеро, «Халқаро террорчи ва диний экстремистик жиноий тўдалар бугунги кунда дунё цивилизациясининг, давлатлараро интеграциянинг ашаддий душманига айланганини очик-ойдин эътироф этиш керак»<sup>3</sup>.

Халқаро терроризмни таг-томири билан бартараф этиш унинг таҳдидига ўзига хос ёндашиб, у сиёсий, мафкуравий, ғоявий ва психологик асосларига қарши ҳам изчил кураш олиб бормок шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Бундай кураш, энг аввало халқаро хавфсизлик ва барқарорлик нуктаи назаридан ўта муҳим вазифалардан биридир.

Иккинчи минг йилликнинг бошларида жаҳон миқёсида кенг қўламда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари ўзининг ўта фожиали оқибатлари билан ҳамма мамлакатларни, бутун инсониятни халқаро террорчилик жаҳондаги хавфсизлик ва барқарорлик учун даҳшатли хавф эканлигига ишонтира олди. «Бу даҳшатли, лекин аччиқ ҳақиқат бугун барча китъалар ва мамлакатларга, мана шу рўйи заминда яшайдиган миллионлаб одамларнинг онгу шуурига етиб борганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. «Кимки террорчилик хавфининг қандай улкан қўлам касб этганини тушунмаган бўлса, мана шу кейинги воқеалар мисолида яққол тушуниб олди»<sup>4</sup>, – деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов.

Бундан Ўзбекистон мамлакати ва халқи ҳам мустасно эмас. Аммо афсуски, халқаро террорчиликнинг ғайриинсоний, ғайримаънавий мафкураси оз бўлса-да, халқимиз бир қисмининг, айниқса, ёшларнинг онгини эгаллашга, унга сингдиришга ҳаракат қилмоқда ва қанчалик аччиқ бўлмасин, айтиш зарурки, маълум натижаларга ҳам эришмоқда. Акс ҳолда

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мақсадимиз тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик. | Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 104-бет.

<sup>3</sup> Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 6-бет.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Мақсадимиз тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик. | Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 104-бет.

сўнги йилларда мамлакатимизда юз берган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари, унинг носоғлом мафқураси бундай қўламда амалга ошмасди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Президент И.А. Каримовнинг терроризм, унинг моҳияти, мақсади, бу мақсадга эришиш учун нималарга қодир эканлиги, шу боис, жаҳон аҳолисини огоҳликка чақириши, бу иллатни бартараф этиш учун барча давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати зарурлиги ҳақидаги ғоялари илмий ифодаланган асарларидаги фикрлари қимматлидир.<sup>5</sup> Шу нуқтаи назардан республикамиз ижтимоий фанлари, хусусан, фалсафа фани олдида турган ўта муҳим масалалардан бири ушбу сохта мафқуранинг ғайриинсоний моҳиятини, унинг республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаёти учун ёт эканлигини асослаб беришдир.

Айтиш жоизки, бу масала террорчиликка қарши маъмурий, ҳарбий ва ҳуқуқий воситалар билан курашишга нисбатан анча мураккаб бўлиб, бутун мамлакат миқёсида юксак маънавийлик руҳида иш олиб боришни талаб этади. Халқаро террорчиликка қарши маънавий, ғоявий, мафқуравий кураш воситаларининг мукамал тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу халқаро террорчиликка қарши ҳарбий ва маъмурий жабҳаларда кураш олиб боришдан ҳам муҳимроқ эканлигини таъкидлаб Президентимиз И.А.Каримов таъкидлайдики: «... ёшларимиз онгини эгаллаётган ва захарлаётган, уларни ўзининг итоаткор қуролига айлантираётган мафқура йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, бугунги кунда муайян жиноий террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда»<sup>6</sup>.

Шундай экан, ҳозирги даврда халқаро терроризмга қарши ҳуқуқий, маъмурий ва ҳарбий чора-тадбирлар асосида мафқуравий, ғоявий ва маънавий чора-тадбирлар билан бирга кураш олиб бориш

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафқура. 1-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996; Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1997; Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1998; Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураемиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1999; Овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 2000; Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 2001; Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 2002; Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 2003; Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буюкмас иродасига боғлиқ. –Т.: Ўзбекистон, 2004; Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилоти саммитидаги нутқи. || Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2003.278-бет.

хам республикаимиз ижтимоий фанлари олдида турган ўта долзарб ва муҳим масалалардан биридир.

Албатта, бу соҳада республикаимиз ижтимоий фанларида қатор ишлар амалга оширилди. Халқаро терроризмнинг келиб чиқиши, моҳияти, мақсади, турлари, йўналишларини ўрганишда Р.Альмеев; А.Азимов; З.Гафуров; Ш.Ёвқочев; Н.Жўраев; И.Жабборов; Б.Ирисов; С.Кахаров; З.Мунавваров; Т.Мирзаев; Ш.Пахрутдинов; М.Ражабова; С.Сафоев; Ф.Тоҳиров; У.Убайдуллаев; Қ.Хонназаров; М.Қирғизбоев; Ф.Қосимов; Г.Ҳидоятлов; каби .. Республика олимларининг хизматлари бекиёсдир.

Диний ақидапарастликнинг Ўзбекистонга кириб келиши Марказий Осиёдаги ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар О.Абдуллажонов; Алауддин Мансур; А.Бегматов; М.Гафарли; Р.Жумаев; А.Жузжоний; А.Зақурлаев; Ҳ.Кароматов; А.Каримов; А.Касаев; Н.Комилов; А.Луқмонов; С.Мамашокиров; А.Мўминов; К.Назаров; А.Очилдиев; С.Отамуродов; Р.Раҳмонов; О.Раҳматов; А.Саидов; М.Усмонов; А.Шарипов; С.Шермухаммедов; Э.Юсупов; О.Якубов; И.Якубов; А.Ҳабибуллаев; Д.Ҳабибуллаева; А.Ҳасанов. З.Хусниддиновларни тадқиқотларида Республикаимизда содир этилган террористик ҳаракатлар, уларга қарши кураш ва бартараф этиш йўллари ҳақида тақлифлар ва илмий хулосалар берилган.

Республикаимиз олимларининг қатор монографик тадқиқотларида, диссертацияларида ва илмий рисоаларида халқаро терроризмнинг келиб чиқиши, моҳияти, мақсади, турлари, унинг ақидапарастлик, диний фундаментализм, экстремизм билан боғлиқлиги, уларга қарши кураш воситалари каби масалалар атрофлича таҳлил этилган. Мазкур тадқиқотларда террористик ҳодисаларни объектив ифодоловчи маълумотлар келтирилган.<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Қаранг: Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.-Т.: Академия, 2000; Азимов А. Религиозный экстремизм и фундаментализм. – Т.: 1998; Альмеев Р., Қосимов Ф. В Плену иллюзий. –Т.: Г.Гулям, 2004; Гафуров З., Тоҳиров Ф. Терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий ҳавфлиги. Тошкент. 2004; Ёвқочев Ш. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном мире. || Автореферат кандидатской диссертации; Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий моҳаролар. Т.: Маънавият. 2000; Жўраев Н. Ғоявий иммунитет ёки маънавий ҳалоскорлик туйғуси. Т.: Ўзбекистон. 2001; Жўраев Н. Агар оғох сен... Т.: Ёзувчи. 1998; Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. –Т.: Университет, 1998; Кахаров С. Халқаро ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг терроризм учун жиноий жавобгарлиги. || Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси Т.: 2004; Комилов Н. Ислам-маърифат дини. Т.: Маънавият. 2000; Мунавваров З., Ёвқочев Ш., Жабборов И. Терроризм: иддао ва ҳақиқат. Т.: 2001; Мирзаев Т. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ бўлган ҳаётларни тергов қилишнинг айрим жиҳатлари. Т.: Янги аср авлоди. 2000; Пахрутдинов Ш. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний

XX асрни 60-80 йилларда собиқ совет тузуми даврида ижод қилган олимлар И.А. Андронов, Л.А. Моджорян, А. Грачев, В.В. Большаков; Э.А. Чепорова; В.Витюк; С.Эфилов; Н.П. Грибин Н.Жданов, А.Игнатенко ва бошқаларни<sup>9</sup> монографияларида терроризм масаласига давр нуқтаи-назаридан ёндошув мавжуд.

Шунингдек ғарб олимлари Тэйлор, Г. Корни, Кэрнел Г., Армстронг К., Б. Хофман; Н.Кампбел; Л.Гардоки; Кауфман; М.Закдерларнинг<sup>11</sup> мавзуга оид илмий тадқиқотларини таъкидлаш мумкин.

МДХ давлатлари ташкил топгандан кейин терроризм, унинг келиб чиқиши, моҳияти, уни бартараф этиш йўллари ҳақида ҳозирги давр нуқтаи назаридан, объектив баҳо бериб, илмий ифодалашга ҳаракат қилган олимлар К.В. Жаринов, Б.Ключников, И.Артаманов, Д.Ольшанский, Н. Зенкович, П.Кошель, А.Игнатенко; Ф. Раззақов, В.Антипенко, Е.П. Кожишко, Е.Ляхов, А.Косиченко, М.Ашимбаев, Р.Жаккар Ю.Перфильев ва бошқалардир.<sup>12</sup>

---

экстремизм таҳдиди. || Сиёсий фанлар доктори илмий даражаси учун тайёрлаган диссертацияси автореферати. Т.: 2001; Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. Т.: Академия. 2001; Ражабова М.А. Диний экстремизм ва террорчилик. Т.: Янги аср авлоди. 2000; Ражабова Р. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жинсий-хукукий муаммолари. || Юридик фанлар доктори, илмий даражаси учун тайёрлаган диссертацияси автореферати. Т.: 2002; Ражабова М.А. Диний экстремизм ва террорчиликга қарши кураш муаммолари. Т.: Ўзбекистон, 2003; Саидов А. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. Т.: 2002; Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. Т.: Университет. 2002. Қирғизбаев М. Диний экстремизм: Манбалари, моҳияти ва гоёси. Тошкент: 2000; Қирғизбаев М. Терроризм ва экстремизм: асосий тушунчалари ва йўналишлари. Т.: Абу Али Ибн Сино. 2001;

<sup>9</sup> Қаранг: Андронов И.А. Убийство без возмездия. М.: 1986; Моджорян А.А. Терроризм: правда и вымысел. М.: Юридическая литература. 1986; Витюк В. Эфилов С. Новый терроризм на западе: история и современность. М.: Наука, 1987; Большаков В.В. Терроризм по американски. М.: 1983; Чепорова Э.А. Ольстер: время остановилось? М.: 1985; Грибин Н.П. Трагедия Ольстера. Т.4.: 1984; Бирюков Н.Д. Ольстер – кризис британской империалистической политики. М.: 1985. Игнатенко А. Ислам на пороге XXI века. – М.: Политиздат. 1989.

<sup>11</sup> Taylor DF Are you tolerant. (Should you be?): Deconstructing the gospel of tolerance ||Christianity today/ 1999/ -p/111-115; Carnell G/ Fundamentals. Fifth Edition in stock. Paperback. Prentice Hall. 2000; Armstrong K. History of God. Random House. 1994; Brece Houfman. Inside Terrorism. N.Columbia. University Press.1998;Armstrong K. Islam. Random House. 2000; Kaufmann. Skew-Tolerant Circuit. Paperback. Publishers. 2000.

<sup>12</sup> Қаранг: Жаринов К.В. Терроризм и террористы: исторический справочник. – Минск: Хорвест. 1999; Зенкович Н. Вожди на мушке. Теракты и инсценировки – Минск: Хорвест. 1996; Кошель П. История Российского терроризма. М.: 1995., Кожишко Е.П. Современный терроризм: Анализ основных направлений. – Минск: Хорвест. 2000; Раззақов Ф. Век террора: хроника покушений –М.: Экемо. 1997; Перфильев Ю. Террор. Бейрут-жаркий октябрь. М.: XXI век – Согласие. 2000; Жаққар Р. Именем Усами бен Ладена М.: ОЛМА – пресс, 2002; Артаманов И. Терроризм: способы предотвращения методика расследования. М.: 2002; Ольшанский Д. Психология терроризма. СПб.: Питер. 2002. Игнатенко А. Халифы без халифата. – М.: Наука 1995; Антипенко В. Современный

Ушбу тадқиқотларда, биз қуйида мулоҳаза юритаётган муаммонинг ҳам айрим жузъий томонлари у ёки бу даражада ёритилган. Аммо ушбу тадқиқотлар тарих, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, ҳуқуқшунослик фанлари предмети ва вазифалари нуқтаи назаридан амалга оширилган. Республикамиз фалсафа фанида эса мазкур масаланинг фалсафий таҳлиliga оид кенг қамровли тадқиқот ханузгача амалга оширилгани йўқ. Шундай тадқиқотнинг республикамиз фалсафа фани учун долзарблигини белгилайдиган омиллар эса қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, мамлакатимиз фалсафий адабиётида халқаро терроризмнинг моҳияти, вужудга келишининг ижтимоий-тарихий ва ғоявий илдизларининг таҳлиliga оид бирон-бир жиддий тадқиқот мавжуд эмас. Халқаро террорчиликка қарши олиб бориладиган ғоявий ва мафкуравий курашнинг муваффақияти эса, кўп жиҳатдан ана шу масалани чуқур фалсафий таҳлил қилмоққа ҳам боғлиқ.

Иккинчидан, дунёнинг турли ҳудудларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам содир бўлаётган халқаро террорчилик ҳаракатларининг ғоявий ва мафкуравий асослари кўп ҳолларда диний фундаментализм ва экстремизмга бориб тақалади. Халқаро террорчиликнинг ушбу ғоявий ва мафкуравий илдизини фалсафий таҳлил асосида ҳар томонлама фош қилинган ҳолдагина унга қарши ғоявий ва мафкуравий курашнинг маънавий томони яна кучаяди.

Учинчидан, халқаро террорчиликнинг давримизнинг ўта хавфли глобал муаммоларидан бирига айланишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-мафкуравий илдизларининг фалсафий таҳлили кўп жиҳатдан унга қарши ғоявий кураш олиб боришнинг янги ва мураккаб воситаларини ишлаб чиқишга кўмак беради.

Тўртинчидан, маълумки халқаро терроризм моҳияти таҳлиliga бағишланган кўпгина тадқиқотларда ислом дини никоби остида содир бўлаётган террорчилик ҳаракати намояндаларини «исломчилар» («исламисты»), ҳаракатнинг ўзи эса ҳақиқий воқеликка ва мантиқий фикрга зид ҳолда «ислом террорчилиги» атамаси билан номланмоқда. Шунинг учун ушбу масалага етарли маълумотларга суянган ҳолда аниқлик киритиш ва ислом никобидаги террорчиликнинг ғоявий ва мафкуравий моҳиятини фалсафий таҳлил қилиш ушбу муаммонинг муҳим назарий масалаларидан биридир.

---

терроризм: состояние и возможности его предупреждения. Киев: 1998; Косиченко А.; Ашимбаев М. Современный терроризм: взгляд из Центральной Азии Алматы: Дайк – Пресс, 2002. Клонокев Б. Исламизм. США и Европа М.. Алгоритм 2003;



Бешинчидан, Ўзбекистонда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик муваффақиятли равишда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, мамлакатимизда яшаётган барча миллатта мансуб фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат-эҳтиром муносабатлари мамлакатимизда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларига қарши маънавий ва мафкуравий курашнинг ўзига хос шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Президент И.А.Каримов асарларида ёритилган методологик ва назарий хулосаларнинг бундай чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалий қўллашдаги аҳамиятини ёритиш тадқиқ қилинаётган муаммонинг муҳим томонларидан биридир.

Олтинчидан, республикаимиз фалсафа фанида Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафакқури тарихида диний бағрикенглик ва халқлараро ҳамжиҳатлик ғояларининг диний фундаментализм ва экстремизмга зид эканлиги масаласи ханузгача етарли даражада таҳлил қилинмаган. Бу ғояларни ҳар томонлама ёритиш ва халқимизнинг аксарият ҳолларда диний фундаментализм ва экстремизм асосида вужудга келган терроризмга қарши ғоявий мафкуравий кураш олиб боришида бениҳоя катта маънавий аҳамиятга эга. «Ўтмиши, аждодлари, бобокалонлари билан фахрланадиган, уларнинг муқаддас номларига ҳеч қачон доғ тушурмайдиган, тарих сабоқлари, ўғитлари, огоҳлантиришларига доимо ҳушёрлик билан қулоқ тутиб, унинг йўл-йўриқларига қатъий амал қиладиган халқни, буюк арбобларни тарих ҳам доим юксак даражада эъзозлайди ва қадрлайди»<sup>13</sup>. Шу нуқтаи назардан ушбу масалани асосий манбалар - Қуръони Карим, ҳадислар, мусулмон қонунчилиги (фикҳ), мутафаккирлар ва мутасаввифлар асарлари асосида теран ўрганиш зарурати келиб чиқади.

Еттинчидан, айрим ислом дини муҳолифларининг динлараро муносабат масаласидаги ноҳолислиги терроризм ва исломни моҳиятан бир хил қилиб курсатишга ҳаракат қилишлари, исломни ашаддий экстремистик дин сифатида «буюк жиҳодни оқловчи» ижтимоий куч қабилда талкин этишга сабаб бўлмоқда. Терроризмга қарши мафкуравий кураш олиб боришда бундай ноҳолис ва ғайририилмий фикрларга қарши ғоявий кураш олиб бориш ҳам фалсафа фанимизнинг бу борадаги муҳим масалаларидан биридир. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилайдиган омиллар ҳам ана шулардан иборат.

<sup>13</sup> Раҳмонов Р, Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши. Тошкент: Ўзбекистон, 1999 18-бет.

# I БОБ. ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ВА ҒОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИ

## §1. Террор ва террорчилик тушунчаларининг мазмун-моҳияти, террорчилик ва муҳолифат

“Террор” тушунчаси ва террор жараёнлари тарихий келиб чиқиш жиҳатидан анча узоқ даврларга бориб тақалса ҳам, ўтган асрнинг II ярмидан бошлаб ўзининг кўлами, ўз олдига қўйган мақсадлари ва оқибатлари жиҳатидан ҳам даҳшатли тус олмоқда.

Биз тадқиқотнинг мазкур бўлимида “Террор” ва “Терроризм” тушунчаларининг фалсафий таҳлилига мурожаат қилишимиздан кўзланган мақсад террорчиликнинг маънавий, мафкуравий ва ғоявий илдизларининг асл моҳияти, пировард мақсади ва қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлиш ҳамда уларга қарши мафкуравий курашимизнинг асосий восита ва тамойиллари ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдиришдир.

“Террор”- (terror) атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси “қўрқув”, “даҳшат” сўзларига яқин келади. Террор илк бор сиёсий ҳаракат усули сифатида буюк француз инқилоби даврида пайдо бўлди ва радикал инқилобчилар томонидан сиёсий муҳолифатни қатагон қилиш воситаси сифатида фойдаланилди.

Аммо ҳозирги даврда террор ўзининг кўлами, мақсади, кураш воситалари жиҳатидан муайян бир давр, тарихий шароит, мамлакат, шахсга қаратилганлиги жиҳатидан ҳар қандай чегарадан чиқиб, халқаро миқёсда ижтимоий ҳодисага айланиб бормоқда.

Террорнинг характерли томонларидан бири-унинг сиёсий йўналтирилганлигидир. Ҳар бир террор жараёнининг асосида ҳозирги даврда муайян сиёсий мақсадларни амалга ошириш ётади. У ёки бу шахс устидан зўравонлик, куч

ишлатиш эса, ушбу мамлакатдаги сиёсатни сақлаш ёки ўзгартириш воситаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий курашнинг бу усули маълум жамиятда, мамлакатда яшовчи фуқаролар орасида кўрқув ва даҳшат тарқатишдир. Сиёсий майдондан ўзига номақбул давлат, ҳукумат жамоат арбобларини йўқотиш учун террорист улар олиб бораётган асосий йўналишни бартараф қилишга интилади. Унинг издошлари ёки ворислари халқ орасида парокандалик уруғини сочишга интилади. Шу билан бирга бу жараён атрофдагиларга катта маънавий-руҳий жароҳат етказди.

Инсоният тарихида сиёсий террорнинг мана шундай мумтоз шаклини 1917 йилда Россияда октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда большевиклар томонидан юритилган ички сиёсатда кўриш мумкин. Улар “ишчилар синфининг манфаати”, “пролетариатнинг капиталга қарши ҳужуми”, “жаҳон инқилоби” каби сиёсий шиорлар остида бутун мамлакат бўйлаб аҳолининг айрим гуруҳлари, табақалари ўртасида террорни амалга оширдилар ва бутун аҳолини даҳшатга солдилар.

Терроризм турли шаклларда намоён бўлади: сиёсий, терроризм, иқтисодий терроризм, ижтимоий (маиший) терроризм, информацион терроризм, миллатчилик терроризми, диний терроризм<sup>1</sup>. Аммо улар қандай шаклларда намоён бўлмасинлар, уларнинг мазмун-моҳияти фалсафий нуқтаи назардан битта - маънавий таназзул ва ғайринсонийлик.

Ўзбекистон миллий хавфсизлиги, барқарорлиги, тараққиёти ва мамлакатда ҳукм сураётган фуқаровий ва миллатлараро ҳамжиҳатликка бугун реал таҳдидлар, шу жумладан, терроризм таҳдиди мавжуд экан, бу муаммони чуқур ўрганиш, имкон даражасида унинг олдини олиш бўйича

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда тулик маълумот учун қаранг: Кирғизбоев М. Терроризм ва экстремизм: асосий тушунчалари ва йўналишлари. Тошкент. 2001; Ольшанский Д.В. Психология терроризма. СПб. Питер. 2002 С.19-23; Требин М.П. Терроризм в XXI веке Минск: Хорверс, 2004; Витюк В.В. Эфаров С.А. “Левый” терроризм на Западе: История и современность.-М.: Наука, 1987; Petterns of Global Terrorism: 1988-Wash, 1989- P.V; Моджорян Л.А. Терроризм: правда и вымысел - 2-е изд. М.: юрид. Лит., 1986.

тегишли илмий хулосалар, хусусан фалсафий хулосалар ишлаб чиқиш давр талабига айланмоқда.

Ҳар қандай таҳдид, айниқса терроризм таҳдиди ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий вазият бўлиб, муайян тарихий даврда аниқ бир мақсадга, яъни ижтимоий тизим сифатида давлатнинг сиёсий асосларини заифлаштиришга, емиришга, шунингдек, инсон ҳаётий фаолиятини издан чиқаришга қаратилган худудий-минтақавий, умумсайёравий омилларнинг кириб келиши туфайли содир бўлади. “Бугунги кунда,- деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов-хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг ўзигина етарли эмас. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак... Жамиятда барқарорликни сақлаш шарт-шароитларини белгилаб олишимиз ва улардан самарали фойдаланишимиз зарур”<sup>2</sup>. Шу нуқтаи назардан терроризм таҳдидига ниҳоятда жиддий ёндошиб, унинг сиёсий, мафкуравий, ғоявий асосларини ва мақсадларини фош қилиш билан бирга террор ва терроризмнинг асл моҳиятини фалсафий таҳлил қилиш республикаимиз фалсафа фанининг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, терроризм хавфи замон ва макон нуқтаи-назаридан доимий равишда жамият ҳаётий фаолияти ва ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиб келган. Шунини ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бирон-бир мамлакатнинг тараққиёт йўлига тушиши, турли соҳаларда кўзга кўринарли ютуқларни кўлга киритиши мамлакат барқарорлигига нисбатан таҳдидларнинг барҳам топганлигидан дарак бермайди, албатта. Бундан терроризм хавфи ҳам мустасно эмас. Буни Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги тарихида юз берган террористик гуруҳларнинг хуружлари яққол намоён қилди. Шу нуқтаи назардан асосий вазифа ўз вақтида унинг олдини олиш, бартараф этишга қодир бўлган чора-тадбирлар

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 11-бет.

тизимини ишлаб чиқиш ва лозим бўлганда лаёқат билан уларни сафарбар қила билишдадир. Терроризмга қарши самарали курашнинг мустахкам мафкуравий асосини яратишда эса фалсафий таҳлилнинг зарурлиги табиийдир.

Иккинчи томондан террор, террорчилик ва халқаро террорчилик тушунчаларининг фалсафий моҳиятини аниқлашнинг ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва мафкуравий зарурияти шундаки, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, мафкуравий-сиёсий жараёнларнинг туб моҳиятини атайлаб сохталаштиришга, бузиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган айрим ички ва ташқи “оппонент”ларимиз ошқора террористик руҳда ташвиқ қилинаётган, намоён бўлаётган хатти-ҳаракатларни муҳолифат деб баҳолашга ва оқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун биз уларнинг ифвогарона даъватлари терроризмни муҳолифат никоби билан беркитишга ҳаракатдан бошқа нарса эмаслигини асослаш мақсадида муҳолифат тушунчасининг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий моҳияти ҳақида бироз тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида муҳолиф деган от йўқ, сифат бор. “Муҳолифат” тушунчаси мавжуд ва у куйидагича изоҳланади: “Муҳолифат” -арабча қарама-қаршилиқ, хилофлик, зиддият. “Муҳолиф”-қарама-қарши фикрга эга бўлган, қарши чиқувчи, киши”<sup>3</sup>

Мустақиллик илмий-оммабоп луғатида эса “Муҳолифат” (арабча)- келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилиқ, зиддият, расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси<sup>4</sup>, - дея таъриф эмас, тасниф берилади.

Шу маънода рус тилида ишлатиладиган “оппозиция” тушунчаси маълум даражада муҳолифат тушунчасига яқинроқ келади.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. М.: 1981. 485-бет.

<sup>4</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. Тошкент. 2000. 164-бет.

Оппозиция лотинча *opositio* - қарама-қарши ҳаракат, қаршилиқ, ўз нуқтаи назарини, ўз сиёсатини бошқа сиёсатга қарши қўйиш деган маънони англатади<sup>5</sup>.

Мухолифат ва террор тушунчалари ўртасида сиёсий хатти-ҳаракатлар жиҳатидан ҳам, мафкуравий асослари жиҳатидан ҳам ҳеч қандай умумийлик йўқлиги, улар тубдан бир-бирларига зид эканликларини яна ҳам аниқроқ тасаввур қилиш учун ҳозирги пайтда ижтимоий фикрда “мухолифат” тушунчаси ҳақида билдирилган баъзи нотўғри фикрлар ҳақида тўхталиб ўтмоқ зарур. Бу ҳақда биз тадқиқотчи Ш.Мамадалиевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз “Ижтимоий фикрда” “мухолифат” тушунчаси ҳақида бир қанча нотўғри тасаввурлар мавжуд. Улар қуйидагилар:

Биринчи тасаввур. “Ўзбекистонда расмий ҳокимият томонидан тан олинган “мухолифат йўқ”. Бундай фикрлар, асосан, ўзини демократик жараёнларни баҳоловчи олий ҳакам деб эътироф этувчи айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида учрайди...

Иккинчи тасаввур. Айрим чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларининг “Ўзбекистонда мухолифат тазйикқа олинмоқда, шунинг учун у мамлакат ташқарисида фаолият кўрсатишга мажбур”, - деган фикрлари ҳам бизнинг назаримизда англаб олинмаган моҳиятнинг инъикосидан бошқа нарса эмас...

Учинчи тасаввур, “Ўзбекистонда расмий ҳокимият жамиятни мухолифатсиз кўришни истади”<sup>6</sup>.

Шуни айтмоқ жоизки, ушбу сиёсий гуруҳлар томонидан Ўзбекистон расмий ҳокимияти турли нуқтаи назардан танқид остига олинади. Уларнинг айримлари Ўзбекистонда демократик жараёнлар содир этилмаяпти, эскича авторитар сиёсий тизим шакллантирилмоқда деб, Ўзбекистондаги ҳақиқий воқеликни сохталаштирмоқчи бўлсалар, бошқалари

<sup>5</sup> Қаранг: Словарь иностранных слов. М.: 1964. 496-бет.

<sup>6</sup> Мамадалиев Ш. Оппозициями ёки мухолифат? Айрим мулоҳазалар. || Ҳуқуқ. Право. Law. 2002. 4 (20). 46-47-бетлар

ошкора равишда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни куч билан тўхтатишни ёқлаб чиқмоқдалар.

Аслида айрим “мухолифат вакил”ларига нисбатан Ўзбекистонда ўтказилаётган “тазйиқ” уларнинг сиёсий қарашлари ва эътиқодлари учун эмас, балки террористик ва бошқа шаклдаги жиноий ҳаракатлари учун ўтказилмоқда. Аникроғи, улар ғайриконституциявий хатти-ҳаракатлари, халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид фаолиятлари учун жиноий жавобгарликда айбланмоқдалар.

Биз сиёсий мухолифатни муқобил мухолифат сифатида тушунамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли, мухолифат ҳақида сўз борар экан, бунда аввало ислохотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлида олға боришида муқобил дастурларини таклиф этишга қодир бўлган амалий мухолифатни назарда тутамиз. Ўз хатти-ҳаракатида давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарорлиги учун жавобгар бўлган, ташкилий жиҳатдан шаклланган мухолифатнинг бўлиши – жамиятнинг нормал ҳолатини кўрсатади.

Ҳар қандай жамиятда мухолифат, башарти у жамиятни янгилашнинг ташкилотчиси бўлишига интилаётган бўлса, аҳолининг муайян ижтимоий қатламлари ва гуруҳларининг теран манфаатлари ва интилишларининг ҳақиқий ифодаловчиси ва ҳимоячиси бўлиши лозим.

Терроризм хатти-ҳаракатларининг мазмуни ва моҳияти эса бевосита зўравонлик, инсон ҳаётига таҳдид ва унинг ҳуқуқларини поймол этиш билан боғлиқ бўлган бутун шаҳар, мамлакатни хонавайрон қилишга олиб келадиган, халқ миллат ва мамлакат тақдирини бутунлай бошқа ўзанга буриб юбориб, ўз мақсади ва ғояларининг рўёби учун ҳеч нарсадан тап тортмасликдир<sup>7</sup>.

Айни пайтда у ҳар қандай фикрлаш, ақл-идрок доирасида иш юритишдан холи бўлган шафқатсизлик, ашаддий хунхўрлик, жазава ва тазйиқ йўли билан ёвуз

<sup>7</sup> Плутарх. Избранное жизнеописание. Т.2. – М.: Правда, 1990. С.72; Макиовелли Н.Государь.-М.: Планета, 1990. С.26.

ниятини амалга оширадиган гуруҳлар ёки ташкилотлар фаолиятидир.

Шундай экан терроризмнинг ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, ғоявий, ҳуқуқий, руҳий томонларини қамраб олувчи фалсафий таҳлил асосида унинг асл моҳиятини ёритмоғимиз ва кенг халқ оmmasига етказмоғимиз зарур.

XX асрнинг сўнгги йилларида муайян бир мамлакат ва минтақа чегарасида аниқ бир мақсадни амалга оширишни назарда тутган террористик ҳаракатлар, ташкилотлар тобора халқаро миқёсда кенгайиб глобал муаммолардан бирига айланиб бораётганлиги туфайли жаҳондаги кўпгина мутахассис сиёсатшунослар, жамиятшунослар, ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, давлат ва жамият арбобларининг бу муаммонинг асл моҳиятини очиб бериш масаласига оид қатор тадқиқотлари, билдирган фикр-мулоҳазалари кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Албатта, уларнинг терроризмга берган таърифларида, билдирган фикр-мулоҳазаларида у ёки бу даражада тафовут, мунозарали томонлар бўлиши табиий. Лекин уларнинг ҳаммаси бир масалада яқдил: ҳеч қандай сабаб терроризмнинг жиноий моҳиятини оклай олмайди ҳам, инкор қила олмайди ҳам. Фикримизни асослаш учун бу борадаги уларнинг айрим фикрларини келтириб ўтмоқчимиз. Чунончи, профессор А.В.Наумов шундай деб ёзади: “Жиноий” терроризмни “ножиноий” (сиёсий, миллий, диний) терроризмдан фарқлаш масаласига келсак, бундай фарқланишни шартли равишда унинг важ-баҳонасига нисбатан, яъни жиноий ёки руҳий илдизига нисбатан қўллаш мумкин. Жиноят қонуни чегарасида эса, ҳар қандай терроризм– жиноятдир, зеро у қонунни бузишдир”<sup>8</sup>.

В.С.Комиссаров ва В.П.Емельяновларнинг таъкидлашларича, фақат миллий қонунлар чегарасида эмас, халқаро

<sup>8</sup> Қаранг: Терроризм: психологические корни и правовые основы. Круглый стол журнала “Государство и право”. Государство и право. 1995. С.34.



битимлар чегарасида ҳам терроризм соф жиноий хатти-харакат сифатида баҳоланади<sup>9</sup>.

Д.В.Ольшанскийнинг терроризм ушбу фалокатга йўлиққан ҳар бир одам учун моддий, жисмоний ва руҳий мусибат келтирувчи офат эканлигини таъкидловчи қуйидаги таърифи диққатга лойиқ, деб ҳисоблаймиз: “Террорчи–террористик ҳаракат-террор” биргаликда бир бутун ходиса сифатида терроризмни ташкил қилади.

Терроризм – одамларни куч билан амалга ошириладиган қўрқитишдир. Куч ишлатишнинг турли шакллари бўлади: жисмоний, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ахборот орқали ва ҳоказо. Зўрликнинг аниқ ифодаланган турли ҳоллари мавжуд бўлиши, уларни бир-бирларидан ажрата билиш мураккаб бўлган ҳолда унинг икки тури алоҳида самарали бўлади: уларнинг оммавийлаштириш даражаси ва ташкил қилинганлик даражаси. Мана шу икки ўлчамнинг бир-бири билан кесишиши зўрлик ишлатишнинг тўрт турини аниқлаш имконини беради: оммавий ташкил қилинган ва оммавий тартибсиз (стихияли), якка ҳолда ташкил қилинган ва якка ҳолда тартибсиз (стихияли). Албатта, буларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга”<sup>10</sup>.


Шунингдек, мазкур тадқиқотчининг терроризм зўрлик ишлатишнинг алоҳида шакли, айниқса сиёсий шакли эканлигини таъкидловчи қуйидаги фикри ҳам эътиборга лойиқ: “...терроризм ўз шафқатсизлиги, мақсадга изчил интилувчанлиги ва ташки томондан етарли даражада самаралилиги билан ажралиб турувчи зўрлик ишлатиш, айниқса, сиёсий зўрлик ишлатишнинг алоҳида шаклидир”<sup>11</sup>.

Ю.М.Антоняннинг терроризмга берган қуйидаги таърифи ҳам юқоридаги фикрлар билан ҳамоҳангдир: “Терроризм – ваҳима солиш, давлат ва жамият тартиботини бузиш, қўрқув солиш, ўз душманини ўзи хоҳлаган қарорни

<sup>9</sup> Қаранг: Комиссаров В С, Емельянов В.П. Террор, терроризм, государственный терроризм: понятие и соотношение.// Вестник Московского университета. Серия II.Право. 1999. № 5. С.41.

<sup>10</sup> Ольшанский Д В Психология терроризма.СПб .: Питер. 2002. С.56.

<sup>11</sup> Уша китоб. С. 193-194-бетлар



қабул қилишга мажбурлаш, сиёсий ёки бошқа ўзгаришлар қилиш мақсадларида ўзгаларга хавф солувчи кескин куч ишлатишдир”<sup>12</sup>.

Аммо баъзи бир хорижий тадқиқотчиларнинг терроризмга берган баҳоларида уни фақат ҳуқуқий жиҳатдан жиноят сифатида қораланиб, сиёсий ва бошқа томонлари назарда тутилмаган. Жоҳиллик натижасида амалга оширилган даҳшатли жиноятлардан бири ҳисобланади. Чунончи, АҚШлик М.Тамкочнинг фикрича, “терроризм анархизмдан ҳам баттарроқ бўлиб, у ижтимоий ҳаётни бузишга ва мавжуд тузумни фақат вайрон қилишга қаратилган. Терроризмда сиёсатдан заррача асар йўқ. Бу жоҳилликнинг даҳшатли шаклидир”<sup>13</sup>.

Гарчи биз юқорида номлари зикр қилинган россиялик тадқиқотчиларнинг терроризмга берган таърифлари, оқибатларига берган баҳолари илмий асосланган ва тарихий исботланган эканлигига тўлиқ қўшилсақда, шуни қайд қилишимиз лозимки, уларда асосан муаммонинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва руҳий томонларига эътибор берилган. Муаммонинг маънавий ва мафкуравий жиҳатлари нисбатан эътибордан четда қолган. Террор, терроризм ва халқаро терроризм тушунчаларининг фалсафий таҳлили эса, асосан муаммонинг худди ана шу томонларига эътибор қаратишни тақозо қилади.

Зеро, терроризм маълум бир мамлакат халқларининг дунёқараши, маънавий-руҳий қиёфаси, эҳтиёжлари, турмуш тарзи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб таъсир этиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда юз берган бир неча террористик ҳаракатлар айни халқимиз турмуши, анъаналари, урф-одатлари ва эътиқодини ўзида мужассам этган маънавиятини, унинг энг нозик хис-туйғуларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Халққа ўз таъсирларини

---

<sup>12</sup> Антонян Ю.М. Терроризм: криминологическое и уголовно- правовое исследование. М.: 1998. С.10-бет.

<sup>13</sup> Саломов К.Н. Современные проблемы терроризма. М.: Хит-М. 1999. С.11.

Ўтказиш учун худди ана шу нозик ва таъсирчан омил – ислом омилидан устамонлик билан фойдаланди.

Ўзбекистонда жамиятшунослар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, психологлар томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларда терроризмга умумбашарий мураккаб ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ғоявий, мафкуравий нуқтаи назардан ёндошиб, тизимли, комплекс тадқиқ қилишга интиломқдалар.

Шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон давлати ва ҳукумати терроризм муаммосига ўзининг ташқи ва ички сиёсатининг муҳим масаласи сифатида ёндошиб, терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи қонунларни ҳам ишлаб чиқди. Чунончи, сўнгги йилларда Ўзбекистондаги қонунчилик тизимида террорчи, террорчилик гуруҳи, террорчилик ташкилоти каби тушунчаларни умумлаштирган ҳолда уларнинг таърифига аниқлик киритилди. 2001 йилда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг иккинчи моддасида терроризм тушунчаси қуйидагича ифодаланган: “...терроризм—сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этилишидан тийилишига мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можароларни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий ва зиддиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар; террорчи-террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этган шахс; террорчилик гуруҳи олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга

тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи; террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортик шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви”<sup>14</sup>.

Демак, терроризм энг аввало зўрлик мафқураси. У ҳеч қандай тўсик билмайди. Унинг энг муҳим ижтимоий оқибатларидан бири – жамиятга, мамлакатга вайроналик келтириш. Мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиш. Маънавий жиҳатдан эзгуликка зид. Ҳеч қандай сиёсий ва мафқуравий баҳоналар уни оқламайди. Терроризм– демократик яшаш усули, восита ва услубларга қарши курашувчи ёвуз куч. У ўз хатти – ҳаракатини оқлашда турли сабаб-баҳоналардан фойдаланади ва террористик фаолиятни амалга оширишда ҳеч қандай жирканч воситалардан қайтмайди.

Терроризм ҳеч қандай умуминсоний кадриятлар ва маънавиятга риоя қилмаслиги, бирон-бир соғлом мафқуравий ва ғоявий асосга эга эмаслиги, жамият, халқ ва давлат манфаатини кўзловчи сиёсий мақсадни ўз олдига қўймаганлиги, ҳар қандай миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилмаслиги билан ажралиб турувчи жиноий фаолиятдир.

Шунинг учун Ўзбекистонда терроризмга қарши олиб борилаётган ҳуқуқий, сиёсий кураш барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, ватанимиз ҳудудида яшовчи турли миллат ва динга мансуб фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини юксалтиришга хизмат қилиши билан бирга, халқаро ҳамжамятда, терроризм фалокатига учраётган барча мамлакатларда демократия ва таракқиётга зид бўлган бу офатга қарши олиб борилаётган умумий курашнинг узвий бир қисмидир.

Шунинг учун Ўзбекистонда терроризмга қарши олиб борилаётган кураш нафақат Ўзбекистон фуқаролари томонидан, шу билан бирга халқаро ҳамжамят, қатор

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни. / Халқ сузи. 2001. 20 январь.

мамлакатларнинг давлат бошлиқлари, атокли жамоат арбоблари, барча тараккийпарвар инсоният томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу муносабат билан яна Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқидан қуйидаги фикрларни келтирамиз: “Юртимиз бошига иш тушган ташвишли кунларда жаҳондаги қўплаб нуфузли давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари халқимизга ҳамдардлик билдириб бизни қўллаб-қувватлаганидан, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши хабардор. Шулар қаторида мусулмон давлатларининг раҳбарлари, ислом оламининг кўзга кўринган сиёсат ва дин намояндаларининг бу масалага ҳолис ва соғлом ёндошуви эътиборга сазовор”<sup>15</sup>.

Ўз навбатида Ўзбекистон давлати ва фуқаролари ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларини яна ҳам изчил асосга қўймоқдалар. Айтиш жоизки, халқаро терроризмга қарши сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий ва маънавий жиҳатлардан самарали кураш олиб бориш ва ижобий натижаларга эришиш учун аввало унинг тарихий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва мафкуравий илдизларини аниқ англаб олмақ зарур.

Шунинг учун мазкур бобнинг кейинги бўлимида ушбу масалани алоҳида таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

## **§2. Халқаро терроризмнинг вужудга келишининг тарихий илдизлари, ижтимоий-сиёсий сабаблари ва унинг маънавий қиёфаси**

Халқаро терроризм қандай рангли байроқ остида, қандай ғоявий ва мафкуравий шиорлар асосида, қандай мақсадларни кўзда тутиб амалга оширилмасин замонамизнинг энг хавфли, энг даҳшатли глобал муаммоларидан бирига айланиб

---

<sup>15</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. || Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 263-бет.

бормоқда. Террорчиликнинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши унинг чегараларининг ҳам кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Халқаро терроризм ўзининг дастлабки тарихий келиб чиқиш даврида қандайдир бир мамлакат чегараси билан, қандайдир муайян чекланган мақсадларни кўзда тутган ҳолда ва чекланган воситаларни қўллаб амалга оширилган, унинг оқибати ҳам шуларга мутаносиб намоён бўлган бўлса ҳам ҳозирги вақтда кўлами ва бошқа жиҳатлари билан агар таъбир жоиз бўлса, геометрик пропорцияда ортиб бормоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон давлати ва фуқаролари ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларни яна ҳам изчил асосга қўймоқдалар. Айтиш жоизки, халқаро терроризмга қарши сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий ва маънавий жиҳатлардан самарали кураш олиб бориш ва ижобий натижаларга эришиш учун аввало унинг тарихий ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва мафкуравий илдизларини аниқ англаб олмоқ зарур.

Ҳозирги даврда халқаро терроризмнинг глобаллашуви шу даражага бориб етдики, нафақат бирон-бир мамлакат ёки минтақада, балки жаҳон миқёсида унинг чегарасини аниқлаб бўлмайдиган даражага бориб етди. Ҳозирги пайтда дунёнинг биронта мамлакати йўқки, терроризм, хусусан халқаро терроризм хавфидан ўзини ҳоли деб билса. Бу ҳақда юртбошимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ун тўртинчи сессиясидаги нутқида шундай деб таъкидлайди: “Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини ҳоли хис қиладиган бирорта китъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин.

Агар ушбу таъкиднинг маънавий жиҳатидан кулиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги пайтда халқаро терроризмга қарши кураш бутун тараққийпарвар инсониятнинг, шу жумладан, Ўзбекистон фуқароларининг вазифаси ва муқаддас бурчидир.

Халқаро терроризмга қарши ғоявий ва мафкуравий кураш йўналишлари воситаларини аниқ белгилаб олишда эса,

унинг келиб чиқишининг тарихий ва ижтимоий-сиёсий илдизларини, ғоявий ва мафкуравий манбаларини аниқлаш бу борадаги муҳим назарий масалалардан биридир. Энг аввало, халқаро терроризмнинг тарихий келиб чиқишининг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Биз аввалги бўлимда терроризм тарихий келиб чиқиши жиҳатидан маълум ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мақсадни кўзлаган уюшган хатти-ҳаракат сифатида XIX асрнинг охирида француз инқилоби йилларида келиб чиққанлигини кўрсатиб ўтган эдик. Чунончи, терроризмнинг бош мафкурачиси М.Робеспьер мамлакатдаги мавжуд қонуншунослик инқилобни ҳимоя қила олмаслигини таъкидлаб, ўз хатти-ҳаракатини мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан қуйидагича асослаган эди: “Агар тинчлик даврида халқ ҳукуматига хос нарса фозиллик (олижаноблик) булса, инқилобда халқ ҳукуматига бир вақтнинг ўзида ҳам олижаноблик, ҳам террор хосдир. Олижанобликсиз террор ҳалокатга маҳкум, террорсиз олижаноблик заифдир. Террортез, аёвсиз ва қатъий ҳакамликдир. Демак, у олижанобликнинг юзага чиқишидир”<sup>16</sup>.

Бу террорни маънавий ва ғоявий жиҳатдан оқлашнинг ўта мантиқсиз кўринишидир. Лекин ҳозирги даврдаги халқаро терроризм раҳнамоларининг бу борадаги даъватлари ва амалий фаолиятларида юқоридаги фикрларга ҳамоҳангликни ва ўхшашликни англаб олишимиз унча қийин эмас.

Аммо Робеспьер асос солган терроризм<sup>17</sup> ҳамда унинг кўринишларидан бири бўлган Россиядаги “народниклар” терроризми жаҳонда, ҳатто Европада ҳам кенг тарқалмаган ва халқаро терроризм даражасига кўтарилмаган эди.

<sup>16</sup> Veliay C. Discours et Rapports de Robespierre P 1908. P. 332.

<sup>17</sup> Каранг: Робеспьер М. Революционная законность и правосудия. Статьи и речи. М.: 1959.-С.210.

Айтиш мумкинки, терроризмнинг оммавий<sup>18</sup> ва маълум даражада халқаро тус олишининг тарихий илдизларидан бири Россияда октябрь тўнтаришидан кейин олиб борилган большевиклар сиёсати бўлди. “Россияда монархия ағдариб ташлангандан кейин демократик бошбошдоқлик бошланди. Бундан фойдаланган халқаро террорчилар ташкилоти мамлакатда ҳокимиятни босиб олди. Молиявий жиҳатдан бу ташкилотни ўзининг тинчлигини ўйлаган. Германия таъминлаб турарди... Чекистларнинг ўқларидан кўра большевиклар тарқатган одамларнинг ялпи тенглиги ҳақидаги заҳарли ғоя кўрқинчлироқ бўлиб чиқди. Айни шу ғоя халқаро террорчиларнинг байроқлари остига миллион-миллион оммани жам қилди. Айни шу ялпи тенглик ғоясини дастак қилиб, беҳисоб талашлар, мусодаралар, тортиб олишлар амалга оширилди, айни шу ғоя йўлида сон-саноксиз қурбонлар берилди”<sup>19</sup>.

Эҳтимол, бу ердаги ялпи тенглик ҳақидаги ғоянинг “заҳарли” эканлиги ҳамма вақт, ҳар қандай шароит ва мақсадлар нуқтаи назардан мунозарали бўлиши мумкин ва бу ҳақда биз алоҳида фикр юритмоқчи эмасмиз. Бу ерда гап большевиклар ўз террористик мақсадларини амалга оширишда ҳар қандай восита ва ғоялардан, шу жумладан халқ онгида эзгулик рамзи сифатида тасаввур қолдирган ғоялардан ҳам мунофиқона фойдаланганликлари ҳақида кетаяпти. Шу маънода биз Игорь Буниннинг юқоридаги фикрлари асосли деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, бу масалада ҳозирги давр халқаро терроризм раҳнаомларининг хатти-ҳаракатлари ва ўзларини оқлаш учун қилаётган даъволари ўтмиш “салаф”ларининг хатти-ҳаракатлари ва даъволаридан унча фарқ қилмайди.

---

<sup>18</sup> Оммавий террор ҳақида батафсил маълумотлар бизнинг назаримизда қуйидаги тадқиқотлар берилган: Карр Э. История советской России. Кн. 1; Т. 1, 2. Большевитская революция. 1917-1923. —М.: Прогресс, 1990; Галкин А. А. Германский фашизм —М.: Политиздат, 1967; Бланк А. С. Старый и новый фашизм. —М.: Политиздат, 1982; Политическая психология | Под общ. ред. А. А. Деркача, В. И. Жукова. —М.: Академический проект, 2001; Drobischx. Uber den terror and seine institutionen in Nazidentschlaro. In: Faschung.-В.: Iolk Verlad. 1949.- S 157-180.

<sup>19</sup> Игорь Бунин, Партиянинг олтинлари. // Жахон адабиёти. 1997, 4. 4-5-бетлар.



Демак, Россия большевистик партияси ташқи сиёсатининг бош йўналиши бўлган бутун дунёда капитализмни тугатиб, пролетар диктатурасини ўрнатишда халқаро терроризм воситасидан фойдаланишга катта аҳамият берган<sup>20</sup>. Бунинг учун улар ушбу ташкилотнинг амалиёт дастурини ишлаб чиқишда асосий раҳнамо бўлганлар. Оддий кўрсатма, йўл-йўриқ, низомлар ва хитобномалар билан чекланмасдан имкони борича катта моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турганлар. Буни Россия коммунистик партияси учун шараф деб билганлар. Жуда катта моддий маблағ сарфламасдан бундай ишларни амалга ошириш мумкин эмаслигини жуда яхши англаганлар.

Шуни ҳам айтиш жоизки, XX асрнинг 60-йилларида ўзини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси (КПСС) деб эълон қилган болшевиклар партияси то собиқ иттифок (СССР) парчаланиб кетгунга қадар ўзининг ушбу сиёсатига содик қолди. Бу ҳақда Игор Бунин журналист жўшқинлиги билан шундай деб ёзади: “Мамлакатда содир бўлаётган ҳамма жиноятларнинг ва дунёда юз бераётган алғов-далғовларнинг излари шу ерга (Москвадаги собиқ КПСС МҚ биноси – Н.С.) келиб бирлашади... Шу ерда ўз халқини мафқуравий ва жисмоний жиҳатдан аҳмоқ қилиш борасидаги мислсиз дастурлар ишлаб чиқилади ва бутун дунёга ҳукмдор бўлиш орзулари ардоқланиб парваришланади. Бу ерда миллионлаб одамларнинг ва бутун-бутун давлатларнинг тақдирлари хал бўлади... Бу ерда қўлланмалар ва дастурлар ишлаб чиқилиб дунёнинг ҳамма мамлакатларига жўнатилиб турилади. Шу ердан ошқора ва яширин коммунистик партияларни, исёнчи гуруҳларни, террорчи ташкилотларни, сўл ва миллатчи коммунистик газеталарни, сайлов жараёнларини, порахўр давлат арбобларини ва давлат арбоби бўлишни орзу қилувчи моҳир жиноятчиларни молиявий таъминлаш учун беҳисоб маблағлар юборилади”<sup>21</sup>.

<sup>20</sup> Қаранг: Красная книга. ВЧК. В.2 т.- 2-е изд.-М.: Политиздат, 1990.- Мелгунов С.П. “PULCO”, “P.S”, 1990.

<sup>21</sup> Игорь Бунин. Партиянинг олтинлари // Жаҳон адабиёти. 1997, 4-сон. 150 – бет.

Албатта, ҳозирги замон халқаро терроризмни географик кўлами жиҳатидан ҳам, кураш воситалари ва имкониятларининг ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам, унинг хавфининг геометрик пропорцияда ўсиб бориши жиҳатидан ҳам, унга қарши курашнинг тобора қийинлашиб бориши жиҳатидан ҳам унинг тарихий шаклига таққослаб бўлмайди. Аммо улар ўртасидаги бир умумийликни кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам умуминсоният манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, аксинча унга зид бўлган бир гуруҳ шахсларнинг, ёки тарихий тараққиёт қонунларига зид келувчи сиёсат, ғоя ва мафқуранинг мақсадларини амалга оширишга қаратилган жиноий ва ғайриинсоний хатти-ҳаракатдир.

Иккинчи томондан, биз эҳтимол ҳозирги замон халқаро терроризми ўзининг тарихий шаклларида “маънавий” озуқа олганми? Унинг “тажриба”ларини ўзлаштирганми, агар ўзлаштирган бўлса, қай даражада ўзлаштирган?-деган саволларга аниқ ва тўғри жавоб бера олмасмиз. Аммо биз улар ўртасидаги яна бир умумийликни кўрсатишимиз мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам маълум тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафқуравий ва маънавий шароитлар тақозоси билан вужудга келган. Шундай экан, бундай шароитлар нималардан иборат эканлигини аниқлаб олмоғимиз зарур.

Халқаро терроризм кенг кўламда ёйилиши ва тажовуз-корлигининг тобора ошиб бориши XX асрнинг 70-80-йилларига тўғри келади. Бу тасодифий ҳол эмасди. Бунинг сабабларидан бири кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳарбий харажатларга сарфланаётган катта маблағ, бунинг натижасида нарх-навонинг ошиши, иқтисодий танглик ва ишсизликнинг кўпайишига олиб келди. Жамият иқтисодий ҳаётидаги бундай ҳолат жамиятнинг қатор табақа ва гуруҳларида норозилик уйғотди. Маълум даражада жиноятчилик кўпайди. Бундан эса сиёсий экстремистик гуруҳлар усталик билан фойдаланди.

“Экстремизм” -тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб “ашаддий” маъносини билдиради. Бундай дунёқараш

мафкураси бошқача қарашлар билан умуман келишмайди ва энг сўнгги чоралар, мавжуд ҳолатни кескин равишда ўзгартириш, ўз мақсади ва қарашларини куч ишлатиш ёрдамида сингдириш, ўзгача фикрлайдиган кишиларни жисмоний йўқ қилишдан ҳам қайтмайди. Сиёсий экстремизм хавфи ҳақида тўхталиб Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серқирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади”<sup>22</sup>.

“Экстремизм мафкуравий жиҳатдан олиб қараганда, ўзининг сиёсий ва диний тизимини тан олиб, бошқа қарашларни бутунлай рад этади. Экстремистик ташкилот ўз йўлбошчисининг барча буйруқларини сўзсиз бажаради”<sup>23</sup>, деб таъкидлайди тадқиқотчи М.Қирғизбоев.

Ҳозирги даврда аксарият халқаро террористик ташкилотлар, партиялар ўзларининг турли кураш жабҳаларида сиёсий экстремизмнинг худди ана шу тактикасидан фойдаланмоқдалар.

Халқаро терроризмнинг ҳозирги даврда кенг ёйилишининг сабабларидан яна бири—инкилобий жараёнлар, ишчи ва демократик ҳаракатлар, миллий-озодлик курашлари билан боғлиқ. Улар иқтисодий ва сиёсий тангликнинг “орка томони” билан боғлиқ. Табиийки, иқтисодий ва миллий эзилиш оқибатида нафақат инкилобий ва миллий-озодлик ҳаракатлари, балки бутунлай уларга ёт бўлган қарашлар, ғоялар, мафкура ва ҳаракат ҳам юзага келиши мумкин. Бунга кўпгина ривожланаётган мамлакатлардаги миллий—озодлик ҳаракатларига раҳбарлик қилган партиялар ва

<sup>22</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XIX аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиет кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 14-бет.

<sup>23</sup> Қирғизбоев М. Терроризм ва экстремизм: асосий тушунчалари ва йўналишлари. Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2001. 8-бет.

ташкilotларнинг мафкуравий ва ғоявий эволюцияси тарихида ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Халқаро терроризмга қарши сиёсий, ғоявий ва мафкуравий курашда унинг ана шу ижтимоий-сиёсий илдизларига ҳам эътибор бермоқ зарур. Акс ҳолда халқаро терроризмнинг географик кўлами, ғоявий ва мафкуравий илдизлари ҳақида нотўғри тасаввур вужудга келиб, унга қарши кураш жабҳаси ҳам бир ёқлама чекланган бўлиб қолиши мумкин. Шу муносабат билан Беньямин Натаньяхунинг халқаро терроризмнинг келиб чиқиш ўчоқлари ва мавжуд бўлиб қолаётган таянч базалари ҳақидаги фикрлари бир ёқлама, фақат маълум бир гуруҳ давлатларни, аниқроғи араб-мусулмон давлатларни асоссиз айблашга қаратилган деб ҳисоблаймиз. Унинг таъкидлашича, “Халқаро терроризм турлари Эрон, Ироқ Сурия каби ҳукуматларга, Афғонистонда ўз назоратини ўтказган толиблар режимига, Ёсир Арафот бошчилигидаги Фаластин маъмуриятига ва бошқа бир неча Судан ҳукумати сингари араб мамлакатлари режимига таянади. Худди шулар Афғонистонда Усома бин Ладен, Сурия назорати остидаги ХАМАСга, Ливандаги “Хизбуллоҳ”га, “Ислом жиҳоди”га, яқинда сафарбар қилинган ФАТХнинг Фаластин ҳудудидаги “Танзим” гуруҳларига, шунингдек Дамашқда, Бағдодда, Хартумда жойлашган бошқа гуруҳларга паноҳ бўлмоқдалар.

Бу террористик давлатлар ва ташкilotлар биргаликда террористик турни ташкил қилиб, уларнинг таркибий қисмлари бир-бирларини фақат сиёсий жиҳатдан эмас, балки жанговор фаолият жиҳатидан ҳам қўллаб-қувватлайдилар”<sup>24</sup>.

Албатта, биз ҳозирги даврда халқаро терроризмнинг вужудга келишида ислом фундаментализми ва экстремизмининг ролини инкор этмоқчи эмасмиз. Бу масала мазкур тадқиқотнинг бир бўлимида алоҳида таҳлил қилинади. Шу билан бирга халқаро терроризмнинг базасини маълум бир гуруҳ давлатлар чегараси билан чеклаб қўйишни ҳам асоссиз

<sup>24</sup> Қаранг: Беньямин Нетаньяху. Война с терроризмом. // Перевод с английского. М.: 2002. 15-16-бетлар.

деб ҳисоблаймиз. Чунки бундай чеклаш натиждасида амалда халқаро терроризмнинг фақат ғоявий ва мафқуравий асослари назарда тутилиб, унинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий томонлари эътибордан четда қолади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, антитерроризмнинг мазкур “мафқурачиси” ўз тадқиқотининг бошқа бир саҳифасида юқоридаги фикрларига моҳиятан зид бўлган фикрларни айтади ва ўз фикрларининг исботи учун етарли даражада маълумотлар келтиради. Жумладан: “Ўтган асрнинг 40-50-йилларида худди Совет Иттифоқида ва унга тобеъ (сатиллит) мамлакатларда Италия, Греция, Француз Ҳинди- Хитойи, Португал Африкасидан келган исёнчи ва террористлар тайёрланганлар. У ерда уларни террористик ишларни амалга оширишга ўргатганлар.

Совет террористик тури қандай фаолият курсатганлигининг ёрқин мисоли қилиб Италияни кўрсатиш мумкин. Италиян марксистик қотиллар Иккинчи жаҳон урушидан кейин Чехословакия, Югославия ва Совет Иттифоқига тобеъ мамлакатларда таълим олдилар<sup>25</sup>.

Агар муаллифнинг ушбу маълумотларини инобатга оладиган бўлсак, халқаро терроризмнинг вужудга келиши ва халқаро қўламда кенг миқёс олишининг ижтимоий-сиёсий шароитлари турлича бўлган. Агар коммунистик мафқура қўллаб-қувватлаган халқаро терроризмнинг ижтимоий-сиёсий мақсадлари бутун дунёга коммунистик ғояларни тарқатиш ва социалистик лагернинг жаҳоншумул ғалабасини таъминлашга қаратилган бўлса, миллий мустақиллик учун курашаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида халқаро терроризмнинг қўллаб-қувватланишига сабаб бўлган кўпгина омиллардан бири- миллий манфаатларнинг маълум даражада камситилганлиги ҳам бўлиши мумкин.

Демак, бу масалада бир ёкламалиқдан, миллий ва диний хис-туйғуларга ҳаддан ташқари берилмаган, муайян ижтимоий-сиёсий шароитларни ҳам ҳисобга олган ҳолда

---

<sup>25</sup> Уша асар. 92-94-бетлар.

инсонпарварлик тамойилларига, қонунчиликка риоя қилган ҳолда ёндошмоқ зарур. Шунинг учун биз юқоридаги муаллифнинг “Мени тўғри тушунсинлар: терроризм устидан ғалаба бу қонунчиликка риоя қилиш масаласи эмас”<sup>26</sup>, -деб хулоса чиқарган “назария”сини соғлом фикрга ҳам, мантиска ҳам зид деб ҳисоблаймиз. Зеро, бундай ҳолда террорга қарши курашнинг ўзи ҳам террорга айланиб кетиши мумкин. Тарихда бундай воқеалар ҳам бўлган. Шу муносабат биз тадқиқотчи Д.В.Ольшанскийнинг куйидаги таъкиди эътиборга лойиқ деб ҳисоблаймиз: “Террор фақат оммага қарши қаратилганлиги ёки муайян бир омманинг бошқаларга қарши қаратилганлиги учунгина оммавий тус олмайди. Зўрликка қарши зўрлик ишлатилганда террор ҳақиқий оммавий тус олиши мумкин. Бунда террор омманинг кенг қатламларини ўзига жалб қилиб, гирдоб ҳолатида камраб олади”<sup>27</sup>.

Терроризмнинг тарқалиши, тобора моддий ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамланиб боришдаги сабаблардан бири-айрим мамлакатларнинг унга икки ёқлама ёндошишидир. Баъзи тарихий ҳужжатлар ва маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги даврда терроризмга қарши фаол курашаётган айрим давлатларнинг ўзи муайян тарихий шароитларда сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги даврда халқаро терроризм тусини олган ташкилотларни баъзан яширин, баъзан ошқора равишда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳоллари ҳам бўлган. Агар таъбир жоиз бўлса, бундай ҳолатни бир қўл билан силаб туриб, иккинчи қўл билан шапалоқ урмоқ, деб баҳолаш мумкин.

Жумладан, биринчи рақамли террорист “шарафи”га муяссар бўлган Бен Ладен яқин кунларгача АҚШ томонидан маълум мақсадларда моддий ва бошқа жиҳатлардан қўллаб-қувватлаб турилганлиги ҳақида Д.В.Ольшанский шундай маълумот беради: “Бир нарсага эътибор берайлик: 2001 йил 11

<sup>26</sup> Қаранг: Война с терроризмом. С.26.

<sup>27</sup> Уша асар. С.41.

сентябрь воқеаларигача АҚШ Усома бен Ладенни қўлга тушириш масаласида лоқайд фаолият кўрсатди. Бунинг бир неча сабаблари бор. 1980 йилларда совет қўшинларига қарши афғон қаршилигида иштирок этганлиги учун Бен Ладен АҚШ Марказий бошқарма разведкаси (ЦРУ)нинг [хайрихоҳлигидан фойдаланиб келди. Баъзи маълумотларга қараганда ёлланган эди. Унинг ёрдамида мужоҳидларга қурол-яроғ етказиб берарди»<sup>28</sup>.

Маълумки, халқаро ташкилотлар, давлатлар, терроризм билан курашда, аввало ҳуқуқий меъёрларга таянадилар. Бу соҳада йўл қўйилган кичик камчилик ҳам инсониятга қимматга тушишини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, 1986 йилдаёқ БМТ барча террорчилик ҳаракатларини жиноят деб эълон қилган резолюцияни қабул қилди. Лекин бу резолюцияда жиддий камчиликка йўл қўйилди – унда террорчиларни қўллаб-қувватлаш жиноят сифатида баҳоланмади ва бу омил қайсидир маънода террор орқали ўз манфаатларини қондирмоқчи бўлган тўдаларни урчитиб юборди. Бу нафақат айрим давлатлар, балки айрим бадавлат шахслар томонидан ҳам халқаро терроризмга берилаётган ёрдамни жиноят сифатида кескин қоралаш ва бартараф этиш имкониятини чеклаб қўйди.

Ҳозирги давр халқаро терроризмининг ғоявий ва мафкуравий асослари ҳам маълум тарихий илдизга эга. Албатта, ҳозирги давр халқаро терроризмининг ғоявий ва мафкуравий илдизлари ўз келиб чиқиши жиҳатидан бир хил тарихий илдизга эга, деб айтиш қийин. Лекин улар қайси ғоя ва мафкурага таянишларидан қатъи назар, қандай маънавий кадриятларни ниқоб қилиб олишларидан қатъи назар, уларнинг оқибати маънавий жиҳатдан ғайриинсонийлик, ҳуқуқий жиҳатдан жиноятдир.

Бу халқаро терроризмнинг ҳамма кўринишларига хос. Биз уларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтмасдан, ислом терроризми ғоявий ва мафкуравий эволюцияси тарихидан

---

<sup>28</sup> Ўша асар. 239-бет.

баъзи маълумотларни келтириб, унинг тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу биринчи жаҳон уруши арафасида бошланиб, 1914 йил 1 октябрида Миср султони Аббос Иккинчи “жиҳодга” (муқаддас уруш) чақирди. Бу ҳаракат Англия, Франция, христианларига қарши урушга кирган Усманийлар империясини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Бунга жавобан Мисрда портлашлар кучайди, бунда гранаталар бозордаги апельсинлар уюмига қўйилган бўлиб, бу ҳаракат “цитруслар уруши” деб номланди. Бу ислом экстремистлари мақсадлари йўлида фуқароларни танлаб олган биринчи халқаро миқёсдаги террористик ҳодиса эди.

Бироз вақт ўтиб, ислом экстремистлари махсус хизмат назарига тушди. Улардан нацистлар разведкаси унумли фойдаланди. Нацистлар томонидан таъминлаб борилган ислом гуруҳларидан “Оллоҳ Армияси”, “Пайғамбар байроғи” номлари остида ғарбий дипломатлар хотинларини ўлдирдилар, гўзаллик салонларини портлатдилар ва ҳоказо.

30-йиллардан то 60-йилларнинг иккинчи ярмигача, аниқроғи, 1967 йилгача, яъни араб мамлакатларининг Исроил билан урушдаги мағлубиятидан сўнг, ислом экстремизмининг террористик амалий фаолияти бироз сусайди. Лекин бу йиллар орасида диний-экстремистик ташкилотлар Яқин Шарқда вужудга кела бошлади. Масалан, 1930 йилда Мисрда “Биродар мусулмонлар” ташкилоти тузилади. Бу ташкилот бошиданок ўзининг кучли мафкуравий йўналиши билан ажралиб турарди. Унинг бош мақсади жамиятни исломлаштириш ва ислом давлатини вужудга келтириш эди. “Биродар мусулмонлар” ташкилотининг ташкилотчиси ва илҳомчиси мактаб ўқитувчиси Ҳасан ал-Банно бўлган. У биринчи навбатдаги вазифа қилиб, исломий фаолият тарбиясини қўйди. Унинг фикрича, халқ исломий кадриятларни егаллагандагина ислом давлати тузилиши мумкин. Кейинчалик бу ташкилотдан янги экстремистик қанот ажралиб чиқди, унинг ғоявий раҳбари Сайид Кутб эди. Шу вақтдан бошлаб, “Биродар мусулмонлар” ташкилоти экстремистик ташкилотга айланиб, ўз фаолиятида террористик услубларни қўллай бошлади. Уларнинг



шиорларида куйидагилар ифодаланган эди: “Худо-идеал. Пайгамбар – йўлбошчи, жиҳод – мақсад йўлида ютукқа эришиш воситаси, Худо йўлида жон бериш – азалий орзу”.

1940-1950 йилларда бу ташкилот аъзолари қатор террористик актларни амалга оширдилар: 1941 йилда Мисрнинг премьер-министри Нукраши пошшо ва Қоҳира шаҳри полиция бошлиги Салим Захин ўлдирилди, 1954 йилда президент Абдул Носирга суиқасд уюштирилди. Тез орада бу ташкилот тор-мор этилди, кўпгина аъзолари қўлга олинди, улар қатл этилди.

Бирок, 60-йилларнинг ўрталарига келиб, “Биродар мусулмонлар” ташкилотига кирган террористик ташкилотлар қайта тузила бошланди, 1967 йилги араб-исроил урушида араблар мағлубияти араб мамлакатлари аҳолиси ўртасида ижтимоий-психологик ҳаётлик ҳолати бўлган бўлса ҳам, ўз навбатида “Биродор мусулмонлар” ташкилотининг кейинги фаолиятини кенгайтиришга омил бўлиб хизмат қилди.

Бу ҳаётлик ҳолати ижтимоий воқеликка нисбатан ишончсизлик туғдирди, диний қарашларни портлатиб юборди, оқибатда бутун ер юзида исломни “ўлмас руҳий кўрғон”, “ягона ва олий қадрият” деб даъват қилиш кенг кулоч ёзди. Бу сабаблар негизида Яқин Шарқда 70-80 йилларда қатор ўта радикал террористик гуруҳлар ва диний-сиёсий ташкилотлар вужудга келди.

Булар қаторига ХХ асрнинг 70-йилларида тузилган радикал диний-сиёсий ташкилотлар сифатида “Ал-жамоа Ал-Исломия”, “Ал жиҳод Ал-Исломия”, 70-йилларда юзага келган “Хизбуллоҳ” ва “Ҳамас”ларни киритиш мумкин. Бундай кенг кўламли террористик ташкилотлар томонидан террористик хуружлар дунё бўйлаб ёйила бошлайди.

Бундай радикал террористик ташкилотлар қаторида бугунги кунда Усама бен Ладен раҳбарлигида тузилган “Толибон” ва “Ал-қоида” ҳаракатлари ҳам катта хавф туғдиради. Сиёсий майдонга ислом террористларининг йўлбошчилари сифатида Муҳаммад Умарнинг ва бен Ладеннинг чиқишлари билан янги террористик хуружлар

бошланди. АҚШ ҳукуматининг 2001 йил сентябрь ойининг биринчи ярмидаги ахборотида “байналминал террорист” Усама бен Ладен ўз филиалларини 34та мамлакатга ўрнатган. Унинг агентураси Озарбайжон, Тожикистон, Чеченистон, ҳатто АҚШ худудида ҳам мавжуд. Мазкур докладнинг хулосаси битта: террор Усама бен Ладен учун унвон ва касб, шунинг учун у ва унинг издошлари “катта хавф” туғдирадilar. Дунё бўйича 120 та ислом террористик гуруҳлари бутун дунё мусулмонларини бирлаштириб, Америка империализми ва иркчилигига қарши курашга чорлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу ташкилот ва ҳаракатларнинг раҳбарлари томонидан мусулмонлар ягона миллат, улар учун чегаранинг ўзи йўқ, ҳаммаси битта одам, деган ғоялар олиб борилмоқда, сингдирилмоқда. Толибонлар ҳаракати етакчиларининг асосий режаси Уралдан то Ҳинд давлатигача, Каспийдан то Олтойгача чегарани эгаллаган радикал Ислоний давлат ўрнатишдан иборат<sup>29</sup>.

Таассуфки, бугунги кунда террор уруш олиб боришнинг энг кўп тарқалган ва таъсирчан турига айланиб бормоқда ва бунинг энг асосий “яловбардори” ҳам халқаро терроризмдир. Шафқатсизлик, юксак даражада мафқуралашганлик, ҳарбий билимларни эгаллаганлик уюшган жиноятчилик билан ҳамкорлик, молиявий имкониятлар янги аср терроризмининг асосий хусусиятларидир. Бу омиллар ёвуз тўдалар сафини янги “муҳоҳид”лар билан тўлдириб боришга замин яратади.

Фикримизни В.Фромнинг қуйидаги сўзлари қувватлайди. Инсон ўлимдан қўрқиши керак, зеро уни ҳаётий тамойиллар бошқариб туради<sup>30</sup>. Ҳозирги замонда халқаро терроризмнинг эътиқод жиҳатдан ҳам, маънавият жиҳатдан ҳам, инсоннинг яшаш ҳуқуқига эгалиги жиҳатидан ҳам энг фожиали ва энг ёвуз “кураш” усулларидан бири-фанатизм (ўтакетган мутаассиблик-СН)га асосланган террорчи

<sup>29</sup> Тураев Б. Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик химоясида. Тошкент: Ўзбекистон. 2001. 26-бет.

<sup>30</sup> Фромм Э. Иметь или быть? - М.: Прогресс, 1990. С. 134.

камикадзе (Ўзини онгли равишда ўлимга маҳкум этган-С.Н)лар ёрдамида ўз мақсадларини амалга оширишдир.

Бундай одамлар тажрибада кўрилганидек, террорнинг мақсадлари ва натижаларини таҳлил қилиб ўтирмайдилар. Иккинчидан, улар ўзларини “оддий табиий ўлим топувчилардан” анча юқори санайдилар. Бу уларда террорнинг ҳар қандай воситаларини қўллаш имкониятини яратади. Учинчидан, ўз ва бошқалар дардларига кам эътибор қаратиш, ҳамиша ўлим ва ўлдиришга тайёр туришдир.

Террорни амалга оширишнинг энг мудҳиш воситаси камикадзе – шахидлардан фойдаланиш ўрта асрлар жаҳолатининг маҳсули бўлиб, жоҳил ва мутаассиб инсонларга гиёҳванд модда истеъмол қилдириш натижасида уни исталган ёвузликка, жожеага тайёрлаганлар. Бу ҳаракат XII асрнинг II ярмида Хуросонда вужудга келган бўлиб, унинг асосчиси Хасан ибн Саббоҳ бўлган. Бу террористик ташкилот бўлиб, унинг аъзоларини ҳашимийлар деб агаганлар. “Ҳашиш” арабча гиёҳ маъносини англатса ҳам амалиётда гиёҳванд моддасини истеъмол қилувчиларга нисбатан қўлланилган<sup>31</sup>.

Хасан Саббоҳ 1090 йилда Вазвин шахрининг шимоли-шарқий томонидаги Эдбус тоғига жойлашган Оламут қальясини босиб олади ва уни ўз қароргоҳига айлантиради. Тарихий манбаларга кўра бу ҳаракат ҳашимийларнинг сўнгги раҳнамоси Аловуддин Муҳаммад 1259 йилда ўлдирилгунига қадар сақланиб қолган. Ҳашимийлар ва уларнинг раҳнамоси Хасан Саббоҳнинг ҳийла-найранглари ва ёвузликлари ҳақида ўрта асрларда кўпгина ривоятлар тарқалган. Энг эътиборли ривоятлардан бири Венеция савдогари кўпгина шарқ мамлакатларига саёҳат қилган Марко Поло (1254-1323) нинг китобида келтирилади. Ҳашимийлар ҳаракатининг ёвуз моҳиятини яхши англаб олишга ёрдам бериши мумкинлиги туфайли бу ривоятни нисбатан тўлиқ келтиришни лозим кўрдик. Марко Поло ҳашимийларнинг сўнгги шайхи

<sup>31</sup> Қаранг : Арабско-русский словарь. Составитель проф. Баратов Х/К. М: 1957. С.218.

Аловуддин Муҳаммад қароргоҳида кўрганларини қуйидагича ривоят қилади: “Шайхни улар Аловуддин деб атайдди. У икки тоғ орасидаги водийда катта ажойиб бир боғ яратган, бундай боғни ҳеч ким кўрмаган... Шайх ўз кишиларига бу боғни биҳишт деб тушунтирган. Муҳаммад мусулмонларга биҳишт боғини қандай таърифлаган бўлса, шайх бу боғни худди шундай бапро этган ва уни ердаги мусулмонлар бунинг биҳишт боғи эканлигига ишонганлар...

Шайх ўша атрофдаги 12 дан 20 ёшгача бўлган ҳамма йигитларни ўз саройида сақлаган. Улар соқчилик қилганлар; улар Муҳаммад пайгамбар жаннатни қандай таърифлаган бўлса, бу боғ ҳам шундай эканлигини эшитиб билганлар... Шайх ўз хоҳишига кўра бу бокқа тўрттадан, ўнтадан ё йигирма тадан ёш йигитларни олиб киришга руҳсат берган. Бокқа қўйиш йўли шундай бўлган: аввал йигитларни маст қилиб ухлатганлар, кейин уйқуда бокқа олиб кирганлар ва у ерда уйғотганлар... Агар шайх бирор кишини ўлдирмок учун бирор кишини юбормокчи бўлса, кераклигича йигитни маст қилишга амр этади; улар ухлаб қолганларидан кейин ўз саройига олиб киришга бўйруқ беради. Йигитлар уйғотиб, ўзларини саройда кўрадилар ва бундан ҳайрон бўладилар. Аммо улар севинмайдилар, чунки ҳеч ким боғдан ўз хоҳиши билан чиқиб кетишни истамайди...

Боғда бўлмаганлар ҳам бу жаннатни кўргилари келади. Улар ўлимга ҳам тайёр, фақат жаннатга тушсалар бас. У ерга борадиган кунни интизорлик билан кутадилар... Бировни ўлдиришни ният қилган шайх ўз одамларидан кераклигини чақириб олиб, уни жаннатга юбормокчи эканлигини, шунинг учун фалон жойга бориб, фалон кишини ўлдириши лозимлигини айтади, агар хашимийнинг ўзи ҳам ўлдирилса, у тўппа-тўғри жаннатга тушишини уктиради. Шайхдан бундай амр олган киши қўлидан келганини аямаган, шайх буюрган ҳамма нарсани бажо келтирган. Тоғ шайхи кимники ўлдирмокчи бўлар экан, унга нажот йўқ”<sup>32</sup>.

<sup>32</sup> Марко Полонинг китобида келтирилган юқоридаги узбек тилидаги матни. Ш.Шомухамедовнинг “Хазиналар жилоси” китобидан олинди. Тошкент: 1982. 26-28-бетлар.

Сўнги фикрнинг тарихий ҳақиқатга яқинлигини исботловчи далиллардан бири шуки, ҳатто салжуқийлар салтанатининг қудратли вазири “Сиёсатнома” асарининг муаллифи, Ҳасан Саббоҳни ҳомийлигига олиб саройдан иш берган Низом ул-мулк ҳашимийлар террорчилигининг қурбони бўлган. Тадқиқотчи Ш.Шомуҳамедовнинг таъкидлашича Ҳасан Саббоҳнинг Оламуш қалъасида ясама жаннат барпо қилганлиги, исломийларнинг террорчилик ташкилотини тузганлиги, Низомул-мулкнинг шулар тифидан ҳалок бўлганлиги тарихий фактдир<sup>33</sup>.

Гарчи, айрим тадқиқотчилар ясама жаннат ҳақидаги буювотни асосиз деб ҳисобласалар ҳам, айримлар бундай “жаннат”нинг бўлган бўлиши мумкинлиги, наша (ҳашиш) чекувчиларда галлюцинациялар бўлиши ҳақида гапирилади.

Тарихий манбалардан ҳам маълумки, эволюцияга учраган ўта даражада сўллашиб террористик ҳаракатга айланган янги исломия мазҳаби тарафдорлари ҳақиқатан ҳам бу даврда юқорида эслатганимиз Оламут қалъасини босиб олган ва атроф ўлкаларга ваҳима солиб турилган. Оламут шайхлари ўзларини имом деб эълон қилганлар. Бу мазҳабнинг тариқатида фидойи поғонаси ҳам бўлган. Фидойилар мазҳаб йўлида, шайхнинг амрини бажариш йўлида ўзларини қурбон қилишга ҳам доим тайёр турганлар. Улар ҳар қандай суикасддан, террорчиликдан тап тортмаган. Ўтакетган мутаассиб бўлган фидойилар шайх буюрган одамни ўлдириш учун ўзлари шаҳид бўлса, албатта жаннатга тушажагига ишонган, шунинг учун ўлимдан ҳеч кўркмаган. Фанатизм шу даражада бўлганки, тирик қолганларнинг ўзларигина эмас, оналари ҳам фигон чекиб, “ўғлим шаҳид бўлмади”, “жаннатга туша олмади”, деб кайгурган.

Демак, ҳашимийларнинг асл қиёфаси ўз шайхининг хоҳиш-иродасига сўзсиз бўйсунувчи, манқурт каби ўзини унутган, гиёҳванд модда истеъмолчи туфайли руҳий фалажлик ҳолатидаги қотилликдир. Шунинг учун Европада уларга

---

<sup>33</sup> Ўша асар. 31-бет.

нисбатан “қотил” ибораси ишлатилган. Бу ҳақда юқорида эслатиб ўтганимиз тадқиқотчи Ш.Шомухамедов шундай ёзади: Хашимийлар кўлида жуда кўп одамлар халок бўлган. Шу даврда бўлиб турган салиб юришлари вақтида Европадан Шарққа келган рицарлар, баронлар ҳам хашимийлар тифидан халок бўлган, шунинг учун хашимий сўзи Европа тилларига, асосан қолиб кетган тарзида кирган бўлиб, бу сўз француз, инглиз, испан, италян, португал тилларида “қотил” маъносига то ҳозирги кунгача ишлатилади<sup>34</sup>.

Ҳасан Саббоҳ ва унинг издошлари томонидан террорнинг энг мудҳиш воситаси – камикадзе – шаҳидлардан кенг фойдаланилганлигини айрим замонавий хорижий тадқиқотчилар ҳам таъкидлайдилар. Чунончи, россиялик тадқиқотчи И.И.Артомонов бу ҳақда шундай ёзади: “Камикадзе - шаҳидлардан фойдаланиш амалиёти қадим даврлардан мавжуд бўлган. Уларнинг ичида энг даҳшатличи XI аср охири ва XII аср бошида “Тоғлик қария” номи билан машҳур бўлган Ҳасан ибн Саббоҳ асос солган (хашифин-наша чекувчи) мазҳабидир. Исмоилийлар томонидан пайғамбар деб эълон қилинган Ҳасан Муҳаммад пайғамбар томонидан у яртаган қонунларга изчил риоя қилиб яшовчи мўминлар учун ваъда қилинган жаннатга киритишга молик эканлигига унга эргашувчилар онгига сингдирган. Наша истеъмол қилиш билан эс-хушларини йўқотган мазҳаб аъзолари пайғамбар томонидан ваъда қилинган ноз-неъматлар ва роҳат-фароғат мавжуд бўлган ерга жойлаштирилганлар. Лекин фақат 2-3 кунгагина. Шундан кейин улар одатий ҳаёт шароитига қайтарилганлар. Қария уларга ўлимдан кейин худди ўзлари кўрган ва бўлган жаннатга тушишларини таъкидлаган. Мазҳаб аъзолари “Тоғлик қария”нинг ҳамма буйруқларини бажаришга тайёр эдилар. Ҳасан Саббоҳ биринчилардан бўлиб ўта кетган диний мутаассибликка (фанатизм) сиёсий йўналиш берди”<sup>35</sup>.

<sup>34</sup> Ўша асар. 30-бет.

<sup>35</sup> Қаранг: Артомонов И. И. Терроризм: способы предотвращения. методика расследования. М.: 2002, 2-издания. С.33

Демак, диний экстремизм, шу жумладан ислом экстремизми асосида хуруж қилаётган турли экстремистик ташкилотларнинг сиёсий мақсади ўрта асрлардаги ҳалифаликни тиклаш мафкуравий асослари илк исломдаги маиший ва ижтимоий ҳаётга қайтиш бўлса, уларни амалга оширишда сўнгги йилларда кўп ҳолларда қўллаётган воситаларидан бири - камикадзе-шаҳидлардан фойдаланишлари шунга мос. “Ҳар қандай мамлакат, миллат ва эътиқодга мансубликдан қатъий назар террорист учун ўлимга тайёр туриш катта фахр бўлган”<sup>36</sup> Энг жирканч ҳийла-найранг, мудҳиш алдов ва руҳий фалаж қилиш орқали содда ва онгсиз одамларни ҳар қандай жиноятга, аниқроқ қилиб айтганда ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам қатл қилишга тайёрлаш. Қотилликни намойишкорона тарғиб қилишдир. Шу нуқтаи назардан ўрта асрларда диний мутаассиб ва жаҳолат асосида вужудга келган террорчиликнинг маънавий қиёфаси канчалик жирканч бўлса, ХХI асрда диний экстремизм асосида ҳаракат қилаётган террорчиликнинг маънавий қиёфаси ҳам шунчалик жирканчдир. Шундай экан, улар нафақат ўзларининг ўрта асрчиликни тарғиб қилувчи сиёсий мақсадлари ва мафкуравий асослари туфайли, шу билан бирга жирканч маънавий жиҳатлари туфайли ҳам энг ярамас ўтмиш сарқити сифатида халқ ва жамият томонидан қаттиқ қораланишига ва нафратланишига лойиқдирлар.

Аслида эса, ўз-ўзини онгли равишда ўлимга маҳкум этиш динда, хусусан ислом динида энг катта гуноҳ ҳисобланади. “Ал Азҳар” масжидининг имом хатиби, ҳозирги даврда барча сунний мусулмонларнинг маънавий етакчиси ҳисобланган шайх Муҳаммад Саид Тантавий ўз жонига суиқасд қилаётган шаҳид террорчиларни “ислом душманлари” деб атайди. Унинг фикрича, экстремистик гуруҳлар исломдаги жиҳод ғоясини, яъни маънавий кураш ғоясини бузиб кўрсатиб, ундан ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Шайх

---

<sup>36</sup> Савинков Б. Избранное. —М.: Московский рабочий, 1990. С.183.

Тантавийнинг таъкидлашича, “Беғуноҳ инсонларни ўлдириш билан инсон ўзини дўзах азобидан қутказиши мумкин эмас”<sup>37</sup>.

Демак, ўз-ўзини ҳалок қилиш билан беғуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлган террорчи–шаҳид нафақат жаннатий роҳат-фароғатдан умидвор бўлиши, балки ўзини дўзах азобидан ҳам ҳоли бўлиши ҳақида ҳам умидвор бўлмас экан. Шундай экан фақат маънавий таназзулга юз тутган, ўта заиф эътиқоди туфайли алданган, руҳий фалаж бўлган одамгина шундай ёвуз ва ғайриинсоний хатти-ҳаракатга қўл уриши мумкин. Бундан хулоса чиқадики, “жиҳод” тушунчаси билан ўйин қилаётган халқаро терроризмнинг “рахнамолари” нафақат атрофдаги беғуноҳ одамларни ҳаётдан маҳрум қилишда, уларга зулм қилишда, шу билан бирга бу йўлга кирган ва унга тобеъ бўлиб қолган кўпгина содда ва онг савияси паст даражадаги кишиларни, агар таъбир жоиз бўлса, “айбсиз айбдорлар”ни маънавий ва руҳий жиҳатдан фалаж қилиб, оқибатда уларни ўлимга маҳкум қилмоқдалар. Улар аслида инсоннинг нозик диний хис-туйғуларидан, эътиқоднинг муқаддаслигидан маккорона фойдаланмоқдалар. Белига шаҳидлик камарини боғлаб юрганларнинг “маънавий устозлари” уларнинг тақдирларига ҳўжайинлик қилиш ҳуқуқига эгаман, деб биладилар.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқаро терроризм томонидан содир этилаётган энг қабих разолат – одамларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай, ўз манфаати йўлида уларнинг инсопий ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш, тинчлигига, осойишталигига, ҳаётига тажовуз қилишдан иборат миллий хавфсизлик ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари жиҳатидан қаттиқ жазоланиши лозим бўлган жиноятдир.

Халқаро терроризмнинг тараққий топган дунёга қарши туриши, жаҳолатга тўлиқ хатти-ҳаракати демократия ва соғлом фикрга зид ўлароқ жамиятда бузғунчилик, саросималик, этник ва динлараро карама-қаршилик ва низо, адоватни кучайтиришга интилиши муайян бир мамлакатда

<sup>37</sup> Умарова Н. Замона зулмни кутармас. / Халқ сузи. 2004 йил. 19 май.



барқарорлик, тотувлик, ҳамжиҳатликни таъминлашга қарши қаратилган катта ижтимоий-сиёсий хавфдир.

Халқаро терроризмнинг ғоявий ва мафкуравий асосларига келсак, у диний эътиқод жиҳатидан ҳам, тараққийпарвар инсоният ва илғор демократик тамойилларга амал қилувчи соғлом мафкура жиҳатидан ҳам, илмий асосга қўйилган назария жиҳатидан ҳам ўз ғаразли жиноий мақсадларини маънавий “оқлашга” қаратилган сохталикдир. Бундай ҳаракатларнинг оқибати эса, одамларни маънавий ва руҳий ногиронликка олиб келиши мумкин бўлган ғайриинсонийликдир. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти, тинчликсевар давлатлар ва бутун тараққийпарвар инсоният халқаро терроризм фалокатидан ҳақли равишда ташвишланмоқда ва унга қарши биргаликда кураш олиб боришга зарурий эҳтиёж сезмоқда.

### §3. Диний фундаментализм ва экстремизм-терроризмнинг ғоявий ва мафкуравий манбаларидан бири

Биз юқоридаги бўлимда халқаро терроризмнинг вужудга келиши ва халқаро миқёсда кенг тарқалишининг қатор сабаблари ҳақида тўхталиб, унинг диний эътиқоднинг айрим масалаларидан фойдаланувчи ғоявий манбалари ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтган эдик. Ана шундай ғоявий манбалардан бири диний фундаментализм ва маълум даражада унинг асосида келиб чиққан диний экстремизмдир. Шу маънода Э.Фромнинг қуйидаги таъкиди ўринли: “Барча динларнинг хатоси шундан иборатки, уларнинг оммавий ташкилотга, бюрократик диний бошқармага айлангандан сўнг, эркинлик тамойилига амал қилишмайди ва уни бузишади. Натижада инсоннинг эркинлиги ўрнига у боғланиб қолади, яъни у Худога эътиқод қилиш ўрнига унинг номидан гапирувчи гуруҳга эътиқод қилади”<sup>38</sup> Шунинг учун мазкур бўлимда терроризмнинг диний фундаментализм ва экстремизм

<sup>38</sup> Фромм Э. Психонализ и религия. || Сумерки богов. Сост. И общ. ред. А.А. Яковлева: Перевод - М.: Политиздат, 1990. С.199.

билан қай даражада алоқадорлиги, фундаментализмнинг тарихий вужудга келиш жараёнининг муайян ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий илдиэлари ҳақида, фундаментализмнинг муайян шароитларда экстремизмга айланиб кетиш хавфи ва оқибатда терроризм учун муҳим ғоявий ва мафкуравий асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги масалаларини батафсилроқ фалсафий таҳлилига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Диний фундаментализм—бу диний ақидаларни ўзгартиришга қарши бўлган, диний китоблар матнини талқин ва таҳлил этилишига мурасасиз, ақлий омиллар асосидаги фикрлардан диний эътиқодни устун қўювчи, маълум бир тарғиботнинг юзага келиши босқичида кўрсатмалар тарғиботини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилишга қаратилган амалий ҳаракатдир. Албатта, фундаментализм турли динлар қобиғида турли шароитлар ва сабаблар тақозоси билан вужудга келган. Масалан, ислом дини қобиғида вужудга келган фундаментализмнинг дастлабки тарихий босқичи IX асрда вужудга келган суннийликдаги ханбалия мазҳабининг таълимоти бўлса, христиан дини фундаментализмнинг дастлабки тарихий босқичи XIII асрда Фома Аквинский (1224-1222) асос солган томизмдир.

Табиий бир савол туғилади. Асосий мақсади одамларни эзгуликка, маънавий покликка даъват қилиб келган умуминсоний кадриятлардан ҳисобланган дин жамиятга вайроналик ва инсониятга оғир мусибатлар келтирувчи ҳозирги даврда энг хавфли ижтимоий фожага айланган терроризм билан қандай муносабатда бўлиши мумкин? Улар ўртасида қандай боғланиш бор? Бунинг аниқ тарихий ва назарий-фалсафий жавоби Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларида ифодаланган: “Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас. Шу тариқа дин инсоният тарихининг турли даврларида сиёсат билан озми-кўпми очик-ойдин муносабатга

киришган. Кўпинча ундан сиёсий ва баъзан бир тарафлама, тор мақсадларда фойдаланиб келинган.

Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир<sup>39</sup>.

Фанатизмнинг худди ана шу унсурлари ва тамойиллари эса, маълум даражада фундаментиализм асосида вужудга келган. Ҳар бир диндаги фундаментиализм нафақат бошқа динларга нисбатан муросасизликда, шу билан бирга, мазкур диннинг ўз ичидаги ҳар қандай янгилинишга, муътадил мухитнинг вужудга келишига йул қўймасликка ҳамда динда ҳар қандай янгиликка фикр билан (бидъатчилик) ёндошишга тиш-тирноғи билан қарши бўлган консерватив (эски меъёрларда қотиб қолган – С.Н.), мутаассибона ҳаракатдир. Бу мазҳаб ҳам эмас, таълимот ҳам эмас. Афсуски, диний фундаментиализмнинг ана шу томонларини терроризм нафақат бошқа динга мансуб бўлган халқлар яшовчи мамлакатларга нисбатан, балки ўзи мансуб бўлган динга эътиқод қилувчи мамлакат ва халқларга, ҳатто ўз мамлакати ва халқига нисбатан ҳам “вайрон қилувчи куч” сифатида ғоявий асос қилиб олмақда. Масаланинг яна бир ачинарли томони шундаки, диний фундаментиализм ҳар қандай тараққиётни, ҳозирги даврда инсоният эришган кадриятларни инкор қилади. Бу эса, диний мутаассиблик билан бирга сиёсий, ғоявий ва ватанпарварлик (миллий) мутаассибликларини келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Оқибатда маълум тарихий, ижтимоий-сиёсий шароитлар тақозоси билан мутаассиблик радикализм ва экстремизмни келтириб чиқаради.

---

<sup>39</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 37-бет.

Бунинг мисоли сифатида Оятуллоҳ Ҳумайний раҳбарлигида Эронда амалга оширилган инқилобни келтириш мумкин. Дастлаб АҚШ нинг Эрондаги иқтисодий мустамлакачилигига, адолатсиз шоҳ тузумига қарши ислом омилидан фойдаланган ҳолда халқни курашга даъват этган ва бунинг ёрдамида амалга оширилган инқилоб натижасида ҳокимият тепасига келган Ҳумайний ўзининг дастлабки сиёсий режаларини ўзгартиб панисломизмнинг сиёсий ғояларини тарғиб қилишга ўтиб олди ва уни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Ҳумайнийнинг бир нутқидан олинган қуйидаги матнни келтирамиз: “11 та ҳаром нарса бор: сийдик, ахлат, сперма, ўликларнинг суяги, кон, ит, чўчка, мусулмон бўлмаган эркак ва аёл, вино, пиво, чиқинди истеъмол қилган туянинг териси... Мусулмон бўлмаганларнинг бутун танаси ҳаром. Ҳатто боши ва танасидаги мўйлар, тирноқлар, танадаги ҳамма ўсма аъзолари ҳаромдир”<sup>40</sup>.

Кўриниб турибдики, бу фақат шунчаки диний мутаассибликка бориб тақалувчи фундаментализм эмас. Бу муайян ғоявий ва сиёсий мақсадларни назарда тутган диний экстремизм ҳамдир.

Очиқдан-очиқ экстремистик руҳдаги бундай қарашларнинг ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан ўта зарарли ва хавфли эканлиги шундаки, у диний бағрикенгликка зид ҳолда турли динга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида муросасизлик ва адоват уруғини сепишга хизмат қилади. Шу муносабат билан “Фундаментализмга қарши давлат ва дин ўзаро алоқалари орқали фуқаролик битимига келиш” мақоласининг муаллифи М.Н.Усмоновнинг қуйидаги фикрини келтирамиз: “Ўз вақтида йирик дин арбоби Тертуллиан таъкидлаган эдики, “бир дин иккинчи динга зўрлик ишлатмаслиги керак”. Афсуски, бу фундаментализмга ёт. Худди шу нарса жамият ва давлатни фундаментализмнинг турли кўринишлари ва даъватларини бартараф қилиш йўлида кескин ҳаракат қилишга

<sup>40</sup> Каранг: Ключников Б.Исламизм. США и Европа. М.: Алгоритм, 2003. С. 122.

ундайди. Бу нарса фақат Ўзбекистонда эмас, ундан ташқари хулулларда ҳам диний бағрикенглик мухитини яратишда хизмат қилиши керак<sup>41</sup>.

Айтиш жоизки, юқоридаги келтириб ўтганимиз диний экстремизмнинг намоён бўлиши фақат исломгагина хос ходиса эмас. Бундай ҳолатни христианлик, яҳудийлик, хиндуизм, буддавий динларида ҳам юз бераётганлигини кузатишимиз мумкин. Шу муносабат билан биз диний фундаментализм жаҳондаги умумий ҳавфсизликка ва мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдиди, оммага келтираётган маънавий зарарлари ҳақидаги Президентимиз И.А.Каримовнинг фикрларини кўпроқ сатрларни эгалласа-да, батафсил келтириб ўтишни лозим кўрдик:

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми-ақидапарастликнинг таҳдиди нималарда намоён бўлмоқда?

**Биринчидан.** Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислохотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда... Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

**Иккинчидан.** Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибатор, аммо бакироқ ва асосиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир-окибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз бунга аниқ тасаввур қилиши лозим...

**Учинчидан.** Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида “ҳақиқий” ва “сохта” диндорлик бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

---

<sup>41</sup> Қаранг: Усмонов М.Н. К гражданскому согласию через гармоничное взаимодействие государства и религии в условиях противодействия фундаментализма. / Выступление на семинаре Фонда имени Фридриха Науманна. Дрезденъ. ноябрь 2003.

**Тўртинчидан.** Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги кўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

**Бешинчидан.** Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиغان фикр туғдиришга уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар.

**Олтинчидан.** Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда...

**Еттинчидан.** Омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда<sup>42</sup>.

Демак, фундаментализм, аввало муайян Ўзбекистон шароитида одамларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик давлат ва фуқаровий жамият куриш жараёнларига ғоявий жиҳатдан зарар етказиш, содда ва эргашувчан одамларни руҳан ногирон қилиб қўйиш, жамиятда бузгунчиликни кучайтириб, ижтимоий-сиёсий барқарорликка путур етказиш билан катта хавф туғдирмоқда. Шунингдек, нафақат Ўзбекистондаги турли динга эътиқод қилувчи фуқаролар ўртасида, балки халқаро кўламда ҳозирги даврда кузатилаётган динлараро ишонч, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатликда яшаш ришталарига раҳна солиб, ўзаро адоват ва душманлик уруғини сепиш, одамларни “цивилизациялар тўқнашуви”ни кутишга даъват қилиш хавфини солмоқда.

---

<sup>42</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. 44-46-бетлар.

Кўриниб турибдики, бу шунчаки диний мутаассиблик ёки диннинг “соф”лигини сақлаш, уни дастлабки вужудга келган тарихий, ижтимоий ва маънавий шароитларга тадбиқ қилиб, асли ҳолига қайтариш “қайғуси” эмас. Бу экстремистик ғояларни тарғиб қилиш ва тарқатиш учун диний мутаассиблик унсурларидан усталик билан фойдаланиш. Имконият тугилганда эса, ўз ғоя ва сиёсий мақсадларини терроризм йўли билан амалга оширишни мафқуравий ва маънавий жиҳатдан оқлашдир.

Айтиш жоизки, бундай ҳолат фақат Ўзбекистонда тарқалган ва мавжуд бўлиб қолишга интилаётган ислом фундаментализмигагина хос бўлиб қолмасдан, дунёнинг турли мамлакатларида турли динлар қобиғида вужудга келган диний фундаментализмнинг барча кўринишларига ҳам хосдир.”Бугунги диний экстремизм ўз сиёсий амалиётида террор услубини бугун кенг жорий қилмоқда, яъни террор ва ақидапарастлик: бир-бирига ўзаро ёрдам беришмоқда”<sup>43</sup> Шунинг учун халқаро терроризмнинг барча шакллари ўз фаолиятларида диний фундаментализмнинг бу “ғоя”ларидан у ёки бу даражада “маънавий” озуқа олмоқдалар. Сиёсатда радикализм муайян тарихий шароитларда сиёсий экстремизмга айланиши имкониятига эга бўлганидек, динда ҳам мутаассибликнинг нисбатан “асосли” кўринишларидан бўлган фундаментализм диний экстремизмга айланиб кетиши мумкинлигига ҳозирги даврда жаҳоннинг турли мамлакатларида вужудга келган турли диний экстремистик гуруҳлар фаолиятида ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Ўз навбатида экстремизм охир оқибатда терроризмга айланиб кетаётганлигига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин.

“... Ҳамма террористик ташкилотларнинг вужудга келишида баъзи муайян сиёсий, мафқуравий ва психологик (руҳий)омиллар мавжуд. Бу омиллар ўзаро боғланган қуйидаги тушунчалар занжирининг халқаларидир: радикализм-

<sup>43</sup> Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳиди. || Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: 2001. 28-бет.

экстремизм-фанатизм. Давримизнинг реал вокелиги бунга илгари намоён бўлмаган янги бир бўғинни-фундаментализми киритди. Бунинг оқибати Уларок, ушбу занжир халқасининг охирида биз терроризмни кўрамиз. Қандайдир хусусий, худудий ёки гуруҳий эмас, халқаро вокелик сифатидаги терроризмни кўрамиз<sup>44</sup>, деб таъкидлайди Д.В.Ольшанский.

Юқоридаги билдирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, мутаассиблик (фанатизм), фундаментализм, экстремизм, терроризм гарчи тарихий келиб чиқишлари ва бошқа баъзи жузъий жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқ қилсалар ҳам улар бир занжирнинг ҳалқаларидир. Диний фундаментализм ва экстремизм мавжуд экан ҳамма вақт терроризм хавфи ва таҳдиди сакланиб қолади. Зеро, терроризм ўзининг ғоявий ва мафкуравий озуқасини улардан олади ва уларга таянади. Шунинг учун терроризмнинг тарқалиши хавфига қарши кураш энг аввало диний фундаментализм ва экстремизмга қарши ғоявий ва мафкуравий курашдан иборат бўлмоғи зарур.

Диний фундаментализм ҳақиқатан ҳам дин софлиги учун курашувчи, фақат диннинг илк ҳолатига қайтишни тарғиб қилувчи гуруҳларнинг эътиқод учун курашими ёки унинг асосида қандайдир мақсадни кўзлаган мафкура ётадими? Бунинг учун диний фундаментализм тарихий шакллари вужудга келишининг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий шарт-шароитлари ва ушбу омиллар тақозоси билан диний фундаментализм қандай мафкуравий тамойиллар билан фаолият юритганлигини таҳлил қилмоқ зарур.

Албатта, биз турли динлар қобиғида вужудга келган диний фундаментализмнинг турли кўринишларини таҳлил қилиш асосида ушбу масалани ёритмоқчи эмасмиз. Бунинг учун зарурият ҳам йўқ. Зеро, Ўзбекистонда мавжуд бўлиб қолаётган диний фундаментализмнинг асосий кўриниши ислом фундаментализми бўлганлиги учун биз айнан ислом

<sup>44</sup> Қаранг: Ольшанский Д.В. Психология терроризма. С. 166.



фундаментализмини таҳлил қилиш асосида мазкур масалани ёритмоқчимиз.

Ислом дунёсида динга нисбатан фундаменталистик қарашларнинг шаклланиши борасида мутахассислар, асосан куйидаги даврларни қайд этишади. Булар:

- 1) IX аср;
- 2) XVIII аср;
- 3) XX асрнинг биринчи ярми.

Энди келтирилган қайдларга бирма-бир тўхталсак.

Ислом динини ҳар қандай “бидъатлардан тозалаш”га уринишлар дастлаб IX асрда Аҳмад ибн Ҳанбал асос солган ханбалия мазҳабининг фаолияти билан боғлиқ<sup>45</sup>. Мазкур ҳаракат кейинчалик ўзининг догматик кўринишига эга бўлган ҳуқуқий мактабга асос солган.

Аҳмад ибн Ҳанбал бошчилигидаги бу диний-ҳуқуқий мактаб вакиллари ўта анъанавийликка суяниб қолган консерватизм тарафдорлари эди.

Ислом фундаментализми тарихий-тадрижий тараққиётининг кейинги босқичи XVIII асрда вужудга келган ваҳобийлик ҳаракати билан боғлиқ. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб такводор қози оиласида туғилган. Ўн ёшида Қуръонни ёд олган. Жуда кўп саёҳат қилган. Дин масалалари бўйича илоҳиётшунослик руҳидаги бир неча асарлар ёзган. Унинг даъвоси бўйича араблар ҳақиқий динни унутиб қўймоқдалар ва унинг учун Оллоҳнинг ғазабига учрайдилар. Шунинг учун тезроқ исломни турклар келтирган бузғунчиликлардан тозаламоқ керак. Ҳақиқий динни унутган мусулмонларга қарши курашмоқ зарур.

1745 йилда Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ҳозирги ар-Риёз шаҳри яқинидаги Дария воҳасига кўчиб келади. Бу ерда XVIII аср бошида саудийлар оиласи истиқомат қиларди. Шу вақтда Амир Муҳаммад ибн Сауд бу дин пешвоси билан шартнома тузади. Бу шартномага мувофиқ Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб шу ерда доимий истиқомат қилади. Дарийя

<sup>45</sup> Ханбалия мазҳаби ҳақида кенгрок маълумот учун қаранг: Ҳусниддинов З. Ислом: йуналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Тошкент: 2000.

амири эса, унинг эътиқодига эргашади. Амир учун бундай шартноманинг асосий кучи унинг эътиқодий томонида эмас, сиёсий томонида эди. Ваҳобизмни қабул қилган амирлар кўп нарсага эришишлари мумкин эди. Зеро, ваҳобизм ҳақиқий исломдан чекинганларга қарши қуролли курашга очикдан-очик даъват қиларди. Бунга суянган саудийлар хонадони ва уруғлари кенг кўламда ҳарбий юришларни амалга оширдилар. 1780 йилнинг ўрталарида ички Арабистонни бирлаштирдилар. 1805 йилда эса, Пайғамбар туғилган ва вафот этган Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган улкан ҳудудли Хижоз вилоятида ўз ҳукмдорликларини ўрнатдилар. Ўн йилдан кейин Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб вафот этади. 1818 йилда мисрликлар ва турклар Дарияни яқсон қилиб, унинг сўнгги амирини қатл қиладилар. Юз йилдан кейин 1925 йилда Саудийлар яна Хижозни эгаллайдилар. 1932 йилда эса, ваҳобизм пешволарига таянган Саудия Арабистони Қироллигини тузадилар.

Кўриниб турибдики, “соф ислом” учун кураш ғоявий шиори остида вужудга келган бу ҳаракат фақат фундаментализм эмас, балки сиёсий тус олган диний экстремизмдир. Эҳтимол, Муҳаммад Абдулваҳҳобнинг ўзи бу ҳаракатнинг оқибати шундай фожеаларга олиб келишини англамагандир. Ёки буни хоҳламагандир. Аммо буни ваҳобизмни у ёки бу даражада “оқлаш”, “тушуниш” деб англамаслик керак. Табиий равишда шундай бир савол туғилади.

Хўш, ваҳобийлар ягона ва ҳақиқий ислом дини умматлари ҳам дейлик. Унда “соф ислом”га қайтишни даъво қилаётган бу оқим намояндаларининг Макка ва Мадина шаҳарларини босиб олишини ҳамда уларда жойлашган саҳобалар, Ойша ва Фотима оналаримиз каби исломда мўътабар ҳисобланган шахслар қабрлари устига ўрнатилган қабртошларни бузишни, 1810 йилда улар томонидан Муҳаммад пайғамбар масжидининг таланишини ва бошқа шу каби кўплаб ваҳшиёна ҳаракатларни қандай изоҳламоқ керак?! Ахир бундай ҳаракатлар ислом динининг энг

муқаддас ва қимматли туйғуларига раҳна солиш эмасми?! Албатта, ўзини соф исломий муҳитни тиклаш ҳаракатининг намояндасиман деб юрган одамларнинг бундай хатти-ҳаракатлари, аввало уларнинг ўзлари, ўз ғояларига маълум жиҳатдан қарши чиқаётганлигининг ифодасидир. “Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ваҳобийлар ўзлари босиб олган худуддаги мусулмон аҳолисининг ҳаммасига ҳам ўз ғояларини мажбуран сингдира олмаганлар. Уларнинг ўта тор мутаассиб таълимоти аҳолининг қаттиқ қаршилигига учраган”<sup>46</sup> Бу эса ислом фундаментализмининг тўлиқ “ички” исломий муҳитда юзага келмаганлиги боис (исломга ташки омилларнинг таъсири назарда тутилмоқда, лекин бу фикр фундаментализм исломнинг ички омиллари асосида ривожланганда яхши бўларди дегани эмас), унинг нафақат жаҳон динларига, балки исломнинг ўзига ҳам қарши қаратилганлигини англатади.

Бу энди ислом “софлиги”, унинг илк тамойилларига қайтиш учун кураш эмас, балки ҳар қандай соғлом фикрли мафкурага, маънавиятга, хусусан ислом маънавиятига зид бўлган жоҳиллик ва варварликдир. Шунини айтиш жоизки, Афғонистонда ҳокимият тепасига келган толиблар ҳам минг йиллар тарихида яратилган будда дини тарихий ва архитектура ёдгорликларини вайрон қилишда худди шундай жоҳиллик ва варварлик намуналарини намоён қилдилар. Ҳар иккала хатти-ҳаракат ҳам исломни “тиклаш” мақсадида амалга оширилган ёвузлик эди. Бу диний экстремизмнинг маънавий жиҳатдан энг тубан кураш усуллари эди. Бу диний фундаментализмнинг ўз-ўзини фош қилишдир. Бу ғоя ҳам, эътиқод ҳам эмас, балки маълум мақсадларни кўзлаган сиёсий экстремизмдир.

Ислом фундаментализмининг кейинги учинчи тўлкини XX асрнинг I ярмига тўғри келади. 1928 йил Мисрда Хасан Ал-Банна бошчилигида исломни тиклаш бўйича диний ҳаракат ташкил топди. Мазкур ҳаракат 1939 йилда сиёсий ташкилот

<sup>46</sup> Пахрутдинов Ш. Таҳдид ҳалокатли куч. Тошкент: Академия, 2001. 97-бет.

тусини олиб, фундаменталистик ғояларни илгари сура бошлади. Шу тариқа у “Мусулмон биродарлари” номини олди. Кейинчалик бир қатор давлатларда ҳам унинг ташкилотлари пайдо бўлди.

Умуман мусулмон мамлакатларида фаолият юритаётган турли номлар билан аталувчи ислом фундаментализми гуруҳларнинг “назарий” ва амалий дастурларининг асосий тамойиллари қуйидаги ғоялардан иборат:

- ислом дунёсида ҳеч қандай географик бўлиниш йўқ;
- мусулмонлар ҳеч қандай миллатларга бўлинмайди, чунки мусулмонларнинг миллати – ислом;
- ислом нафақат мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, балки сиёсий ва соф дунёвий муаммоларни бартараф этишнинг бош омили;
- мусулмонларнинг диний ва дунёвий турмушини ўзида мужассамлаштирган ягона ҳокимиятни барпо этиш;
- мусулмонлар ўзларидан бошқа ҳеч бир дин вакиллари билан ҳамкорликка бормайдилар;
- шариат қонунлари барҳақ, уни ҳеч бир замон муҳитига мослаштириш ёки енгиллаштириш бидъатдир ва хоказо.

Агар ислом фундаментализмининг бу тамойилларига диққат билан эътибор берсак, уларда эътиқоднинг ҳеч қандай ақидавий унсурлари ва маънавий асослари йўқлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу тамойиллар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаётни бир неча аср орқага, аниқроғи ўрта аср ҳаёт тарзига қайтариш ва бу жамиятни ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан осонлик билан бошқариб туриш учун диний ақидапарастликнинг илк ўрта асрларда шаклланган ғоявий ва ижтимоий-сиёсий қонун-қоидаларини қўллашга ҳаракат қилаётган диний экстермизм моҳиятига мос келувчи тамойиллардир.

Иккинчи томондан, терроризм ўзининг жинояткорона фаолиятини “маънавий” жиҳатдан оқлашда худди ана шу тамойиллардан “ғоявий” озуқа олмоқда, ундан қалқон сифатида фойдаланмоқда.

Бу эса терроризмнинг фақат кураш олиб бориш усуллари ва воситалари билангина эмас, балки ғоявий ва сиёсий мақсадлари жиҳатидан ҳам диний фундаментализм ва экстремизм билан алоқадорлигидан далолат беради. Бу фақат ислом фундаментализми ва экстремизми билан боғлиқ бўлган терроризмгагина хос бўлибгина қолмасдан, умуман ҳар қандай диний фундаментализм ва экстремизм билан боғлиқ терроризмнинг ҳамма кўринишларига ҳам хосдир.

## II БОБ. ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

### §1. Терроризм глобаллашувининг ижтимоий-сиёсий сабаблари, унинг “сўл” ва “ўнг” йўналишлари

1999 йили Истамбул Саммитида “Европада хавфсизликни таъминлаш хартияси” муҳокама қилинди. Унда сўзга чиққан Президентимиз Ислон Каримов минтакамиз хавфсизлигига хавф солаётган ва аста-секин халқаро миқёсда кенгайиб кетиши мумкин бўлган таҳдидлар ҳақида сўзлаб шундай деди: “Бугунги кунда халқаро майдонда “совук уруш” кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг кўламла ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби таътилатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ... Бунинг ёрқин исботини Марказий Осиё ва бошқа минтақалар мисолида кўриб турибмиз”<sup>1</sup>.

Демак, Иккинчи жаҳон урушидан кейин сохта ва ғаразли мафкура ва сиёсат натижасида вужудга келган халқаро миқёсдаги “совук уруш” сиёсати инсониятга қандай даҳшатли фожиа келтириши мумкин бўлган бўлса, ҳозирги даврда халқаро терроризм тобора глобаллашиб, шундай хавф туғдирмоқда.

Сўнгги йилларда терроризм миллий чегаралардан чиқиб, халқаро ходисага айланди. Терроролог олимларнинг фикрича, жаҳонда 500 дан зиёд террорчилик ташкилотлари ва гуруҳлари бор.

Тахминан XX аср 60-йилларининг охири 70-йилларнинг бошларида терроризм ўз таркибига ҳамфикрларни бирлаштирган, сиёсий, диний, этник, ижтимоий йўналишдаги ташкилот сифатида қайта шаклланди. Шубҳасиз, умумий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истамбул Саммитида сузлаган нутқи. || Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 83-бет.

сабаблар ичида халқаро ҳамжамият глобаллашуви тугайли объектив равишда ривожланаётган сабаблар ҳам мавжуд.

Жаҳон миқёсида терроризмнинг ашаддийлашиб бораётгани фақат бугун маълум бўлган ҳақиқат эмас. Ёки айрим мамлакатларга ҳамда динга мос бўлган нарса ҳам эмас. Бу қора куч тарих сўқмоқларида пайдо бўлибдики, доимо равнақу ривожга, тараққиётга қарши курашиб келган. У, баъзан дин ниқобида, баъзан сиёсат либосида, баъзан эса тўғридан-тўғри очик разиллик кўринишларида амал қилиб келган.

Аммо халқаро терроризм хавфлилик моҳиятини “фош қилувчи” ва унга қарши курашга даъват этувчи айрим “тадқиқот”ларда бу масалага мутлақо бир ёқлама ва эҳтимолки, ғаразли мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан ёндошилиб, ҳозирги замон халқаро терроризмнинг вужудга келиши ҳамда кенг миқёсда тарқалишининг асосий айбдорлари қатор мусулмон-араб давлатлари ва ислом динидир, деб даъво қилинмоқда. Жумладан, биз аввалги бобда эслатиб ўтганимиз Б.Натаньяху фикрича, мусулмон мамлакатларида вужудга келган халқаро терроризмнинг ягона мақсади. Американи маҳв этиш ва ер юзидан супуриб ташлашдир. Чунончи, у шундай деб ёзади: “Эҳтимол, кимдир жангари мусулмонлар Американи яқсон қилиш каби ғайри ақлий ва ҳаёлий орзуларига ишонмас. Ўз-ўзини алдамаслик керак! Аслида ҳақиқат шундай”.<sup>2</sup>

Аслида эса, ҳақиқат бошқача. Чунки, ислом терроризмидан жабрланаётган фақат АҚШ, Исроил ёки бошқа Европа давлатларигина эмас, балки қатор араб мамлакатлари ҳамда аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатлар ҳам бу фожиадан холи бўла олмаяптилар.

Шу муносабат билан 1999 йил март ойида Мисрда ўтказилган “Тинчликпарвар саммит”ида Миср Араб Республикасининг президенти Х.Муборакнинг қуйидаги

<sup>2</sup> Қаранг: Бенъямин Натаньяху. Война с терроризмом. С. 20.

фикрини келтириб ўтмоқ жоиз: “Терроризм бутун дунёда мавжуд ва мусулмонлар гуруҳлари сабабли пайдо бўлаётгани йўқ. Чунки бу фақат мусулмонларга хос ҳодиса эмас, аксинча бу бошқа динлар ва тамаддунларга зарар етказганидек, мусулмонларга ҳам зарар етказувчи ҳодисадир”<sup>3</sup>

Бундай фикрни Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир ҳам таъкидлаб: “Охирги пайтларда Ғарб ва Россиянинг ижтимоий онгига мусулмон дунёси терроризм, фанатизм, миллий экстремизм, наркобизнес уруғларини сочмоқда, деган ғоя сингдирилмоқда. Аслида бу кўринишлар мусулмон эътиқоди асосларига ва соф чин ислом динининг моҳиятига зиддир”,<sup>4</sup> деб ҳисоблайди.

Демак, ҳозирги даврда терроризмнинг глобаллашуви бирор бир давлат ҳудуди ёки муайян бир дин ва мафкура билан чегараланиб қолмасдан тобора халқаро миқёсда кенг ёйилиб давлатлар ва ҳатто минтақалар чегаралари доирасидан чиқиб кетаётганлигидир .

Шу билан бирга терроризмнинг глобаллашувида фақат сиёсий ва ҳарбий омилларгина белгилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки халқаро миқёсда катта муаммоларга сабаб бўлаётган бошқа омилларни ҳам назарда тутмоқ зарур 1996 йил декабрда Лиссабонда бўлиб ўтган давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сўзга чиқиб, хавфсизлик мавзусида сўзлаганда биринчи навбатда терроризмни назарда тутиб. “бу масалага фақат сиёсий ва ҳарбий тушунча сифатида ёндошиш етарли эмас. Бу иқтисодиёт, демократия, наркотик моддаларни ишлаб чиқариш, маблағларни ўзлаштиришга уриниш, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдир”<sup>5</sup> – деган эди.

Айтиш жоизки, терроризмнинг глобаллашуви сиртдан қараганда аниқ ва тезкор жараён. Шу сабабли глобаллашув

<sup>3</sup> Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. Тошкент: Университет, 2002. 11-бет.

<sup>4</sup> Каранг: Существовали исламская угроза. Совершенно секретно. №8, 2000 С.5

<sup>5</sup> Каранг: “Правда востока”. 1996й, 6 декабр.



тушунчасига бўлган қарашларнинг турли-туманлигини инобатга олмай туриб, муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Шу муносабат билан тадқиқотчи У.Убайдуллаевнинг куйидаги фикри асослидир: “Терроризмнинг глобаллашуви зиддиятли кечади. У сахнага манфаат ва мақсадларига кўра турли-туман террорчилик ташкилотларини чиқаради. Бу жараён у қадар универсал ҳам, бир хил меъёр, мезонларга эга ҳам эмас. Ушбу ҳодисаларнинг вужудга келишини ёки географик аломатларни оладиган бўлсак, уларнинг мезонларини баҳолашда Яқин Шарқ, Европа ёки Лотин Америкаси терроризми ҳақида сўз юритса бўлади. Шу билан бирга терроризмнинг умумий жиҳатлари ҳам бор”<sup>6</sup>.

Хўш, бу умумий жиҳатлар нималардан иборат? Бу авваламбор ҳуқуқий зиддиятлар, зўравонлик усулларидан фойдаланиш, ғоратчилик, гаровга олиш, шафқатсизлик, ҳукумат ва давлат арбобларига нисбатан суиқасд, халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва муайян мамлакат хавфсизлигига зид бўлган ғайриқонуний талаблар кўйиш ва ҳоказо.

Бундай усуллар халқаро терроризмнинг барча кўринишлари томонидан амалга оширилаётган террористик хуружларда у ёки бу даражада намоён бўлмоқда. Шу нуктаи назардан халқаро терроризм ҳамма кўринишлари олиб бораётган хатти-ҳаракатлари нафақат ўз оқибати жиҳатидан, балки ўз олдига кўйган мақсад ва вазифалари жиҳатидан ҳам, маънавий нуктаи назардан-ғайриинсонийлик, халқаро ҳуқуқ меъёрлари нуктаи назаридан эса оғир жиноятдир. Худди шу нуктаи назардан халқаро терроризм нафақат моддий ва жисмоний фожиалар жиҳатидан, шу билан бирга маънавий хатарлиги даражасига кўра ҳам глобал муаммо сифатида умумжаҳон аҳамият касб этади. Терроризм ва унинг глобаллашуви ҳам ҳодиса сифатида ижтимоий-сиёсий воқелиқдан айрим ҳолда мавжуд бўла олмайди. У наркобизнес, уюшган жиноятчилик каби ноқонуний ҳодисаларнинг йўлдоши бўлиб хизмат қилади.

<sup>6</sup> Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. Тошкент: 2002, 42-бет.

Шу муносабат билан Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги таъкиди терроризм ва унинг глобаллашуви масаласига ҳам тааллуқли деб ҳисоблаймиз: “Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг “отилиб чиқиши”га соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади”<sup>7</sup>.

Терроризм асосида ижтимоий ҳаётда вужудга келадиган алоҳида гуруҳлар орасидаги қарама-қаршилик ва зиддиятлар, давлатлар орасидаги ҳудудий келишмовчиликлар ва шунга ўхшаш нарсалар ётади. Кўп қутбли дунё тузилишига ўтиш мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишида турли-туманликнинг кучайиши билан кечмоқда, жаҳонда янги хил таъсир марказлари шаклланмоқда. Айни вақтнинг ўзида турли давлатлар ва халқлар манфаатларининг ўзаро муштараклиги билан бир қаторда, қарама-қаршиликлар, зиддиятларни келтириб чиқарувчи шароитлар вужудга келиб, улар минтақавий, миллий ва глобал даражалардаги беқарорлик омилига айланмоқда. Бу зиддиятлар халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидни кучайтириши, тангликни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам россиялик академик Е.М.Примаков таъкидлайдики, эътиборни минтақавий зиддиятларнинг террорчилик тўлқинини яратиб, кези келганда унинг ўз чегараларини узоққа улоқтириб ташлайдиган хавфли жиҳатларга қаратиш керак<sup>8</sup>.

Терроризмнинг глобаллашуви ва халқаро қўламда кенг тарқалиши билан боғлиқ яна бир масала-бу дин ва унинг асосида вужудга келган муаммолардир. Биз олдинги бобда диний ақидапарастлик, фундаментализмнинг турли экстремистик ва террористик ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар учун муайян ғоявий ва мафкуравий манба бўлиб хизмат қилиши ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Энди терроризмнинг

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 38-бет.

<sup>8</sup> Каранг: Примаков Е.М. Многополярный мир и ООН. // Международная жизнь. 1997, №10. С.3-8.

глобаллашувида диннинг тутган ўрнининг назарий масаласига келсак, айтиш жоизки, бу асосан, диннинг сиёсатлаштирилиши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда диннинг сиёсатлашуви ҳамда диний экстремизм муаммоси глобал муаммога айланмоқда. В.Шведевнинг таъкидлашича, конфронтация вируси борган сари мустаҳкамланиб, динлараро муносабатлар стратегик глобал муаммолар даражасига ўтмоқда<sup>9</sup>.

Бу билан терроризм ҳамда диний экстремизм глобаллашувларининг параллел ривожланиш жараёни кузатилмоқда. Диний экстремизм сиёсий экстремизмнинг манбаи эканлигини ҳисобга олиб, глобаллашув шароитида унга таъсир кўрсатилмаса, терроризмга қарши курашда муаммолар вужудга келади.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий рухий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар, ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”<sup>10</sup>- деб таъкидлаганда диннинг сиёсатлашуви ва унинг асосида вужудга келиши мумкин бўлган диний экстремизм ва терроризм хавфини очиқ-ойдин кўрсатиб берган. Айтиш жоизки, диннинг сиёсийлашуви натижасида вужудга келувчи хавф нафақат Ўзбекистонга оид, балки турли динга эътиқод қилувчи халқлар яшайдиган ҳамма мамлакатларга ҳам тааллуқли бўлган глобал муаммодир.

Терроризм глобаллашувининг яна бир манбаи ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқ зарур. Кейинги йилларда терроризм билан тобора бирикиб кетаётган агрессив сепаратизм турли экстремистик кучлар учун озиклантирувчи манбага айланди.

<sup>9</sup> Қаранг: Шведев В. Религия и политика. // Международная жизнь. 1992. №5. С.59

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккият кафолатлари. 44-бет.

Сепаратизм давлатларнинг ички зиддиятлари ва минтақавий беқарорликнинг бош омилларидан бири бўлиб қолди. Россиядаги чечен уруши, Ҳиндистонда, Шри-Ланкада “Тамил Илама” ташкилотининг террорчилик фаолияти ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтирса бўлади. Сепаратизмнинг кучайишига эҳтиётсизлик билан, популизм максадида ёки узокни уйламай айтилган сиёсий фикрлар ёхуд “қанча хоҳласангиз шунча суверенитет олинг” қабилидаги ваъдалар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Аммо шуни ҳам айтиш зарурки, низолар терроризмнинг манбаи бўлгани ҳолда, унинг ҳозирги пайтда глобаллашувининг муҳим омилларидан бири-турли мамлакатлар ва минтақалардаги террористик ташкилотлар ўртасида халқаро алоқаларнинг кучайиб боришидир. Бу терроризм глобаллашувининг янги йўналишидир. Уюшмалар миллий чегаралар доирасидан чиқиб, террорчилик тузилмалари манфаатларини бирлаштириш учун шароит яратмоқдалар. Террорчилар позициялари заифлаша борар экан, ундан моддий манфаатдорлик омилининг аҳамияти ошади. И.А.Каримовнинг “Минг йиллик саммити” деб ном олган анжуманда сўзлаган нутқида: “20 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афғонистон бу таҳдиднинг асосий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиклантираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришининг асосий манбаи-фабрикасига айланган”<sup>11</sup> лигини таъкидланган.

Терроризм глобаллашувининг сабаблари ҳақида гапирганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ташкиллаштирилган террорчилик тузулмаларининг вужудга келиши манбалари ҳар қайси мамлакат ва минтақа учун ўз хусусиятига эга, бироқ унинг ижтимоий-иқтисодий, диний ва бошқа негизларининг таҳлили баъзи бир омилларнинг алоҳида минтақалар учун умумийлиги ҳақида гапиришга асос бўлади.

<sup>11</sup> Каримов И. А. БМТ Бош асамблеясида сузлаган нутқи. || Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд -Тошкент: Ўзбекистон. 2001. 106-107-бетлар.

Шундай экан ҳозирги даврда терроризмнинг глобаллашувига қарши самарали кураш олиб бориш нафақат ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий воситалар билангина, балки маънавий, мафкуравий ҳамда ғоявий воситалар билан ҳам амалга оширилмоғи зарур. Масалага муайян бир халқнинг ёки мафкуранинг манфаатлари нуктаи назаридангина ёндошмасдан, балки умуминсоний манфаатлар ҳамда умумжаҳон хавфсизлиги масъулияти билан йўғрилган ягона мафкура ва ғоявий тамойиллар воситаси билан кураш олиб бориш тақозо этилади. Бошқача сўзлар билан айтганда, терроризмнинг глобаллашувига қарши кураш ҳам глобал моҳият касб этиши керак. Албатта, бу курашда турли мамлакатлар давлат раҳбарлари ҳамда турли соғлом сиёсий кучларнинг роли устивор аҳамият касб этишини ҳам назарда тутмоқ зарур Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича, терроризм авж олиб, бу қадар глобаллашиб боришига сабаб "... кўпгина давлатлар ва уларнинг раҳбарлари, дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бош кўтариб келаётган мана шундай хавfli офатга охирги пайтгача эътибор бермагани ва қатъият билан кураш олиб бормаганида, деб биламан"<sup>12</sup>.

Терроризмнинг глобаллашув жараёнида унинг турли йўналишларининг "қўшган ҳисса"ларини ҳисобга олмасдан, уларнинг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини тўлиқ англаб етмасдан, уларга қарши самарали кураш олиб бориш қийин. Терроризмнинг ҳозирги даврда Ғарбий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида нисбатан кенг тарқалган йўналишлари "сўл" ва "ўнг" терроризмдир.

Терроризмни, шу жумладан, "сўл" ва "ўнг" терроризмни ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш уларни узоқ ўтмишга бориб тақалувчи тарихини ўрганишни тақозо этади. Шу нуктаи назардан "сўл" ва "ўнг" терроризм ҳам тарих саҳнасига бугун чиққан ижтимоий-сиёсий ҳодиса эмас. Улар ўз тарихий илдизларига эга. Терроризмнинг келиб чиқиши ва

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Биз учун халқимиз. Ватанимиз манфаатидан улуг мақсад йўқ. || Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2002.

ривожланиши тадқиқотига тизимли ёндошув, унинг XX аср давомидаги ривожланишини ҳам ўрганишни тақозо қилади. Бу давр куйидаги босқичларга бўлинади. Россиядаги инқилобий ҳолат; Италия ва Германияда фашизм тузумининг ўрнатилиши; 30-50-йилларда СССРдаги оммавий қатагонлар; “Совуқ уруш” ҳолати ва Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда мустамлакачилик тузумининг емирилиши. Яқунловчи босқич XX асрнинг 60-йилларидан ва сўнги ўн йиллигига тўғри келади. Айнан шу даврда терроризм, диний экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, шунингдек, элатлар ва миллатлараро зиддиятлар кескин кулоч ёйди.

Айтиш мумкинки, “сўл” кайфиятдаги террорчилик тарихий жиҳатдан Буюк Француз инқилоби билан боғлиқ бўлган. Бу инқилоб баъзи бир ҳисобларга кўра 500 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган яқобинчилар террори каби салбий ҳодисаларни ҳам ўзида мужассамлаштирганди. Яқобинчилар террорини пайдо қилган омиллардан бири, уларнинг раҳбарлари орасида турли ижтимоий-сиёсий йўналишдаги, шунингдек, ўз кучларини таъсир кўрсатиш ва ҳокимият учун курашга сарфловчи шуҳратпараст ва ҳокимиятпараст кишиларнинг мавжудлиги бўлди.

XX асрнинг бошидан фаолият юритган ва 1917 йилда октябр тўнтаришини ташкил қилиб ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритган большевиклар ҳам ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларида яқобинчиларга хос бўлган “сўл” террористик тактикани қўллаганлар. Чунончи, В.Ленин яқобинчилар террорига баҳо бера туриб, уни кураш услуби сифатида қабул қилган.

Октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар ички ва ташқи сиёсатда олиб борган фаолияти ҳам аслида ана шундай мафкура ва ғояга асосланган “сўл” террористик фаолият эди. Гарчи улар ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун “халқларга тенглик” “деҳқонларга ер”, “ишчилар синфининг капиталга қарши кураши”, “социализмнинг зафарли юриши” каби шиорларни ўртага ташлаган бўлсалар ҳам, асл мақсадлари кенг қўламли ва ўта ёвуз террор ёрдамида ҳокимият учун олиб

бораётган сиёсатларини мустаҳкамлаш ҳамда имконият туғилганда бутун жаҳонда ҳукмронликларини ўрнатишдан иборат бўлган. Бу сиёсат Сталин даврида ҳам, ундан кейин ҳам то собиқ СССР парчаланиб кетгунича давом этди. Факат бошқачароқ кўринишда ва бошқачароқ шиор остида. Аммо унинг кўп халқлар бошига катта моддий ва маънавий мусибатлар келтирилганлиги ҳақида сўнги йилларда жуда кўп ёзилдики, биз бу ҳақда тўхталиб ўтишни лозим кўрмадик.

Аммо шу нарсани айтиб ўтмоқ зарурки, оммавий катагонлар, собиқ СССРда 30-50-йилларда узок вақт давом этиши билан бирга, тоталитар ёки авторитар тузумларни сақлаб қолишга ҳаракат қилган бошқа давлатларда ҳам узок вақт давом этди. Масалан, Германияда Гитлер бошчилигидаги фашистлар ҳукумронлиги даврида, Чилида ҳокимият тепасига генерал Пиночет раҳбарлигидаги ҳарбий хунта келганидан сўнг, Хитойда “маданий инқилоб” йилларида ва қатор бошқа давлатларда шундай бўлган.

“Инқилобий террордан фарқли ўлароқ тотал террор умуман ҳеч маҳал ўз қурбонларини танламайди. Бундай террор чегарасида ҳар бир одам реал ҳолда ёки имкониятда ҳам унинг қурбони, ҳам унинг жаллоди бўлиши мумкин”<sup>13</sup>, - деб кўрсатади тадқиқотчи Д.В.Ольшанский. Масалан, Германиядаги нацист режимида давлат механизмида биринчи даражали ўринни худди шу террор эгаллаган. Гитлер режими инсоният тарихида биринчи бўлиб оммавий террорни амалиётга, яъни сиёсатнинг тўла-тўқис ҳаётда амалга ошишига айлантирди.

XX асрнинг 60-йилларини “сўл” терроризмнинг янги кўриниш олиб қайтадан тикланиш даври деб ҳисоблаш мумкин. “Сўл” террорчилар махфий жангари ташкилотлар тузишади ва уни жаҳон миқёсида назорат қилади. Ички кризисларнинг кучайиши натижасида уларнинг ҳаракати фаоллашади<sup>14</sup>. Курашнинг террористик усуллари билан қуролланган ва ўта сўл, инқилобий шиорлар ниқобидаги

<sup>13</sup> Қаранг: Ольшанский Д.В. Психология терроризма. СПб.: Питер, 2002. С.44.

<sup>14</sup> Требин. М.П. Терроризм в XXI веке. Минск: Хорвест, 2004. С.32.

экстремистик гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Булар ўзларининг қонли жиноятлар этганлиги билан машҳур бўлган Италиядаги “Қизил бригада”, Франциядаги “Аксъон директ”, Германиядаги “Қизил байрок” ва бошқа шу каби гуруҳлардир, Лотин Америкасидаги, хусусан Аргентинадаги “Миллий озодлик ҳаракати”, “Инқилобий халқ армияси”. 1968 йилдан АҚШда фаол ҳаракат қила бошлаган “Қора қоплонлар” террорчилик ташкилотларидир. Ўта сўл терроризмнинг кучайиши кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига, сиёсий аҳволнинг беқарорлашувига ва ижтимоий тангликнинг ўсишига сабаб бўлди. Буни 1980 йил Перуда ташкил қилинган “Сендеро Луминосо” (“Ёруғ йўл”) деб номланган ўта сўл гуруҳ фаолияти тасдиқлаши мумкин. У ўз фаолиятини бошлаганидан то 1980 йилнинг апрелигача 12 мингдан ортиқ террористик ҳаракатлар уюштирди. Буларнинг натижасида 9 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди, булар асосан, полициячилар, ҳарбийлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, оддий фуқаролар эди<sup>15</sup>.

90-йилларга келиб “сўл” террористлар фаолиятининг сўнишига Европада социализм тузумининг емирилиши, марксизм-ленинизм ғоясининг барбод бўлиши, Варшава Шартномасининг ўз кучини йўқотиши, Шарқий Европа мамлакатларининг ғарб мамлакатлари билан алоқаларининг яхшиланиши ҳам сабаб бўлди. СССРнинг тарқатилиши “Совуқ уруш” ваҳимасини йўққа чиқарди. Шу пайтда Хитойда Мао-Цзе – Дун ғояси танқид қилинган ҳамда Хитой АҚШ ва ривожланган ғарб мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қила бошлади. Бу ижобий ҳодисалар туфайли “сўл” террористларни собиқ социалистик давлатлар томонидан молиявий таъминлаш, қуроллантириш, уларнинг машғулотларини ташкил этиш каби ҳолатлар ниҳоясига етди<sup>16</sup>.

Социалистик лагерь мамлакатларида 80 -йилларда кетма-кет рўй берган инқирозлар, “социализмнинг жозибаси” сўниши ва жаҳон инқилоби ғояси нуфузининг пасайиши,

<sup>15</sup> Қаранг: Перуанская трогедия. / Правда. 1989. 3 июнь

<sup>16</sup> Қаранг: Веселицкий А. Убийцы. М.: Полит. лит. 1985. С. 247-253.



аникроғи, “сўл” ғояларга қарши кўрилган муваффақиятли аксилтеррорчилик ғоялар кўпгина “сўл” террорчилик ташкилотларининг заифлашувига, қатор ҳолатларда эса, умуман емирилишига олиб келади. Бирок, уларнинг ўрнига ўнг экстремистик ташкилотлар келди, масалан, ГФРда “текис бошлилар”, “немис халқ иттифоқи”, “Анти антифа”, “Халқ ва ватан учун немис лигаси” ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар фаолиятининг йўналиши неофашизм, неонацизм, антисемитизм, “немисларга ёт” ҳамма нарсага қарши кураш ва хоказо. Кўриниб турибдики, бу “ўнг” террористик ташкилотларнинг фаолияти гарчи “сўл” террористик ташкилотларники каби ўта сиёсийлашган бўлмаса ҳам, лекин ўзининг тажовузкорлиги, инсон ҳуқуқларини поймол қилишда ўта ғайриинсонийлиги жиҳатидан ва буларнинг оқибатида жамиятга, ундаги айрим гуруҳларга, муайян шахсларга улкан ~~жисмоний~~ ва ~~маънавий~~ жароҳат етказувчи ижтимоий ҳодисалардир.

Биз дунёнинг турли минтақаларида, турли мамлакатларида фаолият олиб борган ва олиб бораётган “ўнг” террористик ташкилотларнинг барчасини инсониятга қарши ёвуз ҳаракатларининг моддий ва маънавий фожиаси ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Лекин “ўнг” терроризм ҳам худди “сўл” терроризм сингари қандай диний, миллий, мафкуравий шиор остида фаолият олиб боришидан қатъи назар ғайриинсоний жиноий ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикрни асослаш учун “ўнг” терроризмнинг яна бир кўриниши ва унинг ёвуз ҳаракатлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Шулардан бири узоқ вақт Францияда фаолият олиб борган “Яширин қуроли ташкилот” ва унинг давомчилари “янги тартиб”, “Пейнер бригадаси”, “Дельта” ва бошқалар. Булар Францияда узоқ йиллар давомида “ўнг” экстремистик фаолият олиб борганлари билан жаҳонда энг ёмон ном қолдирган ташкилотлардир.

Айниқса, яширин қуроли ташкилот 1959-89 йилларда мамлакат президенти Шарль де Голлга 30 марта суиқасд уюштириши билан танилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида

“Эркин Франция” ташкилотининг асосчиси Де Голь урушдан кейинги даврда айнан Франция фуқаролари раҳбарликка кутган одам эди. Унинг ҳокимиятга келиши сотқин ва журъатсиз тўртинчи республикани тугатиб, бешинчи республикани асослади ҳамда янги конституцияни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Аммо унинг ҳокимиятга келишига норози шахслар ҳам бор эди. Улар нозик масала-Жазоир масаласини президент олдига кўндаланг қилди.

1830 йилдан буён Франция мустамлакаси бўлган Шимолий Африка мамлакати - Жазоир ўн йиллар давомида ўзининг озодлиги учун курашар эди. 1954 йилдан бошлаб эса, Жазоирда миллий-озодлик ҳаракати авж олди. Бу даврда Жазоирда икки миллиондан зиёд французлар яшар, 500 минглик француз армияси фаолият кўрсатар эди. Шунга қарамадан, “Жазоирни озод этиш миллий fronti” французларга қарши, де Голлга қарши кураш олиб боришарди. Кўпинча улар пластик бомбаларни портлатиш орқали вайронагарчиликларни вужудга келтирарди. Де Голь улар билан тинч музокара олиб боришга мажбур бўлди. 1962 йилнинг март ойида Элионда Жазоирга мустақиллик бериш учун шартномага имзо чекилди.

Шунга қарамадан, “Яширин куролли ташкилот” 1963 йилгача Жазоирнинг мустақиллигига ҳамда Де Голлнинг сиёсатига қарши кўплаб террористик фаолият олиб борди. Жазоирда террористлар мустақиллик тарафдорлари бўлган араб ва французларни йўқ қилишарди. Францияда эса, сўл партия раҳбарлари ва журналистларни нишонга олар эди. 1962 йилдан бошлаб жангарилар кафе, магазин, кинотеатр, одамлар кўп йиғилган майдонларни портлатишар эди. Автомобилларни ёндиришар, олдиндан режалаштириб қўйилган одамларни ўғирлаб кетишарди. Жазоирда бу ташкилот 12290 террористик ҳаракат содир этиб, унинг натижасида 1622 одам нобуд бўлган (улардан 239 таси французлар эди), 5048 таси яраланган эди (улардан 1062 таси французлар эди). Улар томонидан Миллий мажлиснинг 38 та депутати, 9 сенатор, ўнлаб журналистлар, юзлаб полициячилар, ҳарбий хизматчилар ўлдирилди.

Демак, “ўнг” терроризм ҳам фаолиятини, мақсад ва ниятларини маълум ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ғоявий шароитлар эҳтиёжи билан ниқоблашга уринмасин, асл моҳияти ва кураш олиб бориш воситалари ғоратчилик, босқинчилик, одамларни руҳий ва маънавий жиҳатдан мажруҳ қилишга қаратилган ғайриақлий ташвиқот ва тарғиботлардан иборатдир. Гарчи “сўл” ва “ўнг” террористик ташкилотлар ҳар хил шароитлар тақозоси билан вужудга келган ҳамда ҳар хил сиёсий, мафкуравий ва ғоявий шиорлар ниқобида ҳаракат қилсалар ҳам, улар ўртасида пировард сиёсий мақсадлар, қўлланилаётган кураш воситалари ҳамда булар натижасида юзага келаётган ва келиши мумкин бўлган фожиавий оқибатлар жиҳатларидан муштарак томонлар мавжуд. Айниқса, улар олиб бораётган кураш усуллари ва воситалари бутун тараққийпарвар инсоният маънавиятига ёт бўлган, шунинг учун унинг нафратига учраётган, ҳатто кўпчилик давлатлар томонидан фақат сиёсий жиҳатдан эмас, мафкуравий жиҳатдан ҳам инкор қилинган ғайриинсоний маънавий таназзулдир. Аммо айтиш жоизки, ҳозирги даврдаги турли кўринишларда намоён бўлаётган халқаро террористик ташкилотлар ўз назарий дастурларида бу оқимлардан нисбатан камроқ “ғоявий озуқа” олаётган бўлсалар ҳам, лекин оммавий дастурларида улардан фойдаланишга, имконият туғилганда эса, уларнинг кўламини яна ҳам кенгантиришга ва мураккаблаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам халқаро терроризмнинг ҳозирги даврида глобаллашувига қарши мафкуравий ва ғоявий кураш олиб боришда масаланинг ана шу томонларига ҳам эътибор қаратмоқ зарур.

Худди шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда терроризмнинг тобора кенг кўламадаги глобаллашувида ва халқаро миқёсда тармоқ отишида уларнинг “хизмати” ҳам каттадир. Буни биз миллатчилик терроризмнинг вужудга келиши, мақсад ва моҳиятини таҳлил қилганимизда ҳам маълум даражада кузатишимиз мумкин.

## §2. Миллатчилик терроризми: моҳияти ва унинг халқаро ҳавфсизликка таҳдиди

Айнан мана шу нозик муаммонинг мавжудлиги, уни ҳал этишнинг мураккаблиги террористларнинг миллатчилик ниқобида иш юритишига имконият яратади.

Жаҳонда кенг тарқалган терроризмнинг йўналишларидан бири – миллатчилик терроризмидир. Бу террористик гуруҳ қайсидир давлатнинг мустақилликка эришиши ёки бир миллатни иккинчи миллатдан устун қўйиш учун ҳаракат қилади.

Ҳинд олими Кумар Рукенсинхнинг маълумотларига қараганда, жаҳонда миллатлараро низолар натижасида 60 млн. қочоқ ҳамда 20 млн.га яқин мамлакат ичкарасида ўз манзилини ташлаб кетганлар мавжуддир. БМТнинг қочоқлар буйича комиссариати экспертларининг фикрича, келгусида уларнинг сони янада ошади. Мамлакатлар ичкарасидаги мажбурий кўчишлар миқёси кенгайди.

Миллатлараро низолар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлашувига ва вайронагарчиликларга олиб келади. Умуман олганда, миллатлараро низолар негизида вужудга келган миллатчилик терроризми кўп қиррали ва турли хил комбинацияларда турлича шаклларда учрайди: анъанавий, диний, этномаданий концепцияларга (панисламизм, панславянизм, пантуркизм, панарабизм, панроманизм, панамериканизм ва бошқалар). Миллатчиликнинг яна бир ҳавfli томони шундаки, у улуғ ҳокимиятчилик шовинизмига, ирқчилик ва фашизмга энг қулай замин бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида миллатчилик терроризмининг вужудга келишида сиёсий, мафкуравий, ғоявий ҳамда ташвиқий-тарғибий шиор сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун биз миллатчилик терроризмининг вужудга келишида ниҳоятда катта ўрин тутган буюк давлатчилик

шовинизми ва тажовузкор миллатчиликнинг моҳияти ҳақида бироз тўхталиб ўтишни лозим кўрдик.

Шу муносабат билан “шовинизм” тушунчасининг келиб чиқиши тарихи ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу тушунча француз тилидаги “chavinisme” сўзидан келиб чиққан бўлиб, миллатчиликнинг ўта сўл кўринишларидан бирини англатади. У миллий устунлик, бир миллатнинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатига қарши қўйиш, миллий такаббурликни ёйиш, миллий душманлик ва нафратни кўзгатишни тарғиб қилишдир.

Бу тушунча дастлаб Францияда вужудга келган. Бу 1831 йилда ёзилган И.Коньярнинг “Уч рангли кокард” комедиясидаги жангари ва тажовузкор персонажлардан бири Никола Шовендир. Бу персонажнинг прообрази реал ҳаётдан олинган бўлиб, у ўзининг Наполеонга мутаассибона ва ақлсизларча ихлосмандлиги билан ажралиб турган. Наполеон урушларининг фахрийси Н.Шовендир. Дастлаб Шовен устидан масхаралаб кулганлар, унга карикатуралар чизганлар. Лекин пьеса ёзилгандан кейин унинг номи турдош исмга айланган. “Шовинизм” тушунчаси мутаассибона миллатчилик экстремизмининг турлича кўринишларини англата бошлаган. “Ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг сўнгги нуктасига етган, ватанпарварлик (миллатчилик фанатизми) ижтимоий-сиёсий майдонда ўз ифодасини шовинизмда топади... (Шовинизм) ҳарбий кучга таяниб ақлсизлик даражасига етган ватанпарварликдир”<sup>17</sup>, - деб таъкидлайди тадқиқотчи Д.В.Ольшанский. Айтиш жоизки, ушбу масаланинг назарий ва сиёсий илдизлари ҳамда ҳозирги давримиз учун мафкуравий ва ғоявий салбий оқибатлари Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида методологик жиҳатдан ёрқин таҳлил қилинган. Аввало, Президент И.А.Каримов буюк давлатчилик шовинизмининг келиб чиқиш тарихи ҳақида тўхталар экан, бу муаммо ҳамма

<sup>17</sup> Каранг: Ольшанский Д.В. Психология терроризма. С.187.

вақт кенг кўламда тўқнашувлар ва қонли урушларга олиб келганлигини таъкидлайди: “Бу (буюк давлатчилик шовинизм- С.Н) инсоният тарихида асло янги ҳодиса эмас. Зотан, тарихда айрим йирик давлатлар ва кўп сонли халқларнинг атрофдаги мамлакатлар билан ўз муносабатларини устунлик ва мумтозлик нуқтаи назаридан амалга оширишга интиланлигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Бундай ёндошув кўп мартабалик кенг кўламдаги тўқнашувларга, қонли урушлар ва можароларга олиб келган. Бутун-бутун халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишончсизлик ва шубҳа тугдирган. Афсуски, улар авлоддан-авлодга ўтиб келган”<sup>18</sup>. Демак, ҳозирги даврда миллатчилик терроризмига қарши самарали мафкуравий ва ғоявий кураш олиб боришда олдимизда турган муҳим тўсиқлардан бири – буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик инерциясининг ҳали ҳам давом этиб келаётганлигидадир. Бунинг асосий сабаби эса, ҳозир ҳам муайян кучлар ва давлатлар томонидан турли имкониятлардан фойдаланган ҳолда, турли шаклларда сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронликни сақлаб қолишга интилишдир. Чунончи, И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “Тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин”<sup>19</sup>.

Шу билан бирга Президент И.А.Каримов катта таассуф билан Ўзбекистон халқлари ҳам бундай муносабатлар қурбони бўлганлигини ва ҳозир ҳам маълум даражада ана шундай муносабатлар мамлакатимизда сақланиб қолишига муайян кучлар томонидан интилиш аънаналари мавжудлигини кўрсатиб ўтади: “Бизнинг ўлкамиз ҳам ана шундай қисмат (буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик –

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 51-бет.

<sup>19</sup> Ўша асар. 52-бет.

С.Н.) дан қочиб қутулолмади. У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди. Ўзбекистон Россия империяси, сўнгра эса Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошидан кечирди. Бу давр ҳозирги пайтда турлича, баъзан бир-бирини истисно этадиган тарзда талқин қилинмоқда.

Афтидан, Марказий Осиёда содир бўлаётган ҳодисаларнинг кўпдан-кўп шарҳлари муайян сиёсий ва мафкуравий йўл-йўриқлар таъсирида берилмоқда, деб айтиш учун барча асосларга эгамиз<sup>20</sup>.

Агар мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан кейин қисқа вақт ичида инсонни руҳан ва маънавий жиҳатдан ногирон қилиб қўйиш мумкин бўлган бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйилган ва унинг қайта тикланишига хизмат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай омиллар мутлақо тугатилган бўлса, бунинг асосий сабаби мустақилликка эришган кунимиздан бошлабоқ давлат раҳбаримиз ва республика ҳукумати томонидан доно миллий сиёсат юритилишидир. Бундай сиёсатнинг ҳуқуқий асослари эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган.

Яна Президентимиз И.А.Каримов таъкидлайдики, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг бу сиёсати зарурий равишда унга бўлган қаршиликка учрайди. Бу табиий ва зарурий бир ҳолдир: "... буюк давлатларнинг цивилизациядорлик ҳаракати мумтозлик ва атрофдагиларга менсимай қарашдан иборат ҳалокатли руҳиятни вужудга келтириб ва мустаҳкамлабгина қолмасдан, балки бу цивилизация зўрлик билан жорий қилингани, миллий нафсоният ва ифтихорни камситгани, миллий маданиятлар ва маънавий қадриятларни топтагани, уларнинг ифодачиларини жисмонан йўқ қилиб ташлагани учун бундай ҳаракат тегишли қаршиликка ҳам учрар эди"<sup>21</sup>.

---

<sup>20</sup> Уша асар. 53-бет.

<sup>21</sup> Уша асар. 56-бет.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, камситилган ва жабрланган миллатларнинг бу қаршилиги айрим ҳолларда ақлидрок тарозисидан, соғлом мафкура ва ғоялар чегарасидан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Чунки, жамиятда юз берган у ёки бу инкироздан ўз ғаразли манфаатларини амалга оширишга интилувчи муайян кучлар ва гуруҳлар ҳам бўлиши табиийдир. Мана шундай ҳолатларда ўз манфаатлари ва ҳуқуқлари учун курашаётган миллатнинг қаршилиги кутилмаган ҳолда носоғлом тус олиши, ҳатто айрим кучлар қутқуси билан террористик ҳаракатга айланиб кетиш эҳтимоли ҳам вужудга келади. Тарих бундай ҳодисаларнинг кўпига гувоҳ бўлган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик муайян шароитлар туғилганда миллатчилик терроризмининг сиёсий ва мафкуравий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг миллатлараро ва халқлараро ишончсизлик ҳамда жамиятда бекарорликнинг вужудга келтиришда салбий оқибатларидан ташқари миллатчилик терроризмининг вужудга келишидаги улкан маънавий ва ғоявий зарари ҳам ана шундадир.

Президент И.А.Каримов юқоридаги асаридан буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик хавфи ҳақида батафсил баён қилар экан, ҳозирги даврда этник ва миллатлараро зиддиятлар ва улар билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳам жамиятда барқарорликни таъминлаш, жаҳонда тинчликни сақлашга маълум хавф тугдиришини таъкидлайди. Ушбу масаланинг муҳим томони шундаки, этник ва миллатлараро зиддиятларни адолатли тамойиллар асосида ҳал қилинмаслиги охир оқибатда миллатчилик терроризмининг ҳам қалқиб чиқишига замин яратиши мумкин. Бу нарса айниқса кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб Президент И.А.Каримов шундай деб ёзади: “Шу сабабли кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва



миллий ҳавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий ҳавфсизлик ва ижтимоий, иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий ҳайрихоҳлигига бевосита боғлиқ бўлади”<sup>22</sup>. Яна: “Кўп миллатли давлатда этник гуруҳлар ўртасидаги ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар миллий ҳавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омиллардан бири эканлиги аниқ бўла бошлади”<sup>23</sup>.

Демак, этник ва миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жиҳатдан одилона ҳал қилиниши энг аввало, ҳар бир мамлакат ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва миллий ҳавфсизлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Табиийки, бундай шароит мавжуд бўлган мамлакатда терроризмнинг ҳозирги даврда кенг тарқалиб бораётган кўринишларидан бири бўлган миллатчилик терроризмининг тарқалиш имконияти мавжуд бўла олмайди. Бунинг ёрқин исботини эса, мамлакатимиз мисолида кўринишимиз мумкин. Зеро, мустақилликка эришганимиздан кейинги дастлабки йилларданок Президентимиз ва республика ҳукумати миллатлараро муносабат масаласига жиддий эътибор берди ҳамда уни адолатли тамойиллар асосида ҳал қилишга муваффақ бўла олди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда гарчи Ўзбекистонда у ёки бу қўламда диний терроризм намояндалари хуруж қилаётган бўлсалар ҳам, аммо миллатчилик терроризми ёки миллий зиддиятлар асосида вужудга келиши мумкин бўлган низо-жанжаллар барҳам топган дейишимизга тўла асос бор. Буни Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ғурур ва ифтихори ҳамда эришган маънавий қадрияти деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, Президент И.А.Каримов мазкур асарда миллатчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ғаразли сиёсат, назария ва хатолар ҳозирги давримиз учун

<sup>22</sup> Уша асар. 69-70-бетлар.

<sup>23</sup> Уша асар. 71-бет.

катта тарихий сабоқ бўлиши кераклигини ҳам уқтиради: “СССРда коммунистик мафқуранинг энг муҳим мақсади— аҳолини байналмилаллаштириш ҳамда “марказ”нинг “совет халқи” деган ўзига хос социал бирликни шакллантириш ғоясини амалга ошириш чоғида барча миллий хусусиятлар асосий тўсик ҳисоблангани сир эмас...

Марказ иттифоқдош республикалар ва миллий чекка ўлкалардаги ўз эътиқодига кўра илғор ва ўз халқига садоқатли бўлган кишиларни “миллатчилик”да айблаб, қатағон қилганди. У мажбуран “байналмилаллаштириш”, миллий хусусиятларни йўқ қилиш ниятида бўлган ва ўзининг империячи манфаатларига мос тушувчи “кўп миллатли” бирликнинг вужудга келиш жараёнини жадаллаштиришга интилган эди. “Халқлар ва миллатларни яқинлаштириш”дан иборат бундай сунъий жараён жамиятдаги “миллатчилик” деб аташ расм бўлган яширин ва ошқора қаршилик кўрсатиш ҳолларига олиб келган эди”<sup>24</sup>.

Шунингдек, Президент И.А.Каримов кўпинча бир миллат ёки халқ ўз эҳтиёж ва манфаатларини бошқа миллат ва халқлар эҳтиёж ва манфаатларидан устун қўйиши, бошқа миллатларга нисбатан менсимаслик ва такаббурлик асосида келиб чиқувчи миллатчилик сиёсий тус олса, нафақат муайян бир давлат чегарасида, балки минтақавий ва кенг қўламдаги халқаро хавфсизлик учун катта таҳдидга ҳам айланиб кетиши мумкинлигини таъкидлайди: “... Шу муносабат билан кўпинча ўзаро алоқада бўлувчи этник гуруҳлар ва миллатларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари бир-бирига мос келмаслиги натижасида юзага чиқадиган зиддиятлар кескин “миллатчилик” кўринишларининг кучли омиллари бўлиши мумкинлигини айтиб ўтмоқчимиз. “Миллатчилик” сиёсий тусга кирса, кучли салбий йўналиш касб этиши мумкинлигини таъкидлаш зарур. Бу давлат ва миллат

---

<sup>24</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. 72-73-бетлар.

хавфсизлигига, минтақавий ва кенг кўламдаги хавфсизликка анча кучли таҳдидга айланиб кетиши мумкин”<sup>25</sup>.

Шунинг учун “Мавжуд зиддиятлар халқлар ва давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган фожиали оқибатларга олиб боровчи миллатлараро можароларга айланишига йўл қўйиб бўлмайди”<sup>26</sup>.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Ўзбек халқига хос бўлган ақли расолик, донолик, инсонпарварлик ва бағрикенглик Президент И.А.Каримовнинг миллий сиёсатни ўта мураккаб вазиятда жасурона ва оқилона ҳал қилишида яққол ўз аксини топди. Аслини олганда нафақат ўзбек халқининг, балки Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакилларининг миллий уйғониши ва ўз-ўзини англашга интилиш жараёнига ўша йиллардаёқ асос солинган эди. Зеро, “Мафкурамизнинг мағзини инсонпарварлик, ватанпарварлик, юксак ахлоқийлик, бунёдкорлик, зиёкорлик, меҳнатсеварлик адолат ташкил этади”<sup>27</sup>.

Табиийки, бундай шароит миллатчилик терроризмининг юзага чиқишига қарши кучли тўсикгина бўлиб қолмасдан, унинг сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий ва маънавий илдизларини таг-туги билан тугатишга хизмат қилади.

Миллатчилик терроризмининг вужудга келиш сабаблари ҳамда унинг кенг тарқалишига қарши кураш муаммоларини назарий-фалсафий таҳлил қилганда, Президент И.А.Каримовнинг мазкур асарида катта методологик аҳамиятга эга бўлган юқоридаги кўрсатмаларини назарда тутмоқ зарур.

Миллатлараро конфликтлар асосида вужудга келувчи миллатчилик терроризмининг сабаблари жуда кенг доирада бўлиб, этник мунозаралар, ижтимоий-иқтисодий тенгсизликлардан тортиб, мафкуравий рақобатгача ва ҳатто ҳокимият учун очикдан-очик курашгача бўлган ҳодисаларни ўз ичига камраб олади. “Конфликтология асослари” китоби

<sup>25</sup> Ўша асар. 74-бет.

<sup>26</sup> Ўша асар. 75-бет.

<sup>27</sup> Раҳмонов Р. Ватан, миллат, мафкура. Тошкент: Фан. 1999, 23-бет.

муаллифларининг таъкидлашича, “конфликларни вужудга келтирувчи кўпгина тарихий, иқтисодий, географик ва экологик омиллар кейинчалик ҳам сақланиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Конфликтларнинг сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўриш жамиятда барқарорликни сақлашнинг муҳим омилидир”<sup>28</sup>.

Шунинг учун ҳам биз миллий-этник талқиндаги террорчилик ташкилотлари тизимини таҳлил қилишга ўтишдан аввал жамиятдаги барқарорликни сақлашга раҳна солувчи омилга айланиб бораётган миллатлараро зиддиятлар масаласи ҳақида тўхталиб ўтдик.

Шу муносабат билан этник зиддиятлар, миллатчилик сиёсати негизида вужудга келган миллатчилик терроризмининг сабаблари ҳақидаги тадқиқотчи У.Убайдуллаевнинг қуйидаги хулосаларини келтириб ўтмоқчимиз: “Яна бир сабаб, шундан иборатки, дунёда мавжуд бўлган этнослар сони билан мавжуд давлатлар сони ўртасида объектив равишда вужудга келган тафовут бор. Бунинг устига инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясини иқтисодий ҳамда халқаро пакт ва фуқаролик, сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларни ўзида мужассам этган “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль” кўпгина мамлакатларнинг ўз давлатчилигига эга бўлмаган этносларни ўз тақдирларини ўзлари белгилашга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга даъват этади”<sup>29</sup>.

Миллатчилик терроризмининг жамиятдаги барқарорликка, миллий хавфсизликка, умуман халқаро тинчликка таҳдидидан ташқари яна бир даҳшатли ва ёвуз оқибати ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқ зарур. Яъни, унинг оммавий террорга айланиб айрим миллатлар ва элатларга нисбатан геноцид усулида амалга оширилишидир. “Геноцид”, тушунчаси уруғ, элат маъноларини англлатувчи юнонча *geros* (герос) ва ўлдирмоқ маъносини англлатувчи лотинча *caedo*

<sup>28</sup> Жумаев Р.З. Убайдуллаев У.А., Хужаев Б.А. Конфликтология асослари. 145-146-бетлар.

<sup>29</sup> Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. 56-бет.

(цедо) сўзларининг бирикмасидан иборат. Геноцид инсониятга қарши қаратилган энг оғир жиноятлардан биридир. Ирқий ва миллий-этник ҳамда диний мансублигига қараб бутун бир халқларни, элатларни кириб ташлашга қаратилган оммавий террорнинг кўринишларидан биридир. “Геноцид”-деб таъкидлайди тадқиқотчи Д.В.Ольшанский, -айрим халқлар, элатларни бутунлай ёки қисман жисмонан йўқотишга, улар орасида бола туғилишини тугатишга мўлжалланган ҳаётий шароитни онгли равишда вужудга келтиришди”<sup>30</sup>.

Афсуски, узоқ ўтмишдан “мерос” бўлиб ўтган бу ёвуз “анъана” инсониятнинг энг яқин тарихида ҳам содир бўлди ва ҳозирги кунимизда ҳам дунёнинг турли мамлакатларида у ёки бу кўламда намоён бўлмоқда. Этник мансублигига қараб бутун халқларни ва элатларни оммавий қирғин қилишга қаратилган бу террор XX асрда ҳам дунёнинг турли чеккаларида юз берди. Ачинарлиси шундаки, бундай жараён қонунчилик ҳамда инсон шахсига ҳурмат анъаналари кучли бўлган мамлакатларда ҳам содир бўлди. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар Германиясида гитлерчилар томонидан яҳудий, славян, арман, курд ва бошқа халқларнинг оммавий тусда қирғин қилиниши бунинг мисолидир. Собик иттифокда ҳам гарчи бошқачароқ мафкура ҳамда бошқачароқ сиёсий, ҳарбий “шароит тақозоси”ни рўқач қилинган ҳолда бўлса ҳам, моҳиятан айрим халқларга нисбатан худди шундай “сиёсат” олиб борилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ иттифокда яшовчи Поволжье немислари, ингушлар, қорачойлар, чеченлар; Қрим Автоном республикасининг миллий давлатчилиги тугатилди ва ушбу халқлар ватанларидан узоқ-узоқларга бадарға қилинди. Шунинг учун ҳам 1948 йилда бўлиб ўтган “Геноцид жиноятини олдини олиш ва уни жазолаш” халқаро конвенция геноцидда қатнашган шахсларга нисбатан халқаро жиноят содир этган деб қарор чиқарди.

<sup>30</sup> Ольшанский Д. В. Психология терроризма. С.99.

Шу билан бирга бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз. Миллатчилик терроризми қандай ижтимоий-сиёсий, тарихий шароитлар тақозоси билан юзага келмасин, ҳозирги даврда қандай ғоялар ва шиорлар билан ниқобланмасин, уни мустамлакачиликка, тоталитаризмга қарши курашган миллий озодлик ҳаракатлари билан аралаштириб юбориш мумкин эмас. Зеро, бу ҳар икки ҳаракат ўртасида сиёсий, мафкуравий, ғоявий ва маънавий жиҳатлардан ҳеч қандай умумийлик йўқ. Ваҳоланки, тарихда турли ғаразлар, мақсадлар билан миллий-озодлик ҳаракатларига нисбатан ҳудди шундай ҳоллар бўлган. Чунончи, ўз миллий озодлиги учун курашган ўзбек халқи фарзандлари “босмачилик”да, “халқ душмани”да, “пантуркизм”да, жиноий айбланганлар, Афғонистонга ҳеч қандай асосиз бостириб кирган совет қўшинларига қарши бош кўтарган афғон жангчиларига очикдан -очик афғон халқининг “душман”и деган ном берганлар. Аслида бу ҳаракатларнинг миллатчилик терроризми билан ҳеч қандай умумий томонлари бўлмаган.

Биз юқорида таҳлил қилганимиз миллатчилик терроризмининг тарихий-сиёсий келиб чиқиш илдизлари ҳам, унинг мафкуравий-ғоявий асоси ҳам, кўзлаган мақсадлари ҳам, олиб бораётган кураш усуллари ҳам, уларнинг фожиавий оқибатлари ҳам, на сиёсий жиҳатдан, на халқаро ҳуқуқ мезонлари жиҳатидан, на маънавий жиҳатдан оқлаб бўлмас жиноятдир.

Энди юқоридаги фалсафий таҳлилимиз асосида ушбу масала бўйича қилган хулосаларимизни исботлаш мақсадида ҳозирги даврда дунёнинг турли мамлакатларида юз бераётган миллатчилик терроризмининг айрим кўринишлари ва олиб бораётган фаолиятлари ҳақида баъзи маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз.

Сўнгги йилларда миллатчилик терроризми асосида вужудга келган ва тобора халқаро ҳамжамиятни ташвишга солаётган муаммолардан бири Косова албанлари билан серблар ўртасидаги уруш-низолардир. Косова воқеалари ҳам

Ўзининг тарихий ўтмишига эга бўлиб, унинг сабаблари кейинчалик қуролли можарога айланди.

Гарчи, болқон халқларининг бирлашиши ХХ асрнинг бошида рўй берган бўлса ҳам, зиддият илдизлари Сербиянинг турклар томонидан забт этилиш даври, яъни XIV асрга бориб тақалади. Бу даврда, биринчидан. маҳаллий аҳолини зўравонлик йўли билан исломлаштириш, иккинчидан эса, турк маъмурияти бу ерларга албанларни кўчириб киритиш натижасида Югославияда жойлаштирилган албанларнинг сони барча албанларнинг 40 фоизини ташкил этади.<sup>31</sup> Марказий ҳукумат томонидан албан маданияти ривожига тўсқинлик қилиниши боис, уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари поймол этилар эди. Натижада, “Барча албанларни ягона давлат доирасида тўплаш керак”,-деган сепаратизм ғоялари кенг тарқала бошлади. “Бу сиёсат бора-бора у ерда истоқомат қилувчи серб ва чернигорияликларни таъқиб қилиш, қувғин қилиш амалиётига айланиб кетди”<sup>32</sup>.Террорчи ташкилот – “Косово озодлик армияси” (КОА) ўз салоҳиятига кўра ҳозирги вақтда қудратли бўлиб, у билан курашишдан, ҳатто НАТО ҳамда Россиянинг тинчлик ўрнатувчи қуролли қисмлари ҳам ҳисоблашади. Бошқача айтганда, миллий ўзликни англашга интилишнинг ҳаддан ошиши, аксарият ҳолларда миллий-этник асосдаги террорчилик ташкилотларини, яъни миллатчилик терроризмини вужудга келтирди.

Кўриниб турибдики, гарчи мазкур ҳаракатлар миллий ўзликни англаш, миллий манфаатлар, миллий мустақиллик учун олиб борилаётгандек кўринса ҳам, аслида унинг миллий-озодлик ҳаракати билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Зеро, ўз миллий озодлиги учун курашаётган халқ ва ташкилотлар мазкур мамлакатда яшаётган бошқа миллат вакилларига нисбатан таъқиб, қувғин қилиш ва бошқа турли инсон ҳуқуқларини поймол қилувчи воситалар билан кураш олиб бормайдилар.

<sup>31</sup> Қаранг: Вольков В.К. Трагедия Югославии. || Новая и новейшая история. 1994 №4-5. С.8.

<sup>32</sup> Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. 57- бет.

Косово вокеаларининг юкоридаги тахлилидан яна шундай бир хулоса чиқариш мумкин. Кўпмиллатли давлатларда озчисликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳуқуқлари, миллий манфаатлари ва умуман миллий муносабатлар ўз вақтида халқаро ҳуқуқ мезонлари билан одилона ҳал қилинмаса, миллий норозилик кайфияти чегарадан чиқиб кетиши, айрим ҳолларда эса, миллатчилик руҳидаги терроризмни ҳам вужудга келтириши мумкин.

Ўз муаммоларини зўравонлик воситаси, аниқроғи миллатчилик терроризми асосида ҳал этиш йўлидан бораётган ташкилотлардан “озодлик йўлбарслари”-“Тамил Илама” (Шри Ланка), “Лоб-Нор йўлбарслари” (ШМАР), Испанияда фаолият олиб борган Эус Кадита Аскатасуна ЭТАК – баск мамлакати ва эркинлик маъносини англатади) террористик ташкилотларини кўрсатиш мумкин. “Тамил йўлбарслари” қарийб йигирма йилдан бери ўз давлатларини барпо этиш мақсадида йирик миқёсдаги аксил-ҳинд, шунингдек, Шри Ланка ҳукуматига қарши қуроли хуружларни ташкил қилмоқдалар. Ҳиндистон ҳамда унинг жанубий штати бўлмиш Тамилнаднинг давлат мансабдорлари, ҳарбий хизматчилар, полиция ва айрим этник гуруҳлар вакиллари ушбу террорчилик ташкилотларининг тажовуз объекти бўлиб қолмоқда. Моддий техника, молиявий, кадрлар билан таъминлаш ва қуролиантириш масалаларида уларга Тамилнад штатидаги айрим доиралар ёрдам кўрсатмоқда.

Миллатчилик терроризмининг яна бир кўриниши Ҳиндистонда хилма-хил этнослар ўртасидаги низоларда ҳам намоён бўлади.

Ҳинд экстремист-террористлари мамлакатнинг ўта долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларидан биридир. Бу кўп миллатли давлатда ўнлаб катта ва кичик этнослар яшашади. Улар бир-бирлари билан тили, эътиқоди, урф-одатлари, маданияти жиҳатидан фарқланадилар. Уларнинг манфаатлари кўп даврдан бери тўқнашиб келади. Миллий-диний жамоа ва сиёсий партияларнинг йўлбошчилари бу давлат мустақилликка эришмасдан илгари аҳоли орасида



экстремистик кайфиятни шакллантиришга ҳаракат қилдилар. Натижада, Ҳиндистонда машҳур сиёсатчилар, давлат арбоблари террористлар қўлида ҳалок бўлдилар.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб миллатчилик терроризми Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган, илгари Шарқий Туркистон деб аталадиган ўлка-Шинжонда ҳам фаолият олиб бормоқда.

1984 йили Синьцзянда Шарқий Туркистоннинг миллий озодлик инқилоби fronti ташкил этилди. Унинг раҳбари ва идеологи Мухлис Юсуфбек.

1997 йилнинг феврида Урумчида жангарилар бир неча автобусларни портлатишган, оқибатда 24 хитой солдати, 27 мутахассис ҳалок бўлган. Шу йилнинг ўзида Урумчида 5 марта кетма-кет портлашлар ташкил этилиб, оқибатда юзлаб хитой миллатига мансуб фуқаролар ҳалок бўлган, моддий зарар кўрган.

Бу ташкилотлардан ташқари Синьцзянда 26 та миллатчи террористик гуруҳ мавжуд. Булар “Ватан учкуни” (раҳбари Абдугаффор Шодиёр), “Кенг пешонали йўлбарслар” ва бошқалар.

Биз дунёнинг турли чеккаларида, турли мамлакатларда фаолият кўрсатган турли миллатчи террористик ташкилотларнинг фаолиятлари ва уларнинг фожиали оқибатлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Ўйлаймизки, юқоридаги миллатчилик терроризмининг бир неча кўринишлари ҳақида берган маълумотимиз улар ҳақида умумлаштириб хулоса чиқаришимизга етарли асос бўла олади.

Биринчидан, гарчи миллатчилик терроризми ўзининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жиҳатдан келиб чиқиш сабаблари, муайян ҳудудда муайян мақсадларда олиб бораётган фаолиятларининг чекланганлиги билан диний экстремизм ва терроризмдан фарқ қилса-да, аммо олиб бораётган кураш усуллари, бу курашда фойдаланаётган воситалари ҳамда муайян давлатлар ҳамда халқлар ва умуман халқаро ҳамжамиятга солаётган хавфлари жиҳатидан улар ўртасидаги боғланишларни кузатиш мумкин. Иккинчидан, миллий муносабатлар

масаласида юқорида қайд этилган қарама-қаршилиқлар, яъни миллий-давлат муаммоларидек нозик масалани ҳал этишга ҳукуматларнинг ноқобиллиги ёки истамаслиги, зўравонлик, жиноят, портлатиш, ёндириш ва шу каби амалларнинг нафақат фаоллашуви, балки қўллаб-қувватланишига ҳам шароит яратади. Авваламбор, бу миллатчилик ва сепаратизм ғояларига қўшилувчи ҳамда кадрлар билан таъминловчи кенг қатлам билан боғлиқ. Демак, бу жиҳатдан ҳам миллатчилик терроризмининг ҳам унинг бошқа кўринишлари каби халқаро миқёсда глобаллашув хавфи туғилади.

### §3. Ислом ниқобидаги терроризм ва унинг сохта мафкурасининг моҳияти

Ушбу бўлимда таҳлил қилишимиз лозим бўлган масалани ёритишда аввал “ислом террорчилиги” деган атаманинг мантикий ва тарихий жиҳатдан воқеликка мос келиши ёки келмаслиги ҳақида бироз тўхталиб ўтмоқчимиз. Биз олдинги бўлимда ислом дини қобиғида вужудга келган фанатизм, фундаментализм, экстремизм ғоялари туфайли унинг намояндаларини “исломчилар” (исламистў) деб аташ мантикий жиҳатдан асосиз эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган эдик. Энди мусулмон мамлакатларида мавжуд бўлган террористик ташкилотларнинг фаолияти ва бу ташкилотларнинг ислом динининг у ёки бу масаласи ҳамда мақсадидан келиб чиққан ҳолда номланиши ушбу ҳаракатлар ва ташкилотларга нисбатан “ислом террорчилиги” деган ном бериш асослими? Бизнингча, йўқ!

Биринчидан, ҳар қандай диннинг, шу жумладан ислом динининг айниқса, ҳозирги даврдаги ижтимоий вазифаси ва мақсади, асосан инсонларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларига хизмат қилишдан иборатдир. Буни Президент И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб ўтади: “Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-

атвор коидаларига айлантирган. Маданиятга таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда”<sup>33</sup>. Шундай экан, биз қандай қилиб фақат турли динга эътиқод килувчилар ўртасида эмас, ҳатто бир динга эътиқод килувчилар ўртасидаги одамлар орасига нифок солаётган, киргин-барот қилишга ундаётган, ёвуз котилликлар қилаётган террорчиларнинг у ёки бу дин номи билан, шу жумладан, ислом дини номи билан боғлаб аташимиз мумкин?

Иккинчидан, бирорта ҳам ҳақиқий иймонли киши, қайси диндалигидан қатъи назар, ўз ақидаси йўлида бегуноҳ одамларни ўлдирмайди. Шунини унутмаслик керакки, Нью-Йорк ва Вашингтондаги террористик ҳаракат чоғида ўлдирилган одамлар орасида насронийлар ҳам, яҳудийлар ҳам, айна пайтда мусулмонлар ҳам бор эди.

Шу муносабат билан асли исми Аднон Ўқтар бўлган туркиялик олим, қатор илмий тадқиқотлар муаллифи Хорун Яҳёнинг куйидаги фикрини келтириб ўтмоқчимиз: “Лекин шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, у ёки бу котиллик ва ваҳшийликни амалга оширган террорчиларнинг насроний, мусулмон, ёхуд яҳудий бўлишлари жамият аъзоларига ўша дин тўғрисида ножоиз фикр ва хулосалар чиқариш ҳуқуқини бермайди. Ҳатто бу ҳайвонсифат кимсаларнинг қайси динда экани тўғрисидаги саволнома бандида “мусулмон” деб ёзиб қўйилган бўлса ҳам улар қилган жиноятга “ислом террорчилиги”, деб ёрлиқ ёпиштириш тўғри эмас. Худди шунингдек, террорчи ўзини “христиан” деб атаса, “христиан терроризми” ёки террорчи кимса ўзини “яҳудий” деб эълон қилса, “яҳудий терроризми” дейиш ҳам мумкин эмас”<sup>34</sup>. Биз олимнинг ушбу фикрига тўлиқ қўшилаемиз.

Шу нарса диққатга сазоворки, Қуръони Каримни рус тилига сўнгги йилларда энг нуфузли ва аниқ таржимасини амалга оширган Валерия Порохованинг ҳам куйидаги фикри

<sup>33</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 35-бет.

<sup>34</sup> Хорун Яҳё. Ислом террорни лаънатлайди. // Рус тилидан Аҳмад Муҳаммад Турсун таржимаси. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. 6-7-бетлар.

Яҳё Хоруннинг фикрлари билан ҳамоҳангдир: “Агар одамлар жинойт содир қилса, биз дарҳол уларнинг диний жиҳатини олиб ташлашимиз зарур. Бу террорчи мусулмон ё яҳудий ёки насроний дейишга ҳаққимиз йўқ. Террорчилик ҳаракатини содир этган одам насроний, яҳудий, мусулмон бўлмайди, у-эътиқодсиз жинойтчи. Уни фуқаролик кодекси бўйича суд қилиш лозим ва унга диний ёрлик осмаслик керак... Қотиллар дўзахга тушади. Агар ўзини қаҳвахонада портлатса ва ўша ерда бегуноҳ одамлар ўлса, у дўзахда абадий ёнади. Бу жиҳод, бу шаҳид, у жаннатга тушади, дейиш нотўғри.-Куръоншунослик бўйича у қотил ва доим дўзахда ёнади”

Учинчидан, маълумки XX асрнинг бошидан бошланиб 70- йилларнинг охиригача давом этган кўпгина мусулмон мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатларида “ислом омили” катта аҳамият касб этган. Лекин кўпгина Ғарб оммавий ахборот воситаларида, тадқиқотларда, сиёсатчилар талқинида бу масалага бир томонлама ёндошилиб, ушбу ҳаракатларни мазкур мамлакатларда ташкил қилинган экстремистик ташкилотлар билан аралаштирилиб юборилган ҳоллар ҳам бўлган. Фикримизнинг исботи учун тадқиқотчи Ф. Гуляевнинг қуйидаги фикрини келтирамиз: “Исломнинг тажовузкорлиги ҳақида жуда кўп бемаъни гаплар ёзилган деб ҳисоблайдилар. Тележурналистлар ва киночилар ҳақиқатан ҳам шу даражада жонбозлик кўрсатдиларки, одамлар “ислом” сўзини эшитганларида бошига катак рўмол ташлаган, соқоли усган Арофатни, “Оллоҳу Акбар” деб қичқираётган ўтакетган мутаассиблар оломонини кўз олдиларига келтирадиган бўлдилар”. Аммо биз юқорида бир неча саҳифада тадқиқотидан саҳифа келтирганимиз Ольшанский Д.В. мазкур масалада бутунлай ноҳолисона фикр юритиб шундай ёзади: ““Исломнинг душманлари бутунлай бунга қарама-қарши фикрни айтадилар. Ҳар ҳолда, очиқ-ойдин бир нарсани тан олмоқ керак. Ўтмишда салбчилар қанчалик тажовузкор бўлмасинлар, бугунги кунда мавжуд бўлган динлар орасида фақат исломгина тажовузкор террористик хулқ-атворнинг ёрқин кўринишларини намоён қилмоқда. Гарчи ҳамма ислом

бўлмаса ҳам”<sup>35</sup>. Бу ҳозирги давр воқелиги нуқтаи назаридан ҳам, мантиқ нуқтаи назаридан ҳам ҳақиқатга зид фикрдир. Чунки, Президентимиз ибораси билан айтганда “жамият, гуруҳ, айрим шахс ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин”, шу жумладан ислом дини ҳам ҳозирги даврда ҳам тажовузкор террористик хатти-ҳаракатнинг тимсоли эмас ва бўлмайти ҳам. Чунки, ислом динини ниқоб қилиб олган террористик хатти-ҳаракатлар билан инсониятнинг катта қисмининг маънавий қадриятларидан ҳисобланмиш ислом дини ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Аммо ҳолислик нуқтаи назаридан шу нарсани айтишимиз зарурки, мазкур муаллиф мусулмон мамлакатларида юз берган миллий озодлик ҳаракатлари билан ислом ниқоби остидаги террористик ташкилотлар ва уларнинг фаолияти ўртасидаги муносабат масаласида қуйидаги нисбатан ҳолисона фикрни айтади: “Ҳамма нарса Хумайнийдан бошланди. Унгача амалда ислом терроризми бўлмаган. Шу пайтгача бўлганларини эса, унинг (ислом терроризмининг-С.Н.) дастлабки юзага чиқиш ходисаси деб аташ мумкин. Антиколониал, миллий озодлик ҳаракатлари ва урушлари бўлган. Лекин мутаассибона диний террор бўлмаган. Францияда жазоирлик, Шотландия осмони устида ливиялик террористлар бўлган, Фаластин давлатини куриш учун уруш бўлган. Лекин улар бошқача табиатга эга бўлган айрим жузъий террористик ҳаракатлар эди. Улар Ғарб цивилизациясига қарши қаратилган халқаро ислом терроризми қобиғига сиғмасди”<sup>36</sup>.

Тўртинчидан, масаланинг мантиққа бутунлай зид келадиган томони шундаки, агар биз “ислом терроризми” атамасининг бевосита маъносидан чиқиб келадиган бўлсак, унда террор исломнинг тамойилларидан бири эканлигини англатади. Чунончи, ислом илоҳиётчилиги, ислом ақидаси, ислом ҳуқуқшунослиги, ислом ахлоқи, ислом фалсафаси ва х.к. Булар ҳаммаси бевосита исломнинг вужудга келиши билан бир вақтда шаклланган ва унинг тамойилларини ташкил

<sup>35</sup> Қаранг: Ольшанский Д.В. Психология терроризма. С.216

<sup>36</sup> Уша жойда.

килади. Шундай экан, биз қандай қилиб террорни исломнинг юқоридаги тамойиллари каби қабул қилишимиз мумкин?

Албатта, биз ислом фундаментализми, фанатизми, радикализми ҳамда экстремизмининг энг тажовузкор ва ёвуз жиноятчилиги асосида мусулмон мамлакатларда вужудга келган террористик ташкилотлар халқаро ҳамжамиятга катта хавф туғдираётган, бутун инсониятга катта фожиалар келтираётганини инкор этишдан йироқмиз. Бизнингча, ушбу террористик ҳаракатларга нисбатан “ислом никобидаги терроризм” ибораси ишлатилса, туғрироқ бўларди.

Юқоридаги фикрларимизни асослаш учун ислом дини никоби остида ҳаракат қилган ваҳҳобийларнинг террорчилик фаолияти тарихи ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Диний фундаментализм ва фанатизм асосида вужудга келиб, маълум тарихий босқичларни босиб ўтиб террористик кураш усуллари қўллаган ислом никобидаги терроризмнинг вужудга келиши 1703-1799 йилларда Муҳаммад ибн Абду-ул-Ваҳҳоб номи билан боғланган. Ушбу ижтимоий-сиёсий мазҳабга кирганларни ваҳҳобийлар, баъзан наждийлар (Нажд шаҳри билан боғлаб-С.Н.) деб аташган. Биз бу оқимни ижтимоий-сиёсий, мазҳаб деб аташимизга сабаб шуки, бу оқим исломнинг икки йуналиши – суннийлик ва шиалик илоҳиётшунослиги ва фикҳшунослигида эътироф этилган расмий фикҳий мазҳаб сифатида тан олинмайди. Фақат Саудия Арабистони мамлакатадагина муайян сиёсий мақсад туфайлигина қисман мафкура сифатида қабул қилинган. Бунинг сабаби ҳақида қуйироқда тўхталиб ўтамиз.

Ибн Абд ал-Ваҳҳобга ўша замонда яшаган Муҳаммад ибн Сауд ёрдам берган. Унинг вафотидан сўнг эса, ўғли Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Сауд ваҳҳобийларни қўллаб-қувватлаган. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб муқаддас Макка ва Мадинани 1788 йилда эгаллаб, у ердаги барча тарихий обидалар, саҳобалар дафн этилган жойларни ер билан яксон этиб, жуда кўп талофатлар етказган. Шу тариқа, қайси шаҳар ёки қишлоққа борсалар, у ердаги қабрлар, обидаларни

бузганликлари учун овропаликлар уларни “обидаларни бузувчилар” деб атаганлар.

Ваҳобийлар Ҳижозда ҳукмрон оқимга айланиб бошқа ҳудудларни куч билан забт этишар экан, у ердаги мақбара ва кадамжоларни бузиб ташлашар, шу билан бирга, сунний мазҳабдаги уламоларнинг китобларини ҳам ўтда ёкишарди. Мусулмон дунёсидаги кўплаб уламоларнинг фикрича, ваҳобийликнинг ислом дунёсига келтирган энг катта зарарларидан бири шундаки, улар исломни аслига қайтариш ниқоби остида сунний мазҳаблар, айниқса, ҳанафий мазҳабга қаттиқ зарба бердилар.

“Ўзларининг фикрларига қўшилмаганларни кофир деб эълон қилиш уларга жиҳод бошлаш учун мафкуравий асос тайёрлар эди”<sup>37</sup>, -деб кўрсатади О.Абдуллажонов.

“Дастлаб ваҳобийлик исломни “турклаштириш”га қарши кураш олиб борди. Кейинчалик эса, соф диний чегарадан чиқиб ҳарбий-сиёсий тус ола бошлади. Ваҳобийликни қурол қилиб олган ҳукмдорлар кўп нарсага эришишлари мумкин бўлди. Ваҳобийлик очикдан-очик ҳақиқий исломдан қайтганларга қарши уруш (жиҳод)ни тарғиб қилди. Бунга суянган Саудийлар уруғи кенг кўламда ҳарбий юришлар бошлади”<sup>38</sup>.

Будапешт университетининг профессори, Петербург фанлар академиясининг аъзоси машҳур исломшунос олим И.Гольдциер ўзининг “Ислом ҳақида маърузалар” асарида Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб фаолиятига шундай баҳо беради: “Ибн Абдал Ваҳҳоб юқорида зикр этилган дин арбобларидан шуниси билан фарқ қиладики, унинг ўзи бевосита қўлида қилич билан тарафдорларини жангга олиб кирмаган. Лекин шунга қарамай, унинг таълимоти куёвини суннатни тиклаш учун жанговар ҳаракатларга ундаган. Амалий ҳаётда диний ақидаларни рўёбга чиқармоқ учун Муҳаммад ибн Сауд

<sup>37</sup> Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. Тошкент: 2000, 26-бет.

<sup>38</sup> Қаранг: Ольшанский Д.В. Психология терроризма. С. 190.

зулфиқорини қиндан чиқарган – ҳар ҳолда, зоҳиран қараганда шундай бўлган”<sup>39</sup>.

Ваҳобийларнинг муқаддас зиёратгоҳларга, масжид-мадрасаларга варварларча бўлган муносабатларининг маънавий-ахлоқий томони ҳақида эса, шундай қизиқарли маълумот беради: “Ваҳобийлар, биринчи навбатда азиз-авлиёларга сиғинишга қарши курашган эдилар. Ваҳобийларнинг азиз-авлиёларга сиғиниш муносабатига қараб ҳукм қиладиган бўлсак, Карл Винценти уларга берган баҳосида батамом ҳақ бўлиб чиқади. У ўзининг романида ваҳобийларни “Юқори Арабистоннинг масжид кушандалари” деб атаган эди. Бу романда ваҳобийлар давлатидаги ижтимоий ҳаёт ва фаолият тасвирланган, бошқа маълумотларга қараганда, бу давлатда зоҳиран порсоликка (тақводорликка) қатъий амал қилинса-да, у билан бирга мунофиқлик ва риекорлик мавжуд бўлгани ҳам акс этган”<sup>40</sup>.

Кўриниб турибдики, ҳозирги даврда айрим ҳудудларда ҳаракат қилаётган ваҳобий тўдалар ўз шафқатсизликлари, хунрезликлари, ёвуз қотилликларида ўз “устоз”ларига содик бўлиб қолмоқдаларки, бу ҳақда биз кейинроқ тўхталамиз.

Ваҳобийларнинг бундай қонхўрлик ва қотилликлар қилишдан қайтмасликларининг сабаби фақат ҳокимиятни қўлга олишнинг ўзигина бўлиб қолмасдан, балки ҳисобсиз бойлик ва мол-мулк орттириш ҳам эканлиги тўғрисида ҳам тарихий маълумотлар мавжуд.

Тарихий манбалар ёзишича, ваҳобийлар Қарбалода имом Ҳусайн мақбарасидан ўмарган бойлик айрим манбаларда икки юз, айрим манбалардан тўрт минг туяга юк бўлган дейилади. Бир йил ўтиб, яна шундай разолат такрорланган, бу гал ваҳобийлар имом Ҳасаннинг мақбарасини талашган. Ва яна икки минг мўминни қириб ташлашган. Кишини ҳайрон қолдирадиган томони шуки, шунча хунрезликдан кейин ҳам улар мунофиқлик билан биз одамларни қабрга сиғинишдан

<sup>39</sup> Гольдциер И. Ислоҳ ҳақида маърузалар. Тошкент: Академия 2001, 19-бет.

<sup>40</sup> Ўша асар. 20-бет.



кайтarmoқчи эдик, дейишган. Ва бу аҳли мўминнинг қарғишига, қаҳру ғазабига сабаб бўлган<sup>41</sup>.

“Ҳозирги ислом дини ниқоби остидаги экстремистик жиной гуруҳ ёки жиной уюшма иштирокчиларини умумий тарзда “ваҳобийлар” деб аташдан кўра, уларни “жиҳодчилар” деб аташ ўринлидир.”<sup>42</sup>

Демак, бу масалада ҳозирги давр ваҳҳобийлар тўдалари ҳам ўз “устоз”ларидан ўрнак олмақдалар ва фақат аҳли мўминларнинггина эмас, бутун соғлом фикрли инсониятнинг нафратига, қаҳру ғазабига лойиқ ва муносибдирлар. Улар хатти-ҳаракатининг зоҳирий кўриниши “динни асл ҳолатига келтириш”, “халифалик” ўрнатишга даъват бўлса ҳам, аслида бу даъват остида ёвуз қотилликлар ва шафқатсиз хунрезликлар билан амалга ошириляётган босқинчилик ва талончилик ётади.

Дин ниқоби остида ғаразли мақсадлар билан сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интиляётган кучлардан бири – “Ҳизб-ат-тахрир ал-исломий” ташкилотидир.

“Ҳизб-ат-тахрир” арабчада “Тозалаш партияси” демақдир. Бу махфий фирқани 1953 йилда Фаластинда, кейинчалик Иордания ва Ливанда Такийюддин Набхоний деган одам ташкил қилган. Такийюддин Набхоний “Ҳизб-ат-тахрир” фирқасининг асосий ғоялари ва ҳаракат асосларини “Ислом низоми”, “Ҳизб-ат тахрир тушунчалари”, “Исломда ижмо Низоми” номли асарларида белгилаб берди. Унинг ғояларини давом эттирган Абдулқадим Заллум эса, 1996 йилда “Демократия куфр Низоми”, “Исломда бошқарув Низоми”, “Ислом давлатида моллар” номли китобларни ёзди.

“Ҳизб”чилар мафкуравий таъсирни кучайтириш учун ўзларининг кураш йўлларини уч босқичдан иборат деб ҳисобляйдилар.

*Биринчиси*, тушунтириш ишларини олиб бориш орқали онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни тузoққа илинтириш.

<sup>41</sup> Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бузилиш. 75-бет.

<sup>42</sup> Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жинойий-ҳуқуқий муаммолари. || Юридик фанлари доктори. Илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация автореферати. Тошкент: 2002. 24-бет.

*Иккинчиси*, фикрий кураш орқали “умматни оёққа тургазиб келажакдаги масалаларни идрок қилиши”га эришиш, яъни одамлар онгига ўз ғояларини зўраки сингдириш;

*Учинчиси*, манкуртга айланган экстремистик кучларни ҳукуматга қарши қўйиш, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш, дин ниқоби остида террорчилик йўли билан ҳокимиятни эгаллашга бор “қучини” сарфлаш.

Кўриниб турибдики, диннинг сиёсийлашуви ҳар қанча эзгу ниятлар ёки баҳоналар остида юз бермасин оқибатда эволюцияга учраб, маълум шароитларда халқаро ҳуқуқ мезонлари ва маънавиятга зид бўлган салбий оқибатларга, ҳатто террорчилик каби ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга ҳам айланиб кетиши мумкин. “Ҳизб ут-таҳрир”чилар бузғунчилик мақсадларида ўз сафларига янги аъзолар ва тарафдорларни янада кўпроқ жалб қилиш учун миллий ўзликни англаш жараёнидан ҳам фойдаланишга уринмоқдалар. Буни сўнги йилларда бизнинг мамлакатимизда ҳам тарқатаётган қатор “варақа”лари, “даъват” ва ташкилотлари яққол намоён қилмоқда.

Ислом ниқоби остида кенг кўламда террористик фаолият олиб бораётган халқаро ҳамжамият томонидан биринчи рақамли террорист “унвони”га сазовор бўлган Усома бен Ладен томонидан асос солинган, XX аср охирида вужудга келган энг ёвуз ва энг жинояткор террористик ташкилотлардан бири – “Ал -Қоида” (“Асос”)дир.

- Гарчи Усома бен Ладен ўз жангари фаолиятини АҚШ МРБ воситасида совет қўшинларига қарши курашаётган мужоҳидлар тарафида туриб бошлаган бўлса ҳам, кейинчалик хусусан совет қўшинлари Афғонистонни ташлаб чиқиб кетганларидан кейин АҚШнинг ўзига, Европа ва бошқа мусулмон бўлмаган мамлакатларга қарши ўзининг кенг кўламдаги террористик фаолиятини бошлайди. Кейинчалик унинг бу ҳаракати у ёки бу даражада ғайридин мамлакатлар билан алоқада “айбланган” мусулмон мамлакатларига ҳам қарши қаратилади. Унинг бу борадаги фаолияти туфайли неча

минглаб бегуноҳ одамлар ҳалок бўдилар, қатор мамлакатларга моддий ва маънавий зарар етказилди.

Тадқиқотчи Б.Ключников Бен Ладен жиноий фаолиятининг яна бир томони ҳақида қуйидаги эътиборга лойиқ маълумотни келтиради: “Афғонистонда фуқаролар урушининг янги даври бошланади. Бен Ладен ўз дўсти Ҳикматёр билан алокани узади ва унинг афюн бизнесини уз тасарруфига олади. 1997 йилга келиб у Шимолий Афғонистоннинг тожсиз қироли -афюн қиролига айланади. Бен Ладен кўлидаги экин экиладиган ерларнинг катта қисмида афюн етиштирила бошланади. Шимолий Афғонистоннинг “қироли” бўлиб олган Бен Ладен жиҳоднинг тан олинган банкирига ҳам айланади. Толиблар раҳбарияти Бен Ладенни кўлдан чиқармаслик мақсадида уни Қандаҳорга жойлаштирадидлар. Ислом байналмилалчиларининг молиявий тармоқлари унга қараб интиладидлар. Шу вақтдан бошлаб Вашингтоннинг айрим доиралари уни “Қандаҳордаги бизнинг одамимиз”, деб атай бошлайдилар”<sup>43</sup>.

Ушбу маълумот шу жиҳатдан муҳимки, у аввало Бен Ладеннинг шахс сифатидаги маънавий қиёфасини очиб берса, иккинчи томондан – унинг “ислом учун жиҳод” мафкурасининг нақадар сохталигини, риёкороналигини, мунофиқоналигини кўрсатади. Ушбу фикрларимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан. Бен Ладен ўз ғаразли мақсадлари йўлида ҳатто ўз маслақдоши ва иттифоқдошлари манфаатларини ҳам топташдан, қурбон қилишдан қайтмаганлигини кўрсатади.

Иккинчидан. шахсий бойлик орттириш мақсадида ҳар қандай жирканч воситалардан ҳам қайтмаслигини намоён қилади. Ахир, ислом мазҳаблари ақидалари ва фарзларига оид чиқарилган расмий шарият аҳкомларида спиртли ичимликлар ҳаром қилинганидек, афюн ва бошқа наркотик моддалар истеъмол қилиш ҳам ҳаром ёки макруҳ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аксарият мусулмон мамлакатларида наркотик

---

<sup>43</sup> Ключков Б. Исламизм: США и Европа. С.145-146.

моддалар истеъмол қилиш ёки сотиш нафақат унинг ижтимоий зарари туфайли, балки эътиқод нуқтаи-назаридан ўта оғир жазога ҳукм қилинади.

Учинчидан, ўз террористик фаолиятининг дастлабки йилларида ўзи мусулмон халқларининг энг биринчи ва асосий душмани деб ҳисоблаган АҚШ билан у ёки бу масалаларда ҳамкорлик қилишдан ҳам тоймаган.

Масаланинг яна бир томонига эътибор қаратмоқчимиз. Биз олдинги бобда айрим мусулмон мамлакатларида ислом никоби остидаги террористик ҳаракатларнинг вужудга келиши ва тарқалишида маълум даражада АҚШнинг ҳам айби борлигини асословчи баъзи маълумотларни келтириб ўтган эдик. Мазкур маълумот эса, ушбу фикрларимизни асословчи яна бир далилдир.

Бен Ладен террористик фаолиятининг охир мақсадини ва стратегик моҳиятини унинг 1998 йилда чиқарган фатвоси яққол намоён қилади. Ушбу фатвода ҳамма мусулмонларни “энг катта иблис”- Америкага қарши курашга чақирилади. Шунингдек, ушбу фатвода ғарб ва ислом маданиятининг бир-бирини истисно қилиши уқтирилади. Унингча, ғайридинларни исломнинг муқаддас ерларидан ҳайдаб чиқариш бу борадаги биринчи ғалабадир. Ислоннинг муқаддас жойлари эса, Макка, Мадина, бутун Саудия Арабистони ва Қуддуси Шарифдир. Қуддуси Шарифга христианлар ҳам, яҳудийлар ҳам даъво қила олмайдилар. Чунки Муҳаммад – сўнгги пайғамбардир, Қуръон охирги Инжилдир.

Усома бен Ладеннинг бу фатвоси мусулмонларга “Яҳудийлар ва салбчиларга қарши умумжаҳон ислом жиҳоди фронти” номидан юборилган эди<sup>44</sup>.

Агар эътибор берилса, Бен Ладеннинг стратегик режаси жуда узок мақсадни кўзлайди. Унингча ғайридинларни мусулмонларнинг муқаддас ерларидан ҳайдаб чиқариш бу режанинг ибтидоси, биринчи ғалабаси. Унинг интиҳоси эса энг “катта малъун”-АҚШга қарши курашиб ер юзида ислом

---

<sup>44</sup> Қаранг: Richard Zabeviere. Yes Dollars de la terreur. Yes Etats Unis et les islamist (Доллары для террора. Соединенные Штаты и исламисты) Grasset. Paris. P.119.

байроғини тиклашдир. Бундай разилона режа турли халқлар, мамлакатлар ва динлар ўртасида нифок, адоват, қонли урушлар келтириб чиқариш билан халқаро миқёсда инсониятга нафақат маънавий, балки улкан ижтимоий-сиёсий кулфат келтириши ҳар бир соғлом фикрловчи киши учун равшандир. Бен Ладен террористик фаолиятининг риёкорона моҳиятини ифодалайдиган яна бир жиҳати шундаки, у ғайридинларга, айниқса биринчи навбатда АҚШга қарши урушга бутун мусулмонларни даъват қилган ҳолда Саудия Арабистонига нисбатан ҳам уруш эълон қилади ва бу борада қатор террористик тажовузларга раҳнамолик қилади. Бу ҳақда АҚШ разведка ходимларидан бири шундай деб ёзади: “Қўшма Штатларга уруш эълон қилиниб ва америкага қарши “салб юриши”ни даъват қилиб, гуёки ўзини “учинчи дунёнинг” фаолларидан, изчил антикапиталист ва ислом курашчиси қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Лекин амалда, унинг кураши кирол Фахдга ҳам қарши қаратилган эди. Жазоир ислом курашчиларини қўллаб-қувватлаб ўзини худди Саудиянинг дин душмани сифатида намоён қилади, лекин биринчи навбатда ўзларининг Форс кўрфазидаги иттифоқдошлари ҳақида қайғураётган америкаликларга таҳдид қилади”<sup>45</sup>.

Бир вақтнинг ўзида ҳар хил динга эътиқод қилувчи халқлар яшайдиган икки мамлакатга қарши кураш олиб боришни дин учун кураш, аниқроғи ислом учун жиҳод деб даъват қилиш ҳеч қандай мантикка, соғлом фикрга сиғмайди. Бу ерда Усома бен Ладеннинг мунофиқона ғояларини ашъвий далиллар асосида фош қилишга бизнингча ҳожат ҳам бўлмас керак. Чунки, у ўзини ўзи фош қиляпти.

Бу ҳам унинг ислом учун олиб бораётган курашининг асл моҳияти ҳақиқий дин қайғуси учун эмас, дунёга ўз куч-қудратини намойиш қилиш, бутун дунёда ҳокимлик ўрнатиш каби риёкорона бир манманликдир. Афсуски, бундай манманлик инсониятга жуда қимматга тушмоқда.

<sup>45</sup> Жаккар Р. Именем Усамы бен Ладена. М.: ОЛМА-Пресс.2002.С.177.

Халқаро миқёсда биринчи рақамли террорчи номини олган ушбу шахс тузган “Ал Қоида” террорчилик ташкилоти жуда кўп мусулмон мамлакатларида кенг тармоқли турини яратдики, улар умумий номда “Бен Ладен биродарлиги” деб аталади. Гарчи Бен Ладеннинг шахсан ўзи бу тармоқларнинг ҳаммасига бевосита раҳбарлик қилмаса ҳам, уларнинг ғоявий “илҳом берувчиси” ва “раҳнамоси” бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда тадқиқотчи Ф.Гуляевнинг қуйидаги фикри асосли деб ҳисоблаймиз: “Биз хоҳлаймизми, йўқми, лекин учинчи жаҳон уруши кетаяпти. Бу фронтнинг аввалги чизиғида ислом софлиги учун курашаётган халқаро террорчиларнинг жипслашган отряди турибди. Ҳатто масала уларнинг бир марказдан бошқарилаётганида ҳам эмас, аслида ҳам бундай эмас. Лекин уларнинг тажовузлари ўта бекаму кўст амалга оширалаётганлиги шубҳасиздир.

Ҳозирги пайтда Жалолобод яқинидаги тоғларда яшаётган Бен Ладеннинг ҳолатида ўзининг собиқ ва ҳозирги ҳаммаслаклари фаолиятларига бевосита раҳбарлик қила олиши мумкин эмас. Лекин Чеченистонда ёки Кашмирда, Марказий Осиёда ёки Жазоирда бўлишидан қатъий назар жангарилар раҳнамоларининг ҳар бири бу “буюк” одамнинг ишига алоқадорлигидан такаббурланади ва буни намойиш қилишга интилади”<sup>46</sup>.

Ўйлаймизки, Ўзбекистонда фаолият юритишга интилаётган террорчи гуруҳларнинг “раҳнамо”лари ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон халқлари буни ҳеч маҳал унутмасликлари керак ва унутмайдилар ҳам.

Ислом дини ниқобидаги экстремистик ғоялар ва мақсадларнинг аниқ мазмуни “Толибон” ҳаракатида ҳам яққол намоён бўлди.

“Толибон” ҳаракатининг ғоявий пешволаридан бири Мулла Муҳаммад Умар 1964 йили Сингешар қишлоғида туғилган. Совет кўшинлари Афғонистонга бостириб киргач,

---

<sup>46</sup> Каранг: Гуляев Ф. Нең пророка в своем отечестве // Профиль. 1999. №35. С.76.

қочиб Пешоварга келган, кейинчалик у мужоҳидлар қаторида совет қўшинларига қарши курашган ва бир кўздан ажралган. Мулла Умар тўксонинчи йилларда Пешовардаги мадрасаларда толибларга сабоқ берган.

1993 йили Исломободнинг махсус хизмати икки минг толибдан иборат ҳарбий гуруҳни шакллантиради ва унга етакчи сифатида Мулла Умарни танлайди. Афтидан, бу ҳаракатдан Афғонистонни қайтадан истило қилиши ва ислом давлатлари федерациясини ташкил этиши кўзда тутилган. Толиблар 1997 йилнинг октябрида Афғонистонни ислом амирлиги деб эълон қилишди.

Тиш-тирноғигача қуролланган жоҳил ва шафқатсиз тўданинг давлат тепасига чиқиши, яна уларнинг олдига ислом давлатлари федерацияси ташкил этишдек вазифанинг кўйилиши минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди, албатта.

Толибларнинг террорчилар билан бирикиб кетиши уларнинг узоқни кўра олмайдиган носоғлом ҳаракат бўлганини тасдиқлайди. Улар томонидан содир этилган, ақл бовар қилмайдиган хунрезликлар афғон инқирозини янада кучайтирди, холос.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “тинч ҳаёт ва бунёдкорлик ҳақида тасаввурга эга бўлмаган”, ўқ отишдан, одам ўлдиришдан бошқани билмаган, тушунчаси ўзига яраша бўлган бу қавмнинг давлатни бошқариши, инсониятни ўрта асрга хос тартиблар асосида яшашга ундаши, энг ёмони, ўз хатти-ҳаракатини ҳеч тап тортмай “чин исломга амал” сифатида изоҳлаб келиши кишини сескантиради.

Мактаблар ёқиб юборилади. Кинотеатрлар ва олий ўқув юртлари ёпиб ташланади. Аёлларнинг ўқиши, ишлаши, ёлғиз кўчага чиқиши; эркакларнинг соқолга тиғ теккизиши, видео-ускуналардан фойдаланиш, кўшиқ, рақс ва тасвирий санъатдан баҳра олиш, спорт билан шуғулланиш, ҳатто суратга тушиш ҳам бидъат сифатида таъқиқланади.

“Азия и Африка сегодня” журнали 2000 йил сентябрь сонидида қайд этишича, толиблар 1998 йил 8-9 август кунлари

Мозори Шарифда шиа мазҳабига мансуб бўлгани учун қарийб беш минг ҳазорани сўйиб ташлаган.

Кўриниб турибдики, толибонлар олиб борган мафкуравий ва ғоявий кураш мақсадлари ўз мутаассиблиги, жоҳилоналиги, маънавий ва маърифатга зидлиги жиҳатидан XVIII-XIX асрдаги ваҳҳобийлар курашидан фарқ қилмайди. Улар олиб борган қуролли кураш эса, ўз ёвузлиги ҳамда шафқатсизлиги жиҳатидан замонавий террорчиликнинг энг ашаддий кўринишларидандир.

Тўғри, бундай жоҳилона ва шафқатсиз уруш асосан Афғонистон худудида олиб борилди. Лекин унинг таҳдид кўлами фақат Афғонистон билангина чегараланиб қолмасдан, минтақавий ва халқаро кўламда намоён бўлди ва ҳозир ҳам бундай таҳдид сақланиб қолмоқда, шу жумладан ватанимиз учун ҳам. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги ва мустақиллигига таҳдид солаётган хавфлар тўғрисида тўхталар экан Президент И.А.Каримов шундай деб ёзади: “Яна бир таҳдид манбаи шу билан боғлиқки, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасозлик, нарқобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош”<sup>47</sup>. Фақат Афғонистонда эмас, умуман дунёнинг турли чеккаларида ислом ниқоби остида содир бўлаётган ҳар қандай террорчилик ҳаракатлари ҳам Ўзбекистон учун таҳдид ўчоғи бўлиб қолмоғи табиийдир.

Ҳозирги даврда ислом ниқоби остидаги террорчиликка қарши маънавий, мафкуравий ва ғоявий кураш олиб боришда ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, ислом маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ илмий масалаларни атрофлича ва чуқур тадқиқ этиш бугунги кун фалсафа фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

---

<sup>47</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари. 13-бет.



Ислом дини асрлар давомида ҳаёт фалсафаси бўлганини, у жамият аъзоларини энг юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялагани, инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳалоллик, бошқа миллатлар, динларга эҳтиром, олийжаноб ахлоқни тарғиб қилишни яхши англаб етмоқ, ислом тарихидан хабардор бўлиб айниқса, ватанимиздан етишиб чикқан ислом уламолари, мутафаккирлар ва мутасаввифларнинг исломий маданият тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини ҳар бир фуқаромиз онгига сингдирмоқ юқоридаги вазифани муваффақиятли амалга оширишда ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

### III БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИ ТАРИХИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК, ХАЛҚАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ҒОЯЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ДИНИЙ ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ҒОЯВИЙ АҲАМИЯТИ

#### §1. Ислом манбаларида диний бағрикенгликнинг ақидавий ҳамда ҳуқуқий масалалари ва уларнинг диний экстремизмга қарши курашда мафқуравий аҳамияти

Маълумки, ислом дини фақат ақидалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолмай, балки ушбу динга эътиқод қилувчи халқларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, маърифий ҳаёт тарзи ҳақидаги қонун-қоидалари, кўрсатмалари, панд-насиҳатлари мажмуасидир. Шундай экан, ислом дини, унинг қадриятлари, “Қуръон”, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида ишлаб чиқилган шариат аҳкомлари асрлар давомида мусулмон халқлари, хусусан ўзбек халқи ижтимоий-маънавий ҳаётида ўта муҳим ўрин эгаллаб келган. Биз буни халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган диний бағрикенглик, халқлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, ўзга миллат ва дин вакилларига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, диний муросасозлик каби фазилатларнинг намоён бўлишида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ислом дини қадриятларининг халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган бундай муҳим аҳамиятини таъкидлаб Президентимиз И.А.Каримов шундай деб ёзади: “Шарқ фалсафасининг муҳим бир қисми бўлган ислом маданиятининг ўзбек халқи маънавияти тарихида тутган муҳим ўрни шундаки, у одамларни ахлоқий покликка, маънавий баркамолликка ундаган. Умуминсоний ва маънавий-ахлоқий мезонларга таянган ҳолда кишиларни ҳамжиҳатликка,

тотувликка, адолатга, меҳр-мурувватга, саховатга, сабр-бардошликка чақирган”<sup>1</sup>.

Муҳими шундаки, исломий қадриятларда юқоридаги ахлоқий фазилатларга даъват фақат ушбу динга эътиқод қилувчиларга нисбатан бўлган муносабатлардагина эмас, балки бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга нисбатан бўлган муносабатларда ҳам намоён бўлган. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мусулмон халқлари ижтимоий, ҳуқуқий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, маърифий ҳаёт тарзининг асосий манбаи ҳисобланган “Қуръон”да инсонларнинг турли миллатларга ва динларга мансублиги жихатидан бир-бирларидан фарқ қилишлари табиий эканлиги, лекин бу нарса улар ўртасидаги адоват, низо ва урушлар учун сабаб бўла олмаслиги, зеро Оллоҳ барча инсонларни азиз-мукаррам қилиб яратганлиги, миллатлар ва динлар ўртасидаги тафовут уларнинг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашларига ҳалақит бермаслиги ҳақида кўпгина оятлар мавжуд. Бунинг далили сифатида “Қуръон”дан қуйидаги оятларни келтириш мумкин. “(Аввалда) одамлар фақат бир миллат (яъни бир динда) бўлган эдилар. Сўнгра бўлиниб кетдилар”<sup>2</sup>. Яна: “Агар Оллоҳ хоҳлаганда албатта уларни (яъни барча инсонларни) бир миллат (бир динда Исломда) қилган бўлур эди”<sup>3</sup>.

Демак, инсонларнинг турли динларга эътиқод қилишлари бир-бирларидан фарқланишида Оллоҳ хоҳиши-иродасининг намоён бўлишини назарда тутган ҳолда, бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан қандайдир ғайриинсоний, ғайриахлоқий бир мавжудотга бўлган муносабатда бўлиш жоиз эмас. Шундай экан, бутун башариятга, инсон зотига нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтиром уларга ҳам тааллуқлидир.

Бунинг исботи сифатида “Қуръон Карим”даги Ал-Исро сураси, 70- оятни келтириш мумкин: “Дарҳақиқат, биз одам

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон 1999, 35-бет.

<sup>2</sup> Қуръони Карим. Юнус сураси. 19-оят. Тошкент: Чулпон, 1992. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). 138-бет.

<sup>3</sup> Қуръони Карим. Шуро сураси. 8-оят. 352-бет.

болаларини азиз – мукаррам қилдик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик”<sup>4</sup>. Шуниси муҳимки, “Қуръон”да бутун инсониятнинг бир ота ва бир онадан яратилганлиги ҳақида оят турли миллат, халқ ва элатларнинг бир-бирлари билан ҳамжихатликда яшашларига, дўст-биродар бўлишларига, ҳамкорлик қилишларига муҳим сабаб эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлиши мумкин. Чунончи, “Қуръон”да шундай таъкидланади: “Эй инсонлар. дарҳақиқат, Биз Сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳаво)дан яратдик, ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик”<sup>5</sup>.

Шу ўринда “Қуръони Карим”нинг таржимон, республикамизда илоҳиёт илмининг нуфузли билимдони Аловуддин Мансурнинг ушбу оятга берган куйидаги изоҳини келтириб ўтмоқ жоиз, деб ҳисоблаймиз: “Ушбу оятда Ислом динининг инсоният оламига нисбатан бўлган кўз қараши баён этилгандир. Биринчидан барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандларидир. Иккинчидан инсонларнинг турли элуруғларга бўлинишлари бир-бирлари билан мол-дунё талашиб уруш-жанжал билан умр ўтказишлари учун эмас, балки бир-бирлари билан танишиб, ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ўзлари халифа бўлган заминни обод қилишлари учундир”<sup>6</sup>.

Шу ўринда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир маълумотни келтириб ўтмоқчимиз. Мисрдаги “Айн-Шамс” университетининг рус тили ва адабиёти факультетининг профессорлари Самаёя Муҳаммад Афибий ва Салом ал-Мансийлар томонидан Қоҳирада нашр қилинган “Қуръон Каримнинг араб ва рус тилларида қисқача тафсири” (яъни изоҳли таржима)да юқорида келтирилган оят изоҳнинг маъноси ҳам Аловуддин Мансур таржимаси ва изоҳига яқиндир. Фикримизнинг ишончли бўлиши учун ушбу тафсир (изоҳли таржима)нинг рус тилидаги матнини келтириб ўтишни

<sup>4</sup> Қуръони Карим. Ал-Исро сураси. 70-оят, 201-бет.

<sup>5</sup> Қуръони Карим. Хужурот сураси. 13-оят, 392-бет.

<sup>6</sup> Уша жойда.

лозим кўрдик: “О люди! Мў сотворили вас равнўми от одного мужчинў и от одной женчинў – Адама и Хаввў и, размножив вас, сделали многими народами и разнўми племенами, чтобы вў знали друг друга и сотрудничали друг с другом”<sup>7</sup>.

Умумбашарий маънавий аҳамиятга эга бўлган ушбу оят ғоялари бир томондан турли динга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида адоват уругини сочувчи диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда муҳим мафкуравий қурол бўлиши мумкин. Иккинчи томондан ислом дини ҳамма вақт бошқа динга мансуб халқларга нисбатан тажовузкор муросасиз муносабатда бўлган деб уқтирувчи айрим ислом муҳолифларининг даъволарига қарши ғоявий курашда ҳам муҳим мафкуравий аҳамият касб этиши мумкин. Бундай даъволар ўтмишда ҳам ҳозир ҳам фақат айрим мафкуравий ва сиёсий ғаразлар нуктаи назаридан ўртага ташлангани маълум. Бу даъволар оқибатда фожиали натижаларга олиб келиши мумкинлигини Президент Каримов И.А. шундай деб ёзади: “... Башарти кимда-ким исломни ва исломий маданият давлатларини янги “ёвузлик салтанати” ва ялпи хавф-хатар ҳудуди деб тасаввур қилса, бу ҳол ХХI асрнинг бутун келажак тарихи учун фожеали хато бўлур эди”<sup>8</sup>.

Юртбошимизнинг ушбу мулоҳазалари юқорида кўрсатилган ҳар икки жабҳадаги ғоявий ва мафкуравий муҳолифларимизга қарши курашда муҳим аҳамиятга эгадир.

“Қуръон” оятларида инсонларнинг турли динларга эътиқод қилишлари Оллоҳнинг хоҳиши билан амалга ошганлиги туфайли уларни мажбурлаб исломга киритиш жоиз эмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам мавжуд. Чунончи, “Юнус” сурасининг 99-оятда шундай дейилади: “Агар Парвардигорингиз хоҳласа эди, бутун Ер юзидаги барча кишилар иймон келтирган бўлур эдилар. Ахир сиз одамларни мўъмин бўлишга мажбур қилурмисиз?”<sup>9</sup>. Кўриниб турибдики,

<sup>7</sup> Толкование священного Корана на арабском и русском языках. 1420, Хиджры (2000) 4 р. 1045.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Узбекистон ХХI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 48-бет.

<sup>9</sup> Қуръони Карим Юнус сураси. 99-оят. 195-бет.

исломда зўрлаб динга киритиш мумкин эмаслиги, зеро кишининг ўз ихтиёри билан келтирган иймонгина ҳақиқий мақбул иймон эканлиги ҳақида фикр юритилаяпти. Шундай экан, динга даъват қилиш уруш, қатл, мажбурлаш, жисмоний жазолаш йўли билан эмас, балки энг аввало, доно фикр-мулоҳазалар, чиройли панд-насиҳатлар орқали амалга оширилиши жоизлиги ҳақида “Қуръон”да оятлар келтирилади. Масалан, “Наҳл” сурасининг 125-оятда шундай дейилади: “(Эй Муҳаммад), Парвардигорингизнинг йўли –динга донолик-ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг!”<sup>10</sup> Шундай экан дин учун одамларга зўрлик қилиш, зулм ўтказиш, уларни қатл қилиш мумкин эмаслиги, Оллоҳ Таолло дин йўлига кирувчиларни ҳам, адашиб юрувчиларни ҳам яхши билувчи зот эканлиги ҳақида ушбу оятнинг давомида шундай дейилади: “Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билур ва У зот хидоят топувчи кишиларни ҳам жуда яхши билур”<sup>11</sup>.

Қуръоннинг бир неча оятларида қайси миллатга ва диний эътиқодга мансублигидан қатъий назар, беғуноҳ одамни қатл қилиш қаттиқ қораланади. Бутун бир халққа, қавмга нисбатан қатағон урушини олиб боришгина эмас, ҳатто бир беғуноҳ одамни қатл қилиш ҳам бутун жамиятга, инсониятга нисбатан қилинган даҳшатли бир ёвузлик сифатида қораланади: “Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва срда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак, барча одамларга ҳаёт берибди”<sup>12</sup>.

Шу муносабат билан биз юқоридаги саҳифаларда эслатиб ўтганимиз Аловуддин Мансурнинг ушбу оятга берган қуйидаги изоҳи асосли деб ҳисоблаймиз: “Мазкур оятда

<sup>10</sup> Қуръони Карим Наҳл сураси . 125-оят, 195-бет.

<sup>11</sup> Қуръони Карим. Ўша ерда.

<sup>12</sup> Қуръони Карим Моида сураси. 32-оят. 76-бет.

оддий инсонийлик нуқтаи назаридан ёвузлик, ҳукукий нуқтаи назардан жинойт ҳисобланиши ҳақида қатор ҳадислар мавжуддир. Чунончи, “Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки ноҳақ одам ўлдирғайдур, Одам алайҳиссаломнинг (инсоният тарихида биринчи бўлиб одам ўлдирган) тўнғич ўғиллари (Қобилнинг гуноҳини бўйнига олган бўлур)”- дедилар”<sup>16</sup>.

Ривоят қилишларича, Қобил ўз биродари Ҳобилни ўлдирган. Шунинг учун Оллоҳ олдида энг олий гуноҳкорлик, инсоният наздида энг ёвуз жинойтчилик рамзи сифатида ўзбек мумтоз адабиётининг саҳифаларида ҳам каттик қораланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шуниси муҳимки, ҳадисларда келтирилишича, ноҳақ одам ўлдириш фақат охиратда Оллоҳ томонидан кечириб бўлмайдиган гуноҳ деб ҳисобланиши билан бирга бу дунёда одамлар томонидан ҳам кечириб бўлмайдиган жинойтдир. Ушбу фикрга далил сифатида қуйидаги ҳадисларни келтириш мумкин: “Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: “Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат уни инсонлардан даставвал тўкилган қон ҳақида сўралиб, ҳукм чиқарилғайдур”, - дедилар.”<sup>17</sup>

Абдуллоҳ Ибн Умар: “Қутулиб бўлмайдирган ҳолатлардан бири – кишининг ноҳақ қон тўкиб қўйган ҳолатидир”, - дедилар.<sup>18</sup> Албатта, динларнинг, шу жумладан ислом динининг вужудга келиши, бошқа халқларга қабул қилдирилиши тарихида муайян ижтимоий-сиёсий, ҳарбий шароитлар ва мақсадлар тақозоси билан урушлар, ноҳақ қон тўкишлар бўлган. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин шу билан бирга бундай қон тўкишлар ноҳақ бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилишсагина ушбу хатти-ҳаракатлар маънавий жиҳатдан қораланмаслиги ҳақида ҳам ҳадислар мавжуддир. Бу ҳақда қуйидаги ҳадисни келтириш мумкин: “Ибн Умар ривоят қиладилар: “Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ноҳақ

<sup>16</sup> Ҳадис. VI жилд. Тошкент. 1992. 316 -бет.

<sup>17</sup> Ҳадис. IV жилд. 315-бет

<sup>18</sup> Уша ерда.

қон тўкмаган мўмин ўз динида доимо роҳатланиб юргайдур”- дедилар”<sup>19</sup>.

Ушбу ҳадис мазмунидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳатто гўё ислом учун ғазотга киритилган жангда ҳам, ноҳақ қон тўкмасликка ҳаракат қилиш зарур.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги замон диний фундаментализм, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг турли самарали воситаларидан бири сифатида исломий кадриятларнинг юқоридаги саҳифаларда баён қилинган ғоялардан фойдаланиш ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиздир.

Ислом мафқурасининг ташқи сиёсатга оид нуқтаи-назарига келсак, унда мусулмонларга, агар керак бўлса ўзга диндагилар билан ислом шариатига мувофиқ шартномалар тузишга ҳам руҳсат берилган. “Қуръон”да мусулмонларга ўз душманлари билан тузган аҳдноmani қарама-қарши томон бузмагунича ёки бузишга мажбур қилингунича бузмасликни, агар аҳднома бузиладиган бўлса, бу ҳақда ошқора маълум қилишларини буюради.

Худди шулар туфайли ўрта асрлардаёқ мусулмон ва ғайридин мамлакатлар ўртасида тинчлик-омонлик ўрнатиш, савдо ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш борасида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган имкониятлар пайдо бўлган бўлса, иккинчи томондан, мусулмон ва ғайридин халқлари ўртасида катта гоъвий аҳамиятга эга бўлган ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлаш имконияти туғилган. Бунинг исботини ўзбек халқи тарихида хусусан Амир Темур давлатчилик фаолиятида кўришимиз мумкин. Амир Темур ўз давлатчилик фаолиятида турли динга ва миллатга мансуб давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор берган ва бу борада улкан муваффақиятга ҳам эришган. Буни Президентимиз фахр билан таъкидлайди: “Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки,

---

<sup>19</sup> Ўша ерда.



унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўскинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий мурасага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий кадриятлардир”<sup>20</sup>.

Ҳозирги кунда ҳам жуда кўп мусулмон мамлакатлари, шу жумладан аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон ҳам, бошқа динларга эътиқод қилувчи халқлар яшовчи жаҳоннинг турли мамлакатлари билан ушбу анъаналарни давом эттириб дўстона алоқалар ўрнатганлар, тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда яшаш имкониятини берувчи тинчликсевар сиёсат олиб бормоқдалар, кенг қўламда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилмоқдалар. Шуни ҳам таъкидламоқ зарурки, илк ўрта асрлардаёқ мусулмон мамлакатларининг қонунчилигида, ушбу мамлакатларда яшовчи бошқа дин вакилларига бўлган ички сиёсат масаласида ҳам диний муросасизлик инкор қилиниб, унинг ўрнига диний бағрикенгликнинг ажойиб намунаси булган қонунчилик, шариат ҳукмлари ишлаб чиқилган. Чунончи, мусулмон мамлакатларида яшовчи бошқа динга эътиқод қилувчиларни “зиммий”лар деб аталиб, шариат ҳукми бўйича уларнинг ҳамма моддий ва маънавий ҳуқуқлари яъни мол-мулки, ҳаёти, диний эътиқоди урф-одатлари, тили, маданий мерослари даҳлсизлигини таъминлашни мусулмон мамлакати ўз зиммаси (зиммий сўзининг ўзаги ҳам шу сўздан келиб чиққан - СН)га олиши мусулмон қонунчилиги (фикх)да қайд этилган”<sup>21</sup>.

<sup>20</sup> Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. || Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 342-бет.

<sup>21</sup> Каранг: Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. С. 27-28.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ўрта асрлардаёк мусулмон халклари, шу жумладан Марказий Осиё халклари ижтимоий-сиёсий тафаккурида маълум даражада диний мурасосозлик ва бағрикенгликнинг ҳуқуқий асослари ҳам ишлаб чиқилган.

Бунинг исботи сифатида мусулмон қонунчилигининг энг нуфузли асосчиси, ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг(1123-1197) бутун мусулмон дунёсида ўрта асрлардан бошлаб то шу давргача мусулмон қонунчилиги бўйича энг муътабар манба ҳисобланувчи “Ҳидоя” асаридан айрим фикрларни келтириш мумкин. Чунончи, исломнинг бешта фарзларидан бири бўлган “закот”ни олишга ислом динига эътиқод қилувчилар ҳақли деб ҳукм чиқарилган бўлса-да, бошқа динга эътиқод қилувчилар ичида ҳам моддий ёрдамга мухтож кишиларга хайр-эҳсон, садақанинг бошқа ҳамма турлари берилиши мумкин, деб ҳукм чиқарилади: “Расулulloҳ (САВ) Муозга (р.а.) “Мусулмонларнинг бойларидан закотни олгин ва уни уларнинг (мусулмонларнинг) фақирларига бергин”, - деган эдилар. Зиммийга закотдан бошқа садақалардан (яъни фитр<sup>22</sup> садақаси, ушр ва каффоратлардан)<sup>23</sup> берилади. Бизнинг далилимиз Расулulloҳнинг (САВ) “Барча динларнинг аҳлларига садақа бераверинглар”,-деган ҳадисларидир. Агар Муозга (Р.А.) Расулulloҳнинг (САВ) юқорида зикр қилинган ҳадислари бўлмаганида эди, зиммийларга ҳаттоки, закотдан ҳам бериш мумкин, - деб айтар эдик.<sup>24</sup>

Шу муносабат билан тадқиқотчи М.О.Усмоновнинг қуйидаги асосли фикрларига тўлиқ қўшиламыз: “Марғинонийнинг фикрлари катта маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, маълум даражада ғоявий ва сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, уларда биринчидан инсонпарварлик, инсоний мурувват, меҳр-шафқат нуқтаи назаридан фикр юритилаётган бўлса, иккинчидан, бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг

<sup>22</sup> Фитр-рамоzon ойининг охирида бериладиган жон садақаси.

<sup>23</sup> Каффорат-англамасдан бирор гуноҳ қилиб қуйганлиги учун бериладиган садақа.

<sup>24</sup> З.Бурҳониддин Марғиноний. “Ҳидоя”. 1 жилд. Закот китоби. Тошкент: 2002. 406-бет.

ислом давлатида нафақат моли ва жони ҳимояга олинishi ҳақида, шу билан бирга уларда моддий ёрдамга эҳтиёж сезилганида ҳам ҳимояга олинishi ҳақида ҳукм чиқарилаяпти. Шунингдек, азалдан халқимизга хос диний бағрикенглик маълум даражада ҳуқуқий томондан ҳам эътироф этилмоқда. Бу жиҳатдан аллома қарашлари кўп миллатли республикамизда миллатлараро ва динлараро тотувликни яна ҳам мустаҳкамлашда ва ҳатто ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда катта ғоявий аҳамият касб этиши, шубҳасиз”<sup>25</sup>.

Шу билан бирга мусулмон қонуншунослиги бўйича мусулмон давлатига савдо ёки бошқа бирор сабаб билан қирган ғайридин давлати фуқароси омонлик, яъни ҳимояга қафолат олиши шарт. Маргинонийнинг таъкидлашича, ғайридин давлатига бирор сабаб билан қирган мусулмон давлатлари фуқароси ҳам худди шундай омонлик, яъни ҳимояга қафолат олиш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, ўрта асрлардаёқ турли динга эътиқод қилувчи давлатлар ўртасида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлган ва бунга катъий риоя қилиш талаб этилган. Шундай экан, ҳар икки ҳолда ҳам бир хил қонун-қоидага амал қилинган. Бу ҳақда “Ҳидоя”дан қуйидаги фикрларни келтириш мумкин: “Мусулмонлардан бирор киши омонлик (ҳимояга қафолат) олиб дорул харбга (ғайридин юртига) борса ва бу ғайридинларнинг бирортасининг ҳовлисида рикоз(бойлик) топиб олса, бу бойликни ўз эгасига қайтариб бериши лозим. Шундай қилса, хиёнатдан йироқ бўлади. Зеро, ислом хиёнатдан қайтаради, унга хиёнат қилмаслик шарти билан омонлик берилган”<sup>26</sup>.

Ушбу ҳолат ўрта асрлардаёқ бир томондан, мусулмон ва ғайридин мамлакатлари ўртасида тинчлик-омонлик ўрнатиш, иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантириш борасида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бўлса, иккинчи томондан,

<sup>25</sup> Миржалол Усмонов. Бурҳониддин Маргинонийнинг “Ҳидоя” асарида диний бағрикенгликнинг айрим масаллари. [Маърифат. 19 июль, 2003.

<sup>26</sup> Закоат китоби .|| Ҳидоя. I жилд, 38-бет.

мусулмон ва ғайридин халқлари ўртасида ўзаро ишонч, хурмат-эҳтиром ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлашда катта маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Шу муносабат билан Марғинонийнинг бошқа динга эътиқод килувчиларга нисбатан диний бағрикенглик ҳис-туйғуси билан ёндашишнинг маънавий асослари ҳақидаги қуйидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовордир. “Улар мусулмонларнинг барча молларини олиб қўйган тақдирда ҳам бизлар уларнинг барча молини олмаймиз. Чунки барча молни олиб қўйиш биз мусулмонларнинг шаънига лойиқ эмасдир. Агар улар бизлардан ҳеч нарса олмайган бўлсалар, бизлар ҳам ҳеч нарса олмаймиз. Шунда улар ҳам бизнинг тижоратчилардан тўлов олмайдилар. Зеро, биз мусулмонлар макорими ахлоқ (ақори ахлоқ) соҳиби бўлишга лойиқ кишилармиз.”<sup>26</sup>

Демак, мусулмон ҳуқуқшунослигида, хусусан ватандошимиз Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида диний бағрикенгликнинг нафақат ҳуқуқий асослари, шу билан бирга унинг маънавий-ахлоқий томонларига ҳам катта аҳамият берилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари, шу жумладан, унинг закот ва солиқ ҳақидаги ҳукмлари ўзининг реал ҳаёт шароитига мосланганлиги, инсонпарварлик ғояларига таянганлиги туфайли бир томондан асрлар давомида кўпгина фақиҳлар таълимоти учун ғоявий манба бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, айрим ҳукмдорлар томонидан давлатчилик ишларида энг мақбул ва нуфузли шариат қўлланмаси бўлиб хизмат қилди. “Ҳидоя”га ана шундай асосий манба сифатида таяниб, ундан улкан ғоявий озуқа олиб, мусулмон қонунчилиги бўйича туркий тилда асар яратган уни ўз давлатчилик фаолиятида қўллашга ҳаракат қилган улкан давлат арбоби, маърифатли подшоҳ, истеъдодли шоир ва йирик олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1493-1530) дир.

<sup>26</sup> “Ҳидоя”. Закот китоби. I жилд. 329-380-бетлар.

Бобур Маргинонийдан катта ғоявий озуқа олган ҳолда, ушбу ғояларни баён килур экан, уларни Ўз мамлакатадаги давлатчилик фаолиятида амалий қўллашга ҳаракат қилган ва айтиш мумкинки, бу борада маълум муваффақиятларга ҳам эришган. Ўрта асрга мансуб қатор манбаларда ҳам, уларга оид тадқиқотларда ҳам бу ҳақда ишончли маълумотлар бор. Бу нафақат турли ирққа, миллат ва диний эътиқодга мансуб халқлар яшовчи Ҳиндистондек улкан мамлакатда нисбатан ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланишида, шу билан бирга ўрта асрларда кўпгина мусулмон ва ғайридин давлатлари ўртасида турли иқтисодий, сиёсий ва дипломатик муносабатларнинг вужудга келиши ва маълум даражада барқарорлашуви учун катта сиёсий ва ғоявий аҳамият касб этди.

Бу нарса демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга интилаётган кўпмиллатли Ўзбекистоннинг ҳозирги шароити учун ҳам муҳим ғоявий ва сиёсий қимматга эга. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "...Башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасида мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда"<sup>27</sup>.

Юқоридаги саҳифаларда баён қилинган хулосаларни, фикр-мулоҳазаларни, манбалардан келтирилган маълумотларни умумлаштириб айтиш мумкинки, республикамизда диний фундаментализм ва терроризмнинг тарқалиши, унга қарши самарали курашишнинг нафақат сиёсий, маъмурий ва ҳуқуқий воситалари, шу билан бирга ўрта асрлардаёқ шаклланган ва бой анъаналарга эга бўлган ғоявий ва маънавий воситалари ҳам мавжуддир. Булар илк ўрта асрлардан оқ халқимиз маънавиятининг ажралмас ва муҳим саҳифаларини ташкил этувчи Қуръони Карим оятлари ва уларда ифодаланган ғоялар, диёримиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Замаҳшарий каби

<sup>27</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 128-129-бетлар.

муҳаддисларимизнинг асарларидаги улкан маънавий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазалар, буюк ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” ва бошқа асарларида чиқарилган шариат қоидаларидир. Улар диний фундаментализм, экстермизм ва маълум даражада диний муросасизлик асосида вужудга келган терроризмнинг диний эътиқод нуқтаи назаридан ҳам асоссиз эканлигидан далолат беради.

Нафақат бизнинг республикамызда, балки бутун дунёда тинчлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, миллатлараро тотувлик ва мамлакатлараро ҳамкорлик, динлараро ишонч ва ҳурмат-эҳтиромга таҳдид солувчи диний фундаментализмни назарий жиҳатдан фош қилишда мустақиллик мафқурасининг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифани амалга оширишда маънавий меросимизнинг ушбу қирраларидан унумли фойдаланмоғимиз зарур.

Ватанимыздан етишиб чиққан диний дунёқараш ва комусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк аллома ва мутафаккирларимиз эса, ўрта асрлардаёқ халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, мамлакатлараро ҳамкорлик, динлараро ишонч ва ҳурмат- эҳтиромнинг ижтимоий, назарий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий томонларини ишлаб чиқдилар.

## **§2. Марказий Осиё мутафаккирларининг халқлараро ҳамкорлик ва дўстлик гояларининг диний экстремизмга қарши курашда назарий-фалсафий аҳамияти**

Марказий Осиё ўрта асрлар ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида диний мутаассиблик ва адоватга қарши халқаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик ва ўзаро ишонч, турли динга эътиқод қилувчи мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликка интилиш жараёнлари, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жабҳаларда маълум натижаларга эришишга ўша даврларда вужудга келган

назарий-фалсафий ва маънавий-ахлокий ғояларнинг ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Диннинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий моҳиятига давр ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий шароити нуқтаи назаридан ёндошиш, унинг кадриятларини реал ҳаёт шароитларига тадбиқ қилиш Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихида илк ўрта асрлардаёқ ўзининг бой анъаналарига эга бўлган. У ислом динининг ижтимоий-маънавий моҳият сифатида жамият учун улкан аҳамиятини кўрсатган ҳолда, унинг жамият учун асосий хизмати энг аввало фуқароларни юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялаш, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка даъват қилиш ва оқибатда жамиятда барқарорлик, одамлар ўртасида тинчлик-омонлик ва тотувликни таъминлаш ҳисоблаганлар. Улар халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик, адоват ҳис- туйғуларининг кучайишига сабаб бўлувчи диний мутаассиблик ва адоватни каттик қоралаб, диний бағрикенглик ва муросасозлик ғояларини илгари сурганлар. Динга бундай ёндошув анъаналари ўрта асрларда ушбу ғояларни ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётда амалий қўллашга ҳаракат қилиш билан яна ҳам мустаҳкамланди.

Халқлар ўртасида тинчлик, тотувлик муносабатини ўрнатиш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш ғоясини изчил ишлаб чиққан ва уни назарий-фалсафий асослашга ҳаракат қилган буюк мутафаккирлардан бири, ватандошимиз Абу Наср Форобий (873-950)дир. Форобий ўзининг кўпгина асарларида, хусусан, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”, “Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида” рисоаларида инсон жамоаларининг келиб чиқишининг тарихий ва ижтимоий сабабларини кўрсатар экан, энг аввало инсонларни бир-бирининг ёрдамсиз яшай олмаслиги, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамгина инсон жамоаларининг вужудга келишининг ҳам, жамият барқарорлиги ва унинг раванқ топишининг ҳам энг асосий сабабидир, деб кўрсатади. Бу ҳақда Форобий шундай деб ёзади: “Инсон ўз табиати жиҳатидан шундай таркиб топганки, ўзининг мавжудлиги ва олий даражадаги камолотга

эришуви учун кўп нарсаларга мухтождир. У буларнинг барчасига бир ўзи эриша олмайди ва уларга эришиш учун кишиларнинг қандайдир жамоасига мухтож. Бу жамоанинг ҳар бир аъзоси у мухтож бўлган нарсаларнинг бирортаси билан уни таъминлайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам бир-бирларига нисбатан худди шундай ҳолатда бўладилар. Мана шу сабабли, бир-бирига ёрдам берувчи жуда кўп кишиларнинг бирлашуви орқали инсон ўзи интилган камолотга эришуви мумкин<sup>28</sup>. Демак, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, ёрдам ҳис-туйғулари орқали инсонлар бир-бирлари билан бирлашган жамоадагина нафақат ўзларининг моддий эҳтиёжларини, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам кондирадилар ва бунинг натижасида ҳар бир инсон ва бутун жамоа маънавий камолотга эришади.

Иккинчидан, инсонларнинг жамият бўлиб яшашга, бирор кишилик жамоасига бирлашиш сабаби уларнинг қайси ирк, миллат ёки динга мансублиги эмас, балки уларнинг ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка мухтожлиги билан изоҳланиши шарт. Албатта, мутафаккирнинг бу ғояси бир томондан жамиятнинг асл моҳияти, жамиятда унинг ҳар бир аъзосининг тугган ўрни, бурчи ва вазифасини кўрсатувчи маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган ғоя бўлса, иккинчи томондан инсонларни ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка даъват қилувчи ғоявий-сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлган ғоядир.

Жамият ҳақидаги Форобий ғояларининг яна бир муҳим маънавий-ахлоқий ва ғоявий-сиёсий аҳамияти шундаки, у инсон жамоаларини ўз моҳияти, мақсади, интилишлари жиҳатидан фозил жамоа (мадинат ул-фозила) ва жоҳил жамоа (мадинат— ул-жаҳила)га ажратар экан, уларни бир-биридан фарқлантирувчи омил ҳам уларда яшовчи фуқароларнинг қайси миллатга ва диний эътиқодга мансублиги эмас, балки ушбу жамоа аъзоларининг ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка бўлган муносабатларидир. Масалан, бу ҳақда мутафаккир шундай деб ёзади: “Фозил шаҳар ўзига таянган, табиатан

<sup>28</sup> Қаранг: Хайруллаев М.М. Форобий. Тошкент: 1975. 302-303-бетлар.



соғлом бўлган инсонлар гуруҳидан иборатки, уларнинг ҳар бири бахт-саодатга етказиш мумкин бўлган тушунчаларни қабул қилиб, бу йўлни бир-бирларига ҳамкорлик қилиш йўли ила муштарак равишда босиб ўтадилар. Фозил шаҳарда инсонларнинг ўзаро алоқаси учун восита ва уларни бирлаштирувчи нарса “Умумий ашёлар” тўғрисидаги “умумий қараш” бўлиб, мазкур қарашларнинг ўзи “умумий фаолият”га айланган, яъни ягона ашёга нисбатан илм ва амал шаҳар аҳолисининг умумий хусусияти бўлиб қолгандир... Шаҳар аҳли руҳан бир вужудга айланади. Аҳоли учун замон ва маконнинг аҳамияти қолмайди, чунки у яхлит бир бутунликни ташкил этади. Зеро, бундай ҳолда шаҳардаги ҳар бир “киши” ўз борлигини “инсонийликка” бағишлайдики, оқибатда фазилат занжири азалдан абадга қадар давом этади. Шаҳар аҳолиси бўлинмас бир бутунликка ва руҳан ягона бир жавҳарга айланадики, унда бошқарувдан тортиб хизмат кўрсатишга қадар босқичлар тизими мавжуд бўлади”<sup>29</sup>.

Демак, мутафаккирларнинг таъкидлашича, фозил жамоа аҳолисининг тинч-тотувликда, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилиши бир томондан жамиятдаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан уларнинг ягона мақсад сари бир тану бир жон бўлиб, жамоанинг умумий фаравонлиги учун ҳаракат қилишларига олиб келади. Зеро, “умумий ашёлар” ҳақидаги “умумий қарашлар” уларни “умумий фаолият”га олиб келади. Ушбу фикрлардан келиб чиқадиган яна бир хулоса шуки, бундай жамоа фуқароларининг энг асосий фазилати уларнинг ирқий, миллий, диний нуфузида эмас, балки ўз борлигини “инсонийлик”ка бағишлаш яъни умумбашарий аҳамиятга молик маънавий камолотга интилишдир. Мана шундай ҳолдаги жамиятнинг ҳамма фуқаролари жисмонан бир бутунликка, маънавий жиҳатдан руҳий жавҳарга айланадилар.

Муҳими шундаки, Форобийнинг таъкидлашича, бундай жамоа аҳолиси турли ирқ, миллат, дин, урф-одатлар,

<sup>29</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Тошкент: Ёзувчи, 2001. 27-28-бетлар.

анъаналарга мансуб бўлган кишилардан иборат бўлиши мумкин. Чунки, “Бундай шаҳар аҳолиси умумий кондошлик, яшаш макони, ирки ва урф-одатларининг муштараклиги асосидагина бир ерга тўпланган эмас. Зеро, фозил шаҳарда бу айтилган омиллардан ҳеч бири йўқ ёки уларнинг бўлиши шаҳарнинг афзаллиги ёхуд бирор имтиёзи борлигини белгиламайди”<sup>30</sup>.

Форобийнинг ушбу фикрларини ҳозирги даврда республикамызда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ўзгаришлар жараёнига, хусусан миллий ва диний қадриятларимиз қайта тикланаётган шароитга тадбиқ қилар эканмиз исломни ташқаридан “импорт” қилиш, унга сиёсий тус беришга интилаётган ҳар қандай уринишларнинг сиёсий ва ғоявий жиҳатдан ҳам асоссиз эканлиги аниқ бўлади. Бунда Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги фикрларига алоҳида эътибор бермоқ керак: “Ислом миллий анъаналарининг, ислом маданиятининг Тикланиш жараёни исломни ташқаридан ҳар қандай “импорт” қилишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатга ислом руҳини бахш этишдан воз кечиш тўғри эканлигини кўрсатади. Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали – Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлокий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас”<sup>31</sup>.

Шунинг учун ҳам мутафаккирнинг юқоридаги ғояларини республикамыз фуқароларининг тафакқурига ҳар томонлама сингдириш кўп миллатли мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилган ҳолда, халқимиз онгини диний фундаментализм ва экстремизм ғоялари билан заҳарлашга ҳаракат қилаётган ваҳҳобийлар ва бошқа бузгунчи террористик гуруҳларга қарши курашда ҳам улкан ғоявий ва

<sup>30</sup> Ўша асар. 2001.29-бет.

<sup>31</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. 144-145-бетлар.

сиёсий аҳамиятга эгадир. Қандай омил фозил шаҳар аҳолиси салоҳиятининг мустаҳкамлигига сабаб бўлади? Бу инсонларни ягона бир бутунликда бўлган “фозил шаҳар” номи остига тўпланишида умумий омил нима? “Фозил шаҳар”даги аҳолининг тўпланиш асоси нимада ва у бошқа маданий жамоалар уюшмасидан қайси омилларга кўра фарқ қилади? Бу саволларга жавоб бериб, мутафаккир шундай деб ёзади: “Ҳар қандай ирқий қон-қариндошлик, ирсий, ягона раҳбарлик, шартнома, урф-одат ва тилдаги маданий умумийлик, ягона ҳудудда яшаш, бошқа қабилалар устидан ғалабага эришиш ва бошқа омиллар ягона миллат номи билан бирлашишга сабаб бўлиши мумкин, бироқ буларнинг ҳаммаси жаҳолатдан нишонадир. Фозил шаҳарнинг бошқа шаҳарлардан моҳиятан фарқи унда илоҳий маърифат ва унинг иймоний эътиқод занжирлари ва бу илмдан кейин турувчи инсоний ахлоқ ва фазилатларга амал қилинишидир”<sup>32</sup>.

Форобийнинг ушбу фикрлари турли ирққа, миллатга ва динга мансублик адоват, уруш, низолар ҳеч қандай тарихий, ижтимоий, маданий-маънавий илдизга эга эмаслигини исботлаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган назарий асос ҳамдир. Ҳар қандай жамият ҳақиқий фазилати ва бошқалардан ажралиб турувчи сифати ўша жамият, миллатнинг, иқтисодий ва ҳарбий куч-қудрати нуфузида эмас, балки ушбу жамият фуқароларининг илм-маърифат, инсоний ахлоқ ва фазилатларга эришганлигидадир.

Форобий фозил шаҳар — давлатни соғлом инсон танасига ўхшатади. Бу тананинг ҳамма аъзолари тананинг соғлигини ва камолотини таъминлаш учун бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлганликлари ва бир-бирларига ёрдам берганликлари каби фозил шаҳар-давлатнинг фуқаролари ҳам бир-бирларига боғлиқдирлар. Уларнинг ҳар бири маълум мавқега эга ва маълум вазифаларни амалга оширадилар<sup>33</sup>.

<sup>32</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Тошкент: Ёзувчи, 2001. 33-34-бетлар.

<sup>33</sup> Уша асар. 2001. 29-бет

Мутафаккир фикрларининг ҳозирги давримиз учун ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари устувор бўлган жамиятда ҳар томонлама мустаҳкам ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади. Бундай шароитнинг вужудга келиши эса, жамиятда иктисодий ва маънавий равангни белгиловчи омиллардан бирига айланади.

Албатта, Форобий илк ўрта асрларда халқлараро тотувлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини ўртага ташлаган ягона мутафаккир эмасдир. Илк ўрта асрларда ушбу масалаларда унга ҳамфикр бўлган мутафаккирлар Марказий Осиёда кўп эди. Улардан бири қомусий олим ва инсонпарвар мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973-1048)дир.

Бу борада Беруний маънавий мероси, асарларининг қиммати, билдирган фикр-мулоҳазаларининг илмий аҳамияти аввало шундаки, у Буюк Ипак йўлида жойлашган Ватанимиз ҳудудида азал-азалдан турли халқлар аралаш яшаб келганлиги, миллий ва диний бағрикенглик ўзбек халқининг муҳим фазилатларидан бири бўлганлиги ҳақида тарихий маълумотлар келтиради. Чунончи, Беруний ўз асарларида Урганч шаҳрида бундан минг йиллар бурун ҳам яҳудийлар маҳаллалари, христиан черковлари, араб, ҳинд, хитой, славян халқлари уюшиб истиқомат қилган алоҳида маҳаллалар мавжудлигини айтиб ўтган. Берунийнинг таъкидлашича, одамлар бир-бирларига ёрдам бериши учун турмушга зарур бўлган нарсаларни яратишда ва ҳар қандай офатлардан сақланиш мақсадида бир-бирлари билан ҳамкор, ҳамдард, ҳамдаст бўлиши учун озод, тинч нафас олиш ва хавф-хатарсиз яшаш учун жамиятга уюшганлар. Инсон жамоаларининг вужудга келишининг асосий сабаби ҳам ана шу ўзаро ёрдам, ҳамдардлик, ҳамнафасликдир. Шу билан бирга Беруний инсонпарвар мутафаккир сифатида бу ҳолат ва тартиб кейинчалик турли ғоратчилик, талончилик, душманликлар натижасида бузилганлигини кўрсатади. Масалан, Беруний “Минералогия” асарида шундай деб ёзади: “Инсон эҳтиёжлари шу даражада хилма-хилки, унинг бир ўзи уларни қондира

олмайди. Уларни кондириш учун битта ёрдамчи ҳам кифоя қилмайди. Эҳтиёжлар хилма-хил ва жуда кўп. Фақат бир қанча одамлардан ташкил топган жамоа билангина уларни кондириш мумкин. Бунинг учун эса одамлар шаҳарлар бунёд қилишга мухтождирлар”. Олим ўзининг ушбу фикрларини “Геодезия” асарида ҳам таъкидлаб ўтади: “Ва ... (инсон) эҳтиёжларининг кўплиги ва ундан ўзни тийиш (имконияти)нинг камлиги, ўзини ҳимоя қилиш воситаларининг камлиги, ва душманларнинг кўплиги туфайли ўз ҳамжинслари билан жамиятда уюшишга эга бўлганки, бу жамиятда унинг ҳар бир аъзоси бир-бирларига ўзаро ёрдам муносабатида бўладилар, унинг ва бошқаларнинг ҳам эҳтиёжларини кондирадиган иш билан машғул бўладилар”<sup>34</sup>.

Биз таҳлил қилаётган мавзу бўйича Беруний маънавий мероси ва дунёқарашининг ғоявий аҳамиятини ёритиб беришга хизмат қиладиган масалалардан бири – энг аввало, Беруний дин деганда нимани тушунганлигини аниқлашдир. Бу ҳақда тадқиқотчилар А.Б.Холидов ва Б.Т.Эрманлар куйидаги фикрни айтадилар: “Динга Беруний ўша давр қарашларидан келиб чиқиб, кенг маъно беради ва уни маънавий ҳаётнинг бутун мажмуи, ҳатто инсон амалий ҳаётининг кўп соҳалари деб тушунади”<sup>35</sup>.

Мазкур тадқиқотчиларнинг ушбу фикрларига ўз муносабатини билдирар экан, Беруний фалсафий қарашларининг йирик тадқиқотчиси А.Ж.Шарипов: “Ҳиндистон” асарига сўз боши ёзган муаллифлар ўз таърифлари билан динни англашда Берунийнинг рационалистик тенденцияларини таъкидламокчи бўлишгандир. Агар бундай маънода бўлса, улар тамомила ҳақлар”,<sup>36</sup> - деган хулосага келади.

Агар биз ушбу бобнинг биринчи бўлимида келтириб ўтган Президентимизнинг “Жамият ҳаётининг бир қисми

<sup>34</sup> Қаранг : Абу Райхан Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояния между населенными пунктами. (“Геодезия”) Т. III. Ташкент: 1966. С. 83.

<sup>35</sup> Қаранг: Халидов А.Б, Эрман Б.Т. Предисловие к “Индии” Беруни. Индия. Т. II. М.: 1963. С.47.

<sup>36</sup> Урта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. Тошкент: 1990. 96-бет.

булган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда булган. Уларга таъсир ўтказган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган”. Шунингдек, “Марказий Осиёда ўзида диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни мужассам этган арбоблар кўп булган”лиги ҳақидаги кўрсатмаларини назарда тутсак, юқоридаги тадқиқотчиларнинг хулосалари маълум даражада асослидир. Зеро, ҳамма вақт жамиятда юз берадиган ижтимоий воқеа ва муносабатларнинг мазмун-моҳиятини, илмий ва тарихий асосини излашга интиланган Берунийдек қомусий олим ва мутафаккир ўша даврда динда, шу жумладан ислом динида маънавий ҳаётнинг барча соҳалари мужассам этганлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши мумкин. Шундай экан, унингча диний ақидапарастлик ва муросасизлик асосида келиб чиқувчи адоват, низо-жанжал ва қонли урушлар олим томонидан қаттиқ қораланган. У диний ақида ва кўрсатмаларга ақл тарозиси нуқтаи назаридан ёндашишни таъкидлаш билан бирга, бошқа динларга, уларнинг кўзлаган мақсад ва маънавий моҳиятига ҳолисона баҳо беришга даъват қилади. Шу муносабат билан барча динларнинг моҳиятига ҳолисона баҳо беришга интиланган ўрта аср олимларидан бири Абул Аббос Эроншаҳрий<sup>37</sup> ҳақида фахр билан қуйидагиларни ёзади: “Абул Аббос Эроншаҳрийдан бошқа оғишмай ва иккиюзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман. Чунки у киши ўз китобида биронта ҳам динга тарафдорлик ёки қаршилиқ қилмаган. Балки, динлар ҳақида асар ёзишда ўзича бир йўл ихтиро қилган ва бундай асар ёзмоқчи булган бошқа кишиларни ҳам шу йўлни тутишга чақирган. У яҳуд ва насороларнинг динларини, “Таврот” ва “Инжил”нинг мазмунини яхши ҳикоя қилган”<sup>38</sup>.

Энди Берунийнинг бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга ва уларнинг маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзига булган муносабатини ифодаловчи бир фикрини келтириб ўтмоқчимиз. Беруний насроний (христиан) динидаги несторианлар

<sup>37</sup> Беруний. Ҳиндистон II том. Тошкент: 1965. 477-бет.

<sup>38</sup> Беруний Ҳиндистон II том. Тошкент: 1965. 27-бет.

мазҳабида илк ўрта асрларда одат бўлиб қолган ғайрияхлоқий бир хатти-ҳаракатни қоралаган ҳолда, умуман насроний динидаги қавмларнинг мақтовга сазовор ҳаёт тарзи ҳақида шундай ёзади: “Биз Оллоҳдан дўст ёки душман бўлишидан қатъи назар бирон кимсани ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз. Шу жумладан, ҳаёт тарзлари камтарлик, ҳақгўйлик ва барчага нисбатан меҳр-мурувват ҳислари билан йўғрилган насронийларни ҳам ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз”<sup>39</sup>. Ҳақиқатан ҳам, бу ўзга динга эътиқод қилувчиларга нисбатан бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромнинг юксак намунасидир. Бу динлараро ўзаро ишонч, муросасозлик, маънавий юксалиш томон муштарак ҳаракат қилиш ғояларини тарғиб қилувчи даъватдир.

Беруний буюк инсонпарвар сифатида бир халқни бошқа халқдан афзал кўриш ва бу билан уларни бир-бирига қарши қўйиш ғоясини қаттиқ қоралайди. Масалан, у “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида арабларни эронликлардан устун қўйишга уринган бир ўрта аср тарихчисининг фикрини шундай баҳолайди: “Унинг (юқоридаги) китобида айтиб ўтилган гапи у билан эронликлар орасида душманлик ва гиналар борлигидан далолат беради. Чунки, у “араблар эронликлардан афзал” дейиш билан қаноатланмай, ҳатто уларни энг хор, энг паст, энг тушқун миллат деб, худо “тавба” сурасида саҳройи арабларни ёмон тавсиф этганидан ҳам баттароқ ёмонлаган ва уларга турли қабихликларни нисбат берган. Агар у эронликлардан афзал қилиб кўрсатган миллатни (халқнинг) аввалини (тарихини) озгина фикрлаб эслаганда эди.бу икки халқ ҳақида чегарадан ўтиб гапирганларининг аксарида, албатта, ўзини-ўзи ёлғончи қилган бўларди”<sup>40</sup>.

У турли халқларнинг тарихи, фани, дини, маданияти ва умуман маънавий қадриятларига нисбатан менсимаслик муносабатида бўлиш, уларни инкор қилишни ғайритабиий, ғайрияхлоқий бир ҳодиса деб билади. Масалан, “Ҳиндистон”

<sup>39</sup> Қаранг: Беруни. Избранные произведения. VI том. Тошкент: 1979. С.140.

<sup>40</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. Тошкент: 1968. 283-бет.

асарида бошқа халқлар маънавий кадриятларига мана шундай муносабатда бўлган бир гуруҳ ҳақида афсус билан шундай ёзади: “Ахмоқлик, давоси йўқ бир касалликдир; шундайки, уларнинг эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз жинсларидан бошқа халқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳлар йўқ, ўзларидагидан бошқа илм ва динларидан бошқа дин йўқдир. Ўзларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрлашиб билимсиз қоладилар”<sup>41</sup>.

Кўриниб турибдики, мутафаккир миллий ва диний чекланишни инсон ақлига зид, тузатиб бўлмайдиган даражадаги бир нодонлик, жоҳиллик деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан юқорида эслатиб ўтганимиз тадқиқотчи А.Д. Шарипов ҳозирги замон ҳинд олимларининг Беруний “амалда халқлар ўртасида ўзини ўзи тақдирлаш тамойилини қўллаб-қувватлаганлиги” ҳақидаги фикрларини келтиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқимизга хос бўлган бошқа миллатларнинг вакилларига хурмат-эҳтиром, кенг феъллилик ўзининг қадимий анъаналарига эга бўлган ва бунинг назарий-фалсафий асослари Форобий, Беруний ва бошқа илк ўрта аср мутафаккирлари асарларида ёрқин намоён бўлган. Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича: “Бу соф инсоний туйғу, масалан, ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенгфеъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган”<sup>42</sup>.

Бундай анъаналар Марказий Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида юз берган Уйғониш даврининг кейинги босқичида (XIV-XVI асрлар) диёримиздан етишиб чиққан Абдурахмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501), Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф.1505), Захириддин Бобур (1493-1530) каби мутафаккирлар томонидан давом эттирилди ва янги ғоялар билан бойитилди. Улар вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий

<sup>41</sup> Қаранг: Шарипов А.Д. Великий мыслитель Беруни. Ташкент: 1972. С. 144.

<sup>42</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида. хавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 80-бет.



шароит таъсирида ўз салафларининг инсон жамоаларининг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги ғояларини ўзига хос равишда талкин қилиб, жамиятнинг раванқ топиши учун, аввало, жамиятда мамлакатлараро ва халклараро уруш ва қиргинликлар, динлараро адоват. инсонлараро низо-жанжаллар барҳам топиб, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ишонч ва муроа устувор мақсадга айланиши кераклигини таъкидладилар. Шунинг учун ҳам мазкур мутафаккирлар истисносиз ҳамма бир-бирига ёрдам қиладиган, одамлар ўртасидаги муносабат ўзаро келишувга асосланган, халклараро ва динлараро адоват ва низолар тугатилган, ижтимоий адолатга асосланган орзудаги жамиятни ажойиб бадиий лавҳалар ва тимсолларда тараннум этдилар. Ушбу ғоялар Абдурахмон Жомийнинг “Ҳирадномаи Искандар”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonларида ўз аксини топган. Масалан, Жомий асарига тавсифланишича, Искандар шундай бир мамлакатга келиб қоладики, унинг ҳамма аҳолиси тенг ҳуқуқли, бир-бирлари билан ҳамкорлик ва дўстликда яшайдилар, умуман ҳар қандай уруш ҳақида, айниқса, диний адоват асосида келиб чиқувчи урушлар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар<sup>43</sup>.

Жомий ва Навоий асарларида тавсиф қилинган бундай орзудаги мамлакатнинг подшоҳи Искандарнинг асосий фазилати унинг диний такво ва эътиқоди билан эмас, балки донолиги, маърифатлилиги ва адолатпарварлигидадир. Ушбу мутафаккирларнинг ислом диний эътиқодига изчил риоя қилувчи мутафаккирлар эканлиги назарда тутилса, уларнинг ғоялари ўрта асрлар учун ҳам ҳозирги давримиз учун ҳам нақадар катта ғоявий аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Навоий асарининг қаҳрамони Искандар мамлакатни бошқаришда ўзининг маслаҳатчилари ва ишонган ёрдамчилари сифатида дин пешволари ва нуфузларига суянмасдан, асосан илм-фаннинг турли соҳалари бўйича

<sup>43</sup> Қаранг: Джамии А. Книга мудрости Искандара. Избранное. М.: 1984. С. 337.

билимдон олимлари ва мутафаккирларга суянади, улар маслаҳати (машварат) билан иш юритади. Ушбу олим ва мутафаккирлар гуруҳига эса Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари фалсафий тафаккур тарихида донолик рамзи сифатида тасаввур қилинадиган, Арасту бошчилик қилади. Искандар давлатни бошқариш масаласида файласуф ва доноларга, хусусан Арастуга мурожаат қилади.

Мазкур давр мутафаккирлари адолат ҳақидаги ғоялардан келиб чиққан ҳолда, уруш масаласида давр тарихий ва ғоявий шароити нуктаи назаридан қатор илғор ғояларини баён қилганлар. Улар бу масалада ҳам ўзларининг инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларига содиқ қолганлари ҳолда фақат ўз халқи ва ватанининггина эмас, бошқа халқлар ва уларнинг ватанларининг ҳам бахт-саодати ҳамда осойишталиги ҳақида қайғурганлар. Масалан, Навоий инсонларга ҳаддан зиёд қулфат ва мусибат келтирувчи урушларнинг асосий ижрочилари бўлмиш қора черик, яъни тажовузкор ва босқинчи армия ҳақида шундай деб ёзади: “Ҳарбий юришдаги қора черик – яъжуж ва маъжуж деб аталган махлуқ гуруҳига шерик... Ишлари талаш мумкин бўлганини таламоқ, ёт юртларни чигирдкадек босиб гиёҳ ва япроқларигача яламоқ. Инсонийлик билан улар ўртасида қарама-қаршилик, мусулмонлик билан улар орасида келишмовчилик бор. Уларнинг зоти фаҳм-фаросатдан ҳоли, барчаси ақлидрок ва инсоф каби фазилатлардан бегона ... Одамгарчиликлари йўқликда махлуқлардан ҳам ўтадилар, хайвонга хос қилиқлари кўпу одамийликлари оз... Уларга одамзод сазо бериши мумкин эмас, уларни Халқнинг ўзи жазоласин”<sup>44</sup>.

Навоийнинг юқоридаги фикрларидан яна бир муҳим ҳулоса чиқариш мумкинки, ҳатто бу қўшин гўё қандайдир дин, шу жумладан ислом дини манфаати учун олиб борилган тақдирда ҳам аслида мутафаккир иборасича “мусулмончилик билан улар орасида келишмовчилик”, яъни мусулмончиликка

---

<sup>44</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. (Насрий баён муаллифи Иноят Махсумов) Тошкент: 1983, 21-22-бетлар.

зид. Навоийнинг ушбу ғоялари ҳозирги давримиз учун ҳам халқро микёсда сиёсий ва ғоявий аҳамиятга эга.

Ушбу давр Марказий Осиё мутафаккирларининг уруш масаласига бўлган муносабатларида ўта муҳим маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган яна бир томони шундаки, уларнинг бирортаси ҳам ўз асарларида дин учун курашга, жиҳодга нафақат даъват этмаганлар, ҳатто бу масалани мутлоқо четлаб ўтганлар. Масалан, Жомий ва Навоий асарларида ижобий шоҳ сифатида талкин қилинган Искандар ўз юришларининг мақсади қилиб қандайдир динни бошқа мамлакатларга зўрлик билан олиб кириш ва халқларни ўша дин мафқурасига бўйсундиришни эмас, балки у ёки бу мамлакатда зулм ва зўравонликни тугатиб, адолат ўрнатиш, мамлакат фаровонлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлашни мақсад қилиб олади.

Ҳатто мазкур мутафаккирлар дунёқарашида динлараро ва мазҳаблараро уруш ва низолар маъносизлиги, инсонийлик моҳиятига, ақлга зидлиги ҳақидаги ғоялар ҳам мавжуд. Чунончи, бундай урушларга нафрат билан боққан ва қаттиқ қоралаган Жомийнинг қуйидаги рубойси мавжуд:

Эй муғбачаи даҳр, бидех жоми майам,  
Ки омад зи низои суннию шиа қайам  
Гўяндки, Жомийё, чи мазҳаб дори?  
Сад шукрки, саг суннию хар шиа найам<sup>45</sup>

*Мазмуни:*

Эй соқий! Менга май бер. Суннийлар ва шиалар низосидан кўнглим айнияти. Жомий, сен қайси мазҳабдасан? – деб сўрайдилар. Юз шукрки, ит суннию, эшак шиа эмасман.

Жомий, Навоий ва мазкур давр бошқа мутафаккирларининг улкан тарихий хизматлари шундаки, улар ушбу масаланинг маънавий-ахлоқий томонини ажойиб бадий тимсолларда акс эттирдилар. Иккинчи томондан, ушбу масалага ижтимоий-сиёсий тус бериб, ўзларининг давлатни бошқариш борасидаги қарашларига тадбиқ қилдилар.

<sup>45</sup> Қаранг: Богоутдинов А.М. Очерки истории таджикской философии. // Избр. Произв. Душанбе, 1980. С. 196.

Маълумки, ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари ўзларининг фаровон жамият ҳақидаги орзу-истаклари рўёбга чиқишининг асосий омили - адолатли ва маърифатли подшоҳлик (монархия) бошқариш усули деб билганлар ва ўз асарларида адолатли, маърифатли подшоҳ тимсолини яратганлар. Лекин ушбу масалада ҳам уларнинг диний бағрикенглик нуқтаи назаридан баён қилган ғояларининг катта ғоявий ва ҳатто маълум даражада мафкуравий аҳамияти шундаки, улар теократик бошқариш усулини, яъни давлатни динга бўйсундириш, дин назорати остида бошқаришни инкор қилганлар. Шундай савол туғилади. Нима учун ушбу мутафаккирлар ўзлари эътиқодли мусулмон бўлганлари ҳолда, ислом дини талабларига изчил риоя қилганлари ҳолда шундай диний бағрикенглик ғоясини илгари сурганлар?

Биринчидан, улар дин жамиятдаги ҳамма ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий муаммоларни ҳал қилишнинг ягона воситаси эмаслигига ишонганлар. Зеро, ушбу масалалар уларнинг асарларида бевосита дин ва шариат кўрсатмалари асосида эмас, асосан, реал ҳаёт воқелигидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинади.

Иккинчидан, улар ўз эътиқоди ва тақвosi билан эмас, балки адолати билан мамлакатни бошқарган шоҳ ҳам ўз халқи, ҳам бошқа мамлакатлар халқлари ўртасида хайрихоҳлик, ўзаро ишонч, дўстона муносабатлар ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб билганлар. Жумладан, Навоий бундай адолатли шоҳ ҳақида шундай деб ёзади: “Ўзга юртларнинг элу халқи уни орзу қилади, бошқа ўлкаларнинг мазлумлари адолатпарварлиги учун уни дуо билан тилга олади”<sup>46</sup>.

Учинчидан, мутафаккирлар шуни яхши англаб етганларки, ўрта асрларда диний мутаассиблик давлатни бошқариш миқёсида намоён бўлса, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти учун фожеага айланиши мумкин. Айрим ҳолларда бундай воқеларнинг гувоҳи ҳам

<sup>46</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. 16-бет.

бўлганлар. Ҳатто диннинг сиёсатга, давлат ишларига фаол таъсир қилишга уриниши сиёсий терроризмнинг ўрта асрдаги кўринишларидан бири бўлган подшоҳга қарши суиқасд шаклида намоён бўлганлигига ҳам гувоҳ бўлганлар.

Мазкур мутафаккирларнинг давлатни бошқариш ва турли сиёсий масалаларда диннинг фаол аралашуви, ҳатто айрим ҳолларда маълум даражада бошқариш тизими устидан назорат ўтказишга уриниши салбий оқибатларга олиб келишига ишончлари тарихан исботланди. Зеро, бунинг ёрқин мисоли сифатида Мовароуннаҳр ва Хуросон каби минтақаларни бирлаштирган улкан ҳудуддаги Темурийлар салтанатида сиёсий парокандаликнинг кучайиши, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг таназзулга юз тутиши, мамлакатдаги хонавайронликлар, аҳоли осойишталигининг йўқолишини эслаш кифоя.

Мутафаккирларнинг давлатни бошқаришнинг теократик шаклига қарши чиқишларининг тарихий, сиёсий ва ғоявий аҳамияти ҳам ана шунда. Ушбу ғоялар ҳозирги давримиз учун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг демократик давлат қуриш жараёнида диннинг жамият ва давлатдаги ўрнини белгилаш, диний кадриятларга муносабат масаласидаги сиёсати маълум даражада ўзининг тарихий-ғоявий илдизларига суянади. Шунинг учун Президентимиз И.А.Каримов таъкидлайдики: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашуш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”<sup>47</sup>.

Юқорида билдирилган фикрлар Президентимизнинг ушбу кўрсатмалари ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан ўзининг тарихий асосларига ҳам эга эканлигидан далолат беради.

<sup>47</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. 44-бет.

Шундай экан, диний фундаментализмнинг турли оқимлари даъво қилаётган ва ўз орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида амалга ошираётган риёкорликлари, мунофиқликларига, жинояткорона хатти-ҳаракатларига қарши курашда юқоридаги мулоҳазалар катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

Ушбу давр мутафаккирлари дунёкарашидаги яна бир муҳим масала шундаки, улар биргина халқ, биргина мамлакат ҳақида қайғуриб қолмасдан, ҳамма халқларга, ҳамма мамлакатларга нисбатан катта муҳаббат билан қараганлар, уларнинг бирини иккинчисига қарши қўймаганлар. Шу муносабат билан В.Зоҳидовнинг Навоий ҳақида жўшқинлик билан билдирган қуйидаги фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз: “ У ўзбек халқи ҳақида қандай ғамхўрлик қилган бўлса, ҳинд халқига ҳам худди шундай ғамхўрлик кўрсатган, у ўзбек халқини қанчалик бахт-саодат билан таъмин этишга интилган бўлса, араб халқини ҳам худди шу даражада бахт ва саодатли бўлишини орзу этган, у хитой халқининг тилақларини қандай ифодалаган ва унга қанчалик самимий муҳаббат билан қараган бўлса, эрон халқига ҳам шундай самимий, юксак инсоний муносабатда бўлган. Хуллас, барча халқларни бахт оғушида кўриш улуғ инсоний қалб эгаси бўлган гуманист Навоийнинг энг асосий олижаноб орзуси, мақсади эди<sup>48</sup>.

Бу ўша давр мутафаккирларига хос бўлган байналмилалчиликнинг, инсонпарварликнинг қимматли умумбашарий жиҳатларидан биридир. Диққатга сазовор томони шуки, Навоий асарларида ажойиб бадий маҳорат билан тараннум этилган, башариятнинг сеvimли адабий қаҳрамонларига айланган ижобий тимсоллар турли миллатга, ирққа, диний эътиқодга мансуб бўлган халқлар вакиллари дидир. Навоий туркий халқлар вакили Фарҳод, эронлик Шопур, араб Лайли ва Қайс, юнон Искандар, арман Ширин, ҳинд Фаррух, румлик Плиний каби бетакрор поэтик қаҳрамонларни яратди. Бундай инсонпарварлик руҳидаги асарлар нафақат ўзбек халқининг, балки Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистону Ҳиндистон ва бошқа минтақаларда

<sup>48</sup> Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент: 1970. 450-бет.

яшовчи халқларнинг ҳам маънавий қадриятларига ҳам тааллуқли.

Ўзбекистонда диний экстремизм ва террорчиликка қарши мафкуравий ва ғоявий кураш чора-тадбирларининг комплекс тизимини ишлаб чиқишда ушбу қадриятларимизга таяниш, уни фуқароларимиз онгига сингдириш ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиздир.

### **§3. Марказий Осиё мутасаввифлари ижтимоий-ахлоқий қарашларида диний мурасасизлик ва бағрикенглик ғояларининг диний экстремизмга қарши курашда маънавий аҳамияти**

Ислом динида фалсафий тафаккур ва ҳурфикрлиликка кенг йўл очиб берган тасаввуфнинг ирфон фалсафаси ўрта асрларда диний-мазҳабий мутаассиблик ва жаҳолатга қарши курашда шаклланган дунёқараш сифатида бугунги кунда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Инсонпарварлик, ҳурфикрлилик ва диний бағрикенглик ғояларига асосланган бу қудратли маънавий-маърифий дунёқараш, айниқса, ҳозирги ислом оламида катта сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган бир даврда вужудга келаётган ақидавий муаммоларни ижобий ҳал этиш, диний фундаментализм ва экстремизмнинг зарарли ғояларига қарши мафкуравий кураш олиб бориш ва ниҳоят, ислом динининг асл моҳияти маърифат эканлигини илмий нуқтаи назардан кўрсатиб бериш масаласида ҳам илмий-назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Иккинчи томондан, тасаввуф кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлсада, у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассиблик (фанатизм)га зиддир. Шунинг учун ҳам бу таълимот ҳозиргача дунёдаги турли халқлар ижтимоий, фалсафий, бадиий тафаккурида кенг ўрин эгаллаган ва чуқур илдиз отган. Шунинг учун ҳозирги мураккаб шароитда турли ғоявий оқимлар, сиёсий йўналишлар ўртасидаги курашда Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат

билан баҳсга киришиш мумкин...”,<sup>49</sup> -деган кўрсатмасидан келиб чиққан ҳолда Марказий Осиё мутасаввифлари ирфоний ва ахлоқий қарашларида инсонпарварлик, диний бағрикенглик, адолатпарварлик туйғулари билан йўғрилган ғояларнинг диний адоват ва мазҳаблараро низоларга қарши курашдаги аҳамиятини фалсафий таҳлил қилиш маълум илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Мазкур бўлимда биз тасаввуф ва ирфон фалсафасининг ривожига катта мавқега эга бўлган, Марказий Осиёлик мутасаввифлар – Абдулҳолик Ғиждувоний (1103-1179), Ориф Ревгарий (1259 йилда вафот этган), Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий ( XIII-XIV асрлар аниқ туғилган ва вафот этган йили маълум эмас), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Абдурахмон Жомий (1414-1492)ларнинг диний мутаассиблик, мазҳаблараро адоват ва низоларни маънавий жиҳатдан инкор қилувчи ғояларининг таҳлили асосида юқоридаги фикрларимизни далиллашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, тасаввуфнинг пировард моҳиятини, хусусан ахлоқий қарашларининг асосини **комил инсон** ҳақидаги ғоялар ташкил этади. Зеро, мутасаввифларнинг таъкидлашича, **комил инсоннинг сийрат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир**, зотан илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Тасаввуфдаги **комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажалийсининг мукамал ва олий даражаси**, барча инсон зоти ягона илоҳий жавҳарнинг шуъласи, тажаллийсидир. Шунинг учун борлиқдаги барча мавжудотлар уни ҳурмат –эҳтиром қилмоқлари, унга хизмат қилмоқлари зарур. Бу ҳақда Азизиддин Насафий шундай ёзади: “Жумла мавжудот одамзотга шунинг учун хизмат қиладики, одамлар орасида **комил инсон бор**. Бас, жумла одам **комил инсон** туфайли

<sup>49</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. || Каримов И.А. Биз келажагимизни уз қулимиз билан курамыз. 7-том Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 86-бет.



шарафлидир. Мавжудот ичра комил инсондан улуғроқ, шарафлироқ ва донороқ зот йуқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудотнинг хулосаси ва каймоғидир ва фаришталар, руҳоний мавжудотлар ва аршу курси, самовоту кавокиб-хаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамма комил инсон теграсини тавоф қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтирурлар. Комил инсон илм мазҳаридир, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир... ” (“Комил инсон” рисоласидан)<sup>50</sup>.

Агар мутасаввуфнинг ушбу фикрларига ташқи томондан юзаки қаралса, гап олий даражадаги ахлоқий камолот, унинг фазилатлари ва бундай даражага эришган инсоннинг имтиёзлари ҳақида гап кетаётгандек. Лекин масалага чуқурроқ ёндошилса, бу ерда дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар, умуман одамзот ҳурмат-эҳтиром ва саждага лойиқлиги ҳақида гап кетяпти. Чунки “Одамлар орасида комил инсон бор” ва у туфайли жумла одам шарафлидир. Иккинчидан, “комил инсондан улуғроқ ва шарафлироқ зот йуқ” бўлганлиги учун, “илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳари” (яъни зуҳур этиш жойи-С.Н.) эканлиги туфайли ҳамма нарса унинг манфаати ва у туфайли инсон манфаати учун хизмат қилмоғи керак. Шундай экан, инсонларнинг жамият учун ҳам, узи учун ҳам қиладиган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан Аллоҳ учун қиладиган тоат-ибодатлари ҳам комил инсон учун ва у орқали барча одамзот учун, мутасаввифлар ибораси билан айтганда, “ўздан кечиб ўзгалар учун” бўлмоғи зарур. Шундай экан, баъзи бир ўзларини “ҳақиқий мусулмон” сифатида кўрсатишга ҳаракат қилувчи диний мутаассиблар, ақидапарастлар ва фундаменталистларнинг риёкорлик ёки мутаассиблик билан қилаётган тоат-ибодатлари ва бошқаларни ҳам шунга даъват этишларини ҳақиқий иймон-эътиқод деб ҳисоблаш қийин. Шу ўринда машҳур мутасаввиф Жалолиддин Румий (1207-1275)нинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқ жоиз:

<sup>50</sup> Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Тошкент: 1995. 3-4-бетлар.

*Лек мусулмон деб атарлар ўзларин,  
Макр ила пинҳон тутарлар юзларин...  
Тавҳиду тақво бутун зоҳирлари,  
Ҳийлаю найрангдир ботинлари<sup>51</sup>.*

Мутасаввифнинг ушбу фикрлари асрлар оша бизнинг замонамизга ҳам етиб келиб, ўзининг ўткир нафрат тиғи билан диний экстремистлар ва террористларнинг “хақиқий мусулмончилик”, -деб ҳисоблаган хатти-ҳаракатлари пинҳоний макр, ҳийла ва найрангдан бошқа нарса эмаслигини фош қилишда катта маънавий қурол бўлиб хизмат қилмоқда. Бизнингча, мутасаввуфларининг, хусусан Марказий Осиё мутасаввуфларининг Комил инсон ҳақидаги ғоялари диний мутаассиблик асосида вужудга келувчи диний ақидапарастликка, динлар, мазҳаблар ва халқлараро низо ва адоватнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи, риёкор, диний фундаментализм ва экстремизмга қарши ғоявий курашдаги аҳамияти ҳам ана шундадир.

Айтиш жоизки, Марказий Осиё мутасаввуфлари маънавий мероси диний адоват, мазҳаблараро низо, халқлараро душманликни инкор этиб, турли динлар ўртасида ҳурмат-эҳтиром ва мурасасозликни, халқлараро ишонч ва тотувликни тарғиб қилиш анъаналарига бой бўлган. Биз бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтмасдан ушбу масалалар бўйича тўғри хулоса чиқарган профессор М.Н.Болтаевнинг куйидаги фикрларини келтирамиз ва унга тўлиқ қўшиламиз:

“Ҳазрати Хожаи Жаҳон (Абдулхолик Ғиждувоний- С.Н) ва бошқа улуғ инсонпарвар шайху ҳақимларнинг панд-насиҳатларини мутолаа этиб, киши шундай хулосага келадики, агар одамлар ўтмишда ва хусусан, ҳозирги замонамизда бу улуғларнинг доно ўғитларига амал қилса эди, халқлар орасидаги саноксиз можаролар, мамлакатлараро урушлар,

<sup>51</sup> Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб // Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тошкент. 2001. 204-бет.

ҳозирги минтақалардаги халқаро низо ва урушлар юзага келмас эди”<sup>52</sup>.

Марказий Осиё мутасаввуфлари маънавий меросида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда катта ғоявий ва маънавий қуроли бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган томонлардан бири – тинчликсеварлик, сулҳпарварлик, ҳаммага, шу жумладан, бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳам меҳр-шафқатли бўлиш ғояларидир.

Чунончи, Абдулҳолик Ғиждувоний – ўз ахлоқий таълимотида одамларнинг ирки, миллати, дини қандай бўлишидан қатъи назар “ҳаммага яхшилик қилиш, ҳатто ёмонларга ҳам яхшилик қилишни ўрганиш” ҳақиқий инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва мурувват намунаси эканлигини таъкидлаб, “Васиятнома” асарида шундай деб ёзади: “Инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ўзгаларга озор бермаслик, қўлингдан келганча яхши иш қилганинг яхшироқдир, ҳар ким ҳаётда ўз экканини ўради, шунинг учун яхшилик уруғини экиш яхшидир”<sup>53</sup>.

Мана шундай ҳаммага яхшилик қилиш, ҳеч кимга озор бермаслик, ҳатто кофирга ҳам меҳр-шафқат кўрсатиш, мурувват қилиш ҳақидаги ғояларни Аҳмад Яссавий ҳам ўз ҳикматларида тараннум этади:

*Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор  
Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор*<sup>54</sup>.

Ҳожагон тариқатининг мутасаввуфлари Абдулҳолик Ғиждувоний, Ориф Ревгарий ва бошқалар ўз шахсий манфаати учун қилинган тоат-ибодатдан, эътиқоддан эл-юрт, халқ, жамият учун қилинган адолат, ҳолис хизмат афзал эканлигини таъкидлаганлар. Бу ҳақда Ориф Ревгарий Абдулҳолик Ғиждувонийдан эшитган ғоят бир ибратли

<sup>52</sup> Болтаев М.Н. Абдулҳолик Ғиждувоний – инсондуст ҳаким, рифъат шайх Бухоро: 1994. 14-бет.

<sup>53</sup> Абдулҳолик Ғиждувоний. Васиятнома. ЎзРФШИ куллезмалар фонди. ИНВ №844. В.185 а.

<sup>54</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент: 1993. 47-бет.

қуйидаги ривоятни нақл қилади : “Хорун ар Рашид замонида нуфузли бир амалдор бор экан. У ҳар куни Ҳизр алайҳиссалом билан кўришиб суҳбатлашаркан. Бир кун шу киши ўз ишига истеъфо берибди. Ва зоҳид бўлиб инсонлардан бир четда тоат-ибодатга шўнғибди. Лекин шундан бир кун ўтиши билан Ҳизр унинг ҳузурига ташриф буюрмай кўйибди. Шу тарзда кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтаверибди... Ниҳоят бир кеча унинг тушига Ҳизр алайҳиссалом киргач, у ёлвориб дебди: “Эй вафоли дўст! Мен сен билан доимий тарзда суҳбат курмок мақсадида дунё ва дунё ишларига этак силкидим. Узлатга чекиниб, танҳоликда ибодат қилишга киришдим. Бу эса сени менга янада якинлаштирур, деб ўйладим. Ҳолбуки, бунинг тамом акси бўлди: сен дийдорингни бутунлай дариг тутдинг. Нечун бундай бўлди? Бунинг ҳикмати недур? Ҳизр дебди: “Эй рафиқ! Менинг сен ила кўришиб суҳбатлашувимнинг боиси: қилаётган ибодатлар, хайр-ҳасанот учун эмасдир. Балки ўша масъул вазифада мусулмонларнинг ишларини ҳақ ва адолат билан бажо келтирганинг учун эди. Сен эса бу масъулиятли вазифани елкангдан соқит қилиб, мусулмонларга хизматни тарк этдинг. Ва ўзингнинг шахсий камолотинг учун бир гўшага чекидинг. Ўз маънавий манфаатингни кўпчилик манфаатидан устун қўйдинг... Шуни билгилки, сенинг шахсий манфаатинг умумманфаатлари олдида катта бир қийматга эга эмасдир. Чунки узлатга кириб, намоз ўқиб, рўза тутиб, зикр айлашни ҳамма ҳам адо этмоғи мумкин. Бироқ халққа холис юксак маърифат ва диёнат мақомида хизмат кўрсатишни ҳамма ҳам уддалай олмас. Мана шунинг учун сендан алоқани узгандирман... Зоҳид уйғонгач, мушоҳада юритиб, йўл қўйган хатосига тан берибди”<sup>55</sup>

Ривоятда ҳар бир мусулмоннинг тоат-ибодати, иймон-эътиқод поклиги шахсий манфаат, тамаъ нуктаи назаридан эмас, балки халқ ва жамият манфаатига мос келсагина Аллоҳ

<sup>55</sup> Иброҳим Ҳаққул. Хожа Ориф Моҳитобон. Тошкент: 1996. 44-45-бетлар.

томонидан кадрланиши мумкинлиги очикдан-очик таъкидланмоқда. Диний фундаменталист ва экстремистлар эса очикдан-очик ўзларининг мутаассиблик руҳидаги эътиқодларини, тоат-ибодатларини риёкорона кўз-кўз қилиш билан жамиятимиздаги аксарият мусулмонларнинг иймон-эътиқодини беписандлик билан ҳақорат қилишга ҳам бориб етмоқдалар. Турли иғво, фитна-фужур билан жамиятимиздаги мусулмонлар ўртасига ҳам нифоқ солишга уринмоқдалар. Юқоридаги ривоят эса, уларнинг бу хатти-ҳаракатларни ҳам эътиқод жиҳатидан, ҳам маънавий жиҳатдан қораланишига хизмат қилади. Унинг ижтимоий-маънавий аҳамияти ҳам ана шундан иборат.

Марказий Осиё мутасаввуфлари маънавий меросининг диний мутаассиблик ва фундаментализмга қарши курашдаги аҳамияти яна шундаки, улар ислом динининг талаблари, ақидавий тамойилларига изчил риоя қилган ҳолда, уларни умуминсоний қадриятлар билан, иймон, ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-муҳаббат билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Шу муносабат билан тадқиқотчи Г.Н. Наврўзованинг қуйидаги фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз:

“Тасаввуф моҳиятан Қуръонга ва ҳадисларга асосланган бўлсада, лекин умуминсоний қадриятлардан айримларини ўзида мужассамлаштирган таълимотдир;

Тасаввуф диний таълимот бўлиши билан бирга, тажрибада юзага чиқадиган амалий билим ҳамдир. Калом ва фалсафа имонни ақлий бир ҳодиса сифатида баҳоласалар, тасаввуф эса, имонни ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат ва ҳол сифатида баҳолайди”<sup>56</sup>.

Шунинг учун ҳам Марказий Осиё мутасаввуфлари, хусусан, Хожагон тариқати мутасаввуфлари, айниқса Баҳоуддин Накшбанд солиқ эришиши зарур бўлган рашҳалардан бири “Сухбат дар анжуман”, яъни солиқ ботинида Ҳақ билан зоҳирда халқ билан бўлиши кераклигига

<sup>56</sup> Наврўзова Г.Н. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси|| Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Тошкент: 2002.14-бет.

катта эътибор берганлар. Чунки ҳар қандай тоат-ибодат эл-юрт, жамият манфаатига зид бўлмаслиги керак. Зоҳиран ўзини такводор, эътиқодли тутса-ю, лекин одамларга нисбатан жабр-зулм қилса, ўз шахсий манфаати ва ҳирси йўлида жамиятга зарар етказса, ундай одам ботинда Ҳақ билан бўла олмайди. Нақшбандия тариқатидаги “дил ба ёру даст ба кор” (“Қалбинг Аллоҳда, кўлинг ишда бўлсин”) деган даъватнинг яна бир моҳияти, мазмуни ҳам ана шундадир. Унинг эл-юрт, халқ, мамлакат, жамият манфаати, эҳтиёжи ва шароитни назар-писанд қилмасдан мутаассибона, риёкорона тоат-ибодатга, таквога чақирувчи диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашдаги аҳамияти ҳам ана шундадир.

Шу нуқтаи-назардан Хожагон-Нақшбандия тариқатининг асосий тамойилларидан бўлмиш “Хилват дар анжуман”, “дил ба ёру даст ба кор”нинг ҳам маънавий, ҳам ижтимоий аҳамияти шундаки, бу йўлдан бораётганлар жамиятда эркин бўладилар, улар ўз ота-она, оила, қон-қариндош ва жамият олдидаги бурчларини яхши англайдилар ва уларни тўла адо этадилар. Диний мутаассиблик ва экстремизм эса, бу нарсалардан жуда йироқ.

Аксарият мутасаввуфларнинг таъкидлашича, ҳар бир мусулмоннинг чин қалбидан қилган такво ва эътиқодининг Аллоҳ наздида қабул бўлиши, Аллоҳнинг иноятига мушарраф бўлиб жаннатга ноил бўлиши уларнинг узлуксиз тоат-ибодатга берилиши билан эмас, балки имкони қадар уларни бажарган ҳолда, қалби саҳоват ва ҳимматга тўлиб одамларга эзгулик қилиши билан амалга ошади. Чунончи, XIII аср ва XIV аср бошларида яшаган (аниқ туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас) ватанимиздан етишиб чиққан Азизиддин Насафий шундай ёзади: “Эй дарвиш! Ифротий (ҳаддан ошиқ) рўза ва намозга берилиб, кетма-кет ҳажга борма, буюрган фарзни адо этиш билан чеклангин. Шундай бўлгилки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саҳоват ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва ҳақорат ёғдирадиган кишилардан бўлма, чунки уларни ҳақиқати (табиати) ҳамиша ноҳақлик ва зулм, нохушлик ижод

қилишдир. Ҳамма вақт одамларни қийнашни одат қилган, одамларга азобу зулмни раво кўрувчи, тили, қўли билан озор берувчилар қалби нуқсонли одамлардир. Яхшилик ва ёмонлик, хайру шаррнинг маъносини билдинг, энди шуни билгил, кимки қалбида эзгулик бўлса, у дўзах азобидан қутулиб, жаннат аҳлига қўшилади”<sup>57</sup>.

Афсуски, диний мутаассиблик, адоват ва улар асосида келиб чиқувчи диний экстремизм бундай эзгу мақсадлардан йироқ. Аксинча, улар хатти-ҳаракатлардан аксарияти турли динлар ўртасида низолар ва қонли урушлар келиб чиқишига олиб келиши мумкин.

Шуниси муҳимки, унингча ҳар қандай тоат-ибодат орқасида инсон деган номга муносиб бўлиш хатти-ҳаракати ва нияти ётсагина ҳақиқий художўйлик бўлур. Аксинча, қандайдир ғараз, манфаат, риёкорлик нуқтаи назаридан қилинган тоат-ибодатнинг самараси дузах азобига гирифтор бўлиши билан яқунланади: “сенинг қалбинг ҳақгўйлик (ростлик) ва эзгулик билан безансин, токи инсон деган улў номга муносиб бўлсанг, дўзах азобларидан қутулсанг, илло агар эҳтиёж (манфаат, ғараз- С.Н.) юзасидан қилаётган бўлсанг, жойинг дўзахдан бўлсин”<sup>58</sup>.

Афсуски, бизнинг жамиятимизда ҳам оз бўлса-да ўқиётган намозини, тутаётган рўзасини, қилаётган ҳажини, ўтказаетган, “хайр-эхсони”ни риёкорлик, яъни атайлаб одамларга кўз-кўз қилиш, эл кўзида сохта обрў орттириш, ўз “саховати”ни атрофидагиларга кўрсатиб қўйиш ниятида амалга ошираётган кимсалар учраб туради. Ушбу ҳолатлар ўз имкониятига қараб баҳоли қудрат диний амалларни ошираётган шахсларга нисбатан юқорида қайд этилган тоифадаги диндорлар ўртасида ва энг ачинарлиси, у ёки бу даражада улар таъсирида бўлган ёшлар ўртасида гўёки уларнинг эътиқодсизлиги, муслмончиликни назар-писанд қилмаётганлари ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилади.

<sup>57</sup> Азизиддин Насафий. Зубдат-ул ҳақойик (Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси.) Тошкент: 1992. 164-165-бетлар.

<sup>58</sup> Уша асар. 164-бет.

Бунинг натижасида жамиятимизда маълум даражада диний ва маънавий бузғунчилик ҳавфи туғилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан мутасаввуфнинг юқоридаги фикрлари фанатизм иллатига йўлиққан гуруҳларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий беқарорлик тўлкинини келтириб чиқариш учун қилаётган хатти-ҳаракатларига қарши курашда ҳам катта ғоявий ва мафкуравий аҳамият касб этиши мумкин.

Мутасаввуфлар дунёкарашида биз таҳлил қилаётган мавзу бўйича ўта муҳим маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган фикрлардан бири шуки, ҳар бир одам у ёки бу динга эътиқод қилади. Улар бу динларнинг моҳиятига етиб бориш имконияти ва ўзлари мансуб бўлган динга эътиқод қилиш савияси даражасида ҳар хил. Бу нарса бир диннинг иккинчи дин томонидан инкор қилинишига ёки бир диндор иккинчи бир диндорни динсизликда, куфрда айблашига асос бўла олмайди. Ҳар бир кишининг иймони энг аввало унинг сидқидилдан, пок ният билан, эзгу мақсад учун эътиқод қилишидир. Шу маънода унинг тоат ва ибодатда айрим ноизчиллиги ёки нуқсони унинг куфридан, динсизлигидан эмас. Муҳими, уларнинг барчаси Худодан ҳожатларини сўрайдилар. Сидқидилдан тоат-ибодат қиладилар.

Мутасаввуфларнинг ўта муҳим ғоявий аҳамиятга эга бўлган фикрларидан яна бири шуки, жамиятда ҳар бир онгли инсон борки, маълум бир динга эътиқод қилади. Бу ҳар бир инсонга хос табиий бир ҳол. Аммо уларнинг ҳар бири турли воситалар, маросимлар, қонун-қоидалар орқали ибодат қиладилар. Шундай экан уларни қайси динда ибодат қилишларидан қатъи назар иймон-эътиқодсиз деб бўлмайди. Бу ҳақда Султон Валад (1226-1312) шундай ёзади: “Бас, бундан маълум бўладики, Ҳаққа сиғиниш ва уни танишга интилиш умумга хос хислатдир, бил ҳамма учун бунга йўл бор, ҳаммининг бунга бор... Агар диққат билан қарасак, етмиш икки миллатнинг ҳаммаси Худога сиғинадилар, турли



тил, турли расм-қоида, усул ва амаллар воситасида Худога бандалик шартини адо этадилар”<sup>59</sup>.

Бу нафақат диний багрикенглик, диний мурасосозлик нуқтаи назаридан, шу билан бирга бошқа динларга эътикод қилувчиларга нисбатан катта ҳурмат-эҳтиром, турли ирққа, миллатга мансуб халқларнинг минг йиллар давомида ота-боболари сиғиниб келган динга эътикод қилиш ҳуқуқига эга эканликларини эътироф этиш нуқтаи назаридан ҳам билдирилган фикрдир. Ушбу фикрларнинг ҳозирги давримиз учун диний фундаментализм, фанатизм ва маълум даражада улар асосида вужудга келган диний терроризмга қарши курашдаги ғоявий, мафқуравий ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳам ана шунда. Улардан ушбу жабҳада самарали фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бериши эса шубҳасиздир.

Айнан ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишонч диний мутаассибликка, диний мутаассиблик эса, ўз навбатида диний экстремизмга олиб келиши, натижада нафақат бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳлар, шу билан бирга маълум бир дин доирасидаги мазҳаблар, ҳатто айрим шахслар ҳам бундан жафо кўриши мумкинлигини таъкидлаб Президент И.А.Каримов шундай ёзади: “Фанатизмнинг ўзига хос хусусиятлари ва кўринишлари авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга мурасосиз муносабатда бўлишдан иборатдир.

... Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин”<sup>60</sup>.

<sup>59</sup> Уша асар. 87-88-бетлар.

<sup>60</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. 37-38-бетлар.

Афсуски, бизнинг жамиятимизда ҳам ана шундай диний фанатизм касалига йўлиққан “чала муллалар”, ёки экстремистик руҳдаги турли оқимлар кўпинча диний эътиқоднинг туб моҳиятини англамаган ҳолда нафақат бошқа динга мансуб кишиларнинг эътиқодини ҳатто ўз диндошларининг эътиқодини ҳам “куфрона” ҳисоблаб, уларга нисбатан кўпчилик содда кишиларнинг норозилигини кўзготишга хизмат қилаётганларини англамайдилар. Ачинарлиси шундаки, ана шундай таъсирга дуч келаётганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан мутасаввуфларнинг юқоридаги ғояларини кенг омма, хусусан ёшлар онгига етказиш нафақат маънавий-маърифий, шу билан бирга улкан ғоявий ва мафкуравий аҳамият ҳам касб этади.

Ҳозирги даврда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда Марказий Осиё мутасаввуфлари маънавий меросининг ғоявий ва мафкуравий аҳамияти ҳақида хулоса қилиш мумкинки, улар ўзларининг диний багрикенглик, мазҳаблараро муросасозлик, турли динларга эътиқод қилувчи халқлараро ўзаро ҳурмат-эҳтиром ғоялари билан бир неча асрлар давомида халқимизни инсонпарварлик, тинчликсеварлик ва давлатлараро ҳамкорлик, халқлараро ҳамжиҳатлик руҳида тарбияланишига хизмат қилдилар. Ушбу улкан маънавий мерос руҳида ҳозирги кунда халқимизни, хусусан ёшларимизни тарбиялаш уларнинг ислом динининг инсонпарварлик фалсафасининг моҳиятини чуқур англаб етишига ёрдам беради. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлайдики, “Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуг алломаларимиз, улуг имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу кутлуг заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз ҳурмат билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз...

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халкимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз<sup>61</sup>.

Биз ушбу бўлимда ислом фалсафасининг инсонпарварлик моҳиятини ўз тасаввуфий қарашларида акс эттирган диёримиздан етишиб чиққан Абдулҳолик Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Азизиддин Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомий каби пиру комилларимизнинг диний бағрикенглик ва муросасозлик, халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, комил инсон каби ғояларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, улардан диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда кучли маънавий ва ғоявий қурол сифатида фойдаланиш ўз ижобий самарасини беради.

Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида диний бағрикенглик ва халқлараро замжиҳатлик ғоялари ва уларнинг диний фундаментализм ва терроризмга қарши курашда ғоявий аҳамияти масалалари бўйича қилган таҳлилларимиздан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрта аср Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи диний мутаассиблик ва адоватни инкор қилиб, диний бағрикенглик ва муросасозликни, халқлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни, динлараро ишонч ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромни тарғиб қилувчи ғоялар билан суғорилган бой анъаналарга эга бўлган. Бундай бой анъаналар маълум даражада исломий қадриятларнинг ақидавий-ҳуқуқий асосларига, мутафаккирларнинг назарий-фалсафий таълимотларига, мутасаввуфларнинг инсонпарварлик туйғулари билан йўғрилган маънавий-ахлоқий қарашларига суянган ҳолда ўрта асрлардаёқ энг аввало мусулмон мамлакатларида яшовчи турли динга мансуб халқлар

<sup>61</sup> Қаримов И.А. Биз келажакимизни ўз қулимиз билан қураимиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 352-353-бетлар.

Ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжихатлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан мусулмон мамлакатлари билан мусулмон бўлмаган мамлакатлар ўртасида иктисодий, савдо ва дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаш, тинчлик-тотувлик ва ҳамкорликда яшаш имкониятларини яратди.

Аммо ушбу ғоялар нафақат ўрта асрлар учун, шу билан бирга маълум даражада диний мутаассиблик ва адоватга асосланган ҳозирги замон диний экстремизм ва терроризм ақидавий-ҳуқуқий, назарий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан Марказий Осиё халқлари ижтимоий, сиёсий, ғоявий ва маданий, маънавий ҳаётида ҳеч қандай тарихий асосга эга эмаслигини илмий асослаб беришда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Айтиш жоизки, бошқа динга мансуб бўлган халқларга бундай муносабатлар халқимизнинг ислом динига бўлган иймон-этиқодига путур етказмади, балки, асрлар оша халқимиз иймон-этиқодни умумбашарий манфаатларга мослаштириб, унинг миллий қадриятларидан бирига, бетакрор маънавий-руҳий меросига айланди. Президентимиз И.А.Каримов бунинг ҳозирги давримиз учун аҳамиятини таъкидлаб, шундай деб ёзади: “Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу-аввало муқаддас динимиз ҳисобидан деб жавоб берган бўлар эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний этиқодни юракдан сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик”<sup>62</sup>.

Шу жиҳатдан Марказий Осиёда илк ўрта асрлардаёқ ислом қобиғида вужудга келган фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги)нинг диний бағрикенглик руҳидаги айрим ғоялари ҳозирги даврда ҳам диний фундаментализм ва

<sup>62</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси—халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир|| Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард максимизм. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 503-504-бетлар.

экстремизмни инкор қилувчи, ҳам миллий, ҳам диний қадриятларимиздан бирига айланди. Шунингдек, ўрта асрлар ўзбек халқи ижтимоий-фалсафий фикр тарихида динлараро ва халқлараро адоват ва урушларга қарши курашга қаратилган маънавий қадриятлардан яна бири буюк мутафаккирлар томонидан халқаро дўстлик ва ҳамкорлик динлараро ўзаро ишонч ва ҳамжихатлик ғояларининг назарий-фалсафий томондан асосланишидир.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк мутассаввуфлар асарларида эса, ушбу масала ўз маънавий-ахлоқий ифодасини топди.

## IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ – УМУМЖАҲОН МУАММОСИ

### § 1. Ўзбекистонга диний экстремизм ва терроризм кириб келишининг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий сабаблари

Ҳозирги кунда халқаро террорчиликнинг тажовузига қарши жаҳон миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам самарали кураш воситаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бу кураш воситалари фақат маъмурий ва ҳуқуқий чоралардангина иборат бўлиб қолмасдан, балки маънавий, мафкуравий ва ғоявий кураш воситаларининг мукамал тизимидан иборат бўлмоғи зарур. Бундай кураш тизимини ишлаб чиқишда, энг аввало халқаро террорчиликнинг Ўзбекистонга кириб келишининг ҳозирги кундаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ва ғоявий илдиз-сабабларини батафсил ёритмоқ зарур.

Масъулият билан айтиб ўтмоқчимизки, Ўзбекистонда халқаро террорчилик жараёнлари, асосан диний экстремизмнинг кириб келиши ва тарқалиши билан боғлиқдир. Шунинг учун, аввало, диний экстремизмнинг Ўзбекистонга кириб келишининг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида тўхталиб ўтмоқни лозим кўрдик.

Айтиш жоизки, ушбу масаланинг назарий асослари Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида мукамал ишлаб чиқилган.

Энг аввало, юртбошимиз И.А.Каримов масаланинг мафкуравий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий томонларига эътибор қаратиб шуни таъкидлайди: “Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг “отилиб чиқиши”га соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади. Аслини олганда, айтиш мумкин бу муаммолар бошқача

фанатизмни, дейлик, большевистик, миллатчилик руҳидаги фанатизмни келтириб чиқаради”<sup>1</sup>.

Большевистик мафкуранинг динга ва диндорларга нисбатан қатоғон сиёсатини қўллашдан мақсади одамлар онгидан диний эътиқодни мутлақо чиқариб ташлаш, унинг ўрнига коммунистик эътиқодни сингдириш эди. Коммунистик тузум барча динларга қарши кураш олиб борди. Унинг диндорларга ва динга қарши кураши жуда бешафқат тусда олиб борилди.

Албатта, большевиклар диннинг ҳамма кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб борганлар. Лекин унинг исломга қарши кураши, айниқса, бешафқат бўлган. Бу кураш нафақат жисмоний жиҳатдан, балки, маънавий жиҳатдан ҳам бешафқат эди. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов шундай ёзади: “Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизғин жабҳаларидан бирига айлантирилиб қўйилган эди. Ислом динининг ўнг минглаб муътабар руҳонийлари қатоғон қилинди. Минглаб мачитлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорлар оммасининг аксарият кўпчилиги 90-йилларнинг ўрталарига қадар Қуръони каримдан баҳраманд бўлолмаган эдилар”<sup>2</sup>. Ислом динига нисбатан большевиклар қўллаган қатоғоннинг энг улкан маънавий фожиаси ҳам ана шунда эди. Зеро, кўрилган моддий зарарни у ёки бу даражада тўлдириш, жисмоний йўқотишни вақт ўтиши билан маълум даражада унутиш мумкин. Уларнинг оқибати ҳам жамиятнинг маълум бир қисми ёки гуруҳига тааллуқли бўлиши мумкин. Лекин маънавий фожа бутун жамиятга, халққа катта мусибат келтириб, у узоқ даврлар мобайнида оммани мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлаганидек: “Кўрилган моддий зарарни у ёки бу даражада тўлдириш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 38-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 40-бет.

мумкин, лекин маънавий зарарни ҳеч нарса билан қоплаш мумкин эмас<sup>3</sup>.

Большевиклар мафкураси ўз кураши “муваффақияти”ни таъминлаш мақсадида ҳеч қандай сохта, мунофиқона ва риёкорона воситалардан жирканмасдан фойдаландилар, Чунончи, советлар даврида мамлакатнинг баъзи минтақаларида ибодатхоналарни, шу жумладан, масжидларни ёпиш бўйича кампания авж олдирилди. Меҳнаткашларнинг гуё масжидларнинг “кераксизлиги”, Аллоҳга эътиқодидан воз кечганлиги хусусидаги “баёнотлари” ва ҳоказолар бунга асос бўлиб хизмат қилди. Вилоятлар ва республиканинг раҳбарлари аҳолининг “атеистик тарбияси” борасидаги ўз “муваффақиятлари”ни марказ олдида намоён қилишга интилдилар, аҳоли учун бундай “муваффақиятлар” умуман қутилмаган нарса бўлган эди.

Бу нарса оқибатида Ўзбекистонда диний уламоларнинг асосий қисми йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган эди. Натижада эса, чала муллалар пайдо бўлиб, халқимизни ислом динининг ҳақиқий моҳиятидан беҳабарлигидан фойдаланиб, турли ғаразли мафкураларнинг мақсадлари, йўлидаги “кўприкка” айлана бошладилар. Бу ҳақда ҳам Президентимиз И.А.Каримов шундай назарий хулоса чиқаради: “Мазкур сабабларга кўра, Марказий Осиёдаги исломий маърифат тақиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. Бундай “чала муллалар” ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чикмоқдалар”<sup>4</sup>. Демак, бир томондан диний эътиқод эркинлигининг амалда таъминланганидан, иккинчи томондан,

<sup>3</sup> Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси. 2000, 8-июнь.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. 40-бет.



вужудга келган мафкуравий бўшлиқдан ақидапараст, экстремистик гуруҳлар ғаразли мақсад йўлида фойдалана бошладилар. Шу маънода ҳозирги кунда мустақиллигимизга таҳдид солаётган ақидапарастлик илдизлари ва унинг оқибатида вужудга келган экстремистик ҳаракатлар собик Шўролар тузуми бағрида вужудга келган эди. Шу муносабат билан тадқиқотчи О.Абдуллажоновнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтмоқчимиз: "... Шунинг ҳам эслаш жоизки, коммунистик тузум диний эътиқодга қарши кураш олиб борар экан, аста-секин ўзи диний эътиқоднинг хусусиятларини ўзлаштириб, диний таълимотга ўхшаб кета бошлади"<sup>5</sup>. Биз тадқиқотчининг ушбу фикрлари билан бироз мунозара юритмоқчимиз. Маълумки, ҳар қандай дин муайян жамиятда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий таназзулни, айниқса, ахлоқий парокандаликни бартараф қилишдек эзгу ниятлар мафкурасининг ифодасидир. У буни қандай тўғри ёки нотўғри воситалар билан амалга оширишни кўзлашдан қатъи назар большевикларнинг динга муносабат масаласидаги мафкураси эса, ҳеч маҳал инсоннинг юксак рухий-маънавий камолоти масаласини назарда тутмаган, аксинча, дин Маркснинг иборасича "халқ афюни", "эзилган руҳнинг хурсинишидир". Шундай экан, ҳақиқий диний таълимот билан большевикларнинг ақидапарастлик мафкураси ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Ақидапарастлик эса, у диний, сиёсий ёхуд бошқа кўринишларидан қатъий назар ўз нуқтаи назар, дунёқараши ва мафкурасининг бенуқсонлигига кўр-кўрона ишониш, бошқалар нуқтаи назаридан устун қўйиш ва оқибатда сохталик билан муқаддаслаштиришдир. Буни большевиклар мафкурасининг фақат динга бўлган муносабатида эмас, балки бошқа ижтимоий-сиёсий ва маънавий масалаларга бўлган муносабатида ҳам кузатиш мумкин.

Диний экстремизм ва унинг асосида вужудга келаётган террорчиликнинг Ўзбекистонга кириб келишининг яна бир

---

<sup>5</sup> Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг кириб келиши. 33-34-бетлар.

сабаби- мураккаб ўтиш даври жараёнларида ислом динининг бир-бирига қарама-қарши вазифаларни ўташидир. Ушбу масаланинг назарий томонини шарҳлаб Президент И.А.Каримов шундай ёзади: “Бир томондан, ислом динининг маданий кадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос — нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссани, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда.

Иккинчи томондан, ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун қурол сифатида фойдаланилади. У бир туғ вазифасини бажаришга қодир. Бу туғ остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат бир кўрсатмага-ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади”<sup>6</sup>. Демак, диний экстремистлар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин вужудга келган ўтиш давридаги ислом динининг асл моҳиятини англашдаги мураккаб қарама-қарши ҳолатлардан фойдаланишга уринганлар ва фуқаролар ўртасида турли норозиликлар, низолар чиқаришга ҳаракат қилганлар.

Президент И.А.Каримовнинг таъкидлашича, ислом омилидан фойдаланиб турли экстремистик ва террорчилик ҳаракатларининг Ўзбекистонга кириб келишининг яна бир сабаби ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги кескин ўзгаришлардир. Юртбошимиз бу масаланинг ҳам назарий томони ҳақида тўхталиб шундай ёзади: “Ўтиш давридаги ислохотларнинг муқаррар қийинчиликлари, аҳолининг объектив табақалашув жараёни ва мулкдорлик белгиси бўйича табиий тафовутлар аҳолининг бир қисмини ўз фаровонлигини таъминлаш мақсадида куч-ғайратлари, билимлари ва қобилиятларини ишга солишдан чалғитмоқда. Уларни совет рўҳидаги нуктаи назардан ёндошган ҳолда ҳаёлий ва ёлғон тенгликка, ортиқча зеб-зийнат ва исрофгарчиликларга қарши

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. 41-бет.

сохта курашга ундамоқда... Ана шундай бир шароитда ваҳхобийлик каби ғояларнинг алдамчи жозибаси ўзини яққол намоён этмоқда... Афсуски, бундай даъватлар Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида яқин ўтмишда ва ҳозирги кунларда ҳам кенг ёйилди ва қўллаб-қувватлаб келинди”<sup>7</sup>.

Совет ҳокимияти йилларида большевиклар қўллаган сохта ва хаёлий тенглик ғояси бутун мамлакат ва ҳатто жаҳон микёсида қандай мудҳиш оқибатларга олиб келганлиги собик иттифок халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи яқин тарихидан жуда яхши маълум. Бунинг мисоли сифатида юқорида эслатиб ўтганмиз Игорь Буниннинг қуйидаги аччиқ, лекин асосли фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: “Аммо чекистларнинг ўқларидан кўра большевиклар тарқатган одамларнинг ялпи тенглиги ҳақидаги захарли ғоя кўрқинчлироқ бўлиб чиқди. Айни шу ғоя халқаро террорчиларнинг байроқлари остига Россиядаги миллион-миллион оммани жам килди. Айни шу ялпи тенглик ғоясини дастак қилиб, беҳисоб талашлар, мусодаралар, тортиб олишлар амалга оширилди. Айни шу ғоя йўлида сон-саноксиз қурбонлар берилди, айни шу ғоя большевикларга ҳокимият тепасида қолишга имконият туғдирди ва айни шу ғоя вазидан уларнинг бутун мамлакатни қоплаган оммавий телбалани мантиқ ва ақл кучи билан тўхтатишга уринган рақиблари мағлубиятга учради”<sup>8</sup>.

Шуни айтиш жоизки, большевиклар юқорида зикр этилган мудҳиш жиноятларнинг бош ғояси бўлган ялпи тенглик ғоясини гўёки энг олижаноб, энг эзгу ғоя деб эълон қилганлар. Ваҳоланки, бу инсоният тарихидаги талончилик ва босқинчиликдан иборат бўлган маънавий-ахлоқий жихатдан энг ёвуз ғоя эди. Ўзбек халқи ҳам ўзининг энг яқин тарихида бу мудҳиш ғоянинг фожиали оқибатларини ўз бошидан кечирди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳозирги даврда ислом дини номидан гўё ортиқча зеб-зийнат ва исрофгарчиликка қарши кураш олиб бораётган экстремистик ва террорчи

<sup>7</sup> Уша асар. 41-42-бетлар.

<sup>8</sup> Игорь Бунин. Партиянинг олтинлари. || Жаҳон адабиёти. 1997. 4-сон. 4-5-бетлар.

ташкiлотларнинг раҳбарлари, шу жумладан, уларнинг Ўзбекистондаги гумашталари ҳеч маҳал бойлик орттиришдан ўзларини тиймаганлар. Бу ҳақда жуда кўп тадқиқотларда рисолаларда, турли оммавий ахборот воситаларида ишончли далиллар асосида маълумотлар берилган. Бу масала бевосита бизнинг тадқиқотимиз вазифасига тааллуқли бўлмаганлиги учун бу ҳақда тўхталиб ўтишни лозим кўрмадик. Ўзбекистонда турли диний экстремистик ва террорчилик ташкiлотларининг кириб келишининг сабабларидан бири-бутун ислом дунёсида фаолият кўрсатаётган турли расмий ва норасмий ҳаракатларнинг мамлакатимиздаги ислом дини тугган мақомни, унинг бошқа динларга бўлган муносабатини белгилашга, маълум даражада таъсир кўрсатишга интилишларидир. Ушбу масала ҳақида тўхталиб, Президент И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ғоят мураккаб ва кўп қиррали ислом дунёсининг ажралмас қисмидир. Сир эмаски, бу дунёда етарли даражада расмий ва норасмий ҳаракатлар мавжуд. Улар ё исломнинг устунлигини тан олиш, ёки бошқа барча динларга нисбатан муросасизлик, ёхуд исломдан тор миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асоси сифатида фойдаланиш мақсадини маҳкам тутган ҳолда исломни ўз сиёсий режаларига бўйсундирмоқда.

Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларини ўз сиёсий тарафдорлари ва иттифоқчилари сафига жалб қилишга, уларга ўз таъсирларини ёйишга интилиш бундай кучларнинг мафкуравий йўл-йўриқларигагина хос бўлмай, балки мутлақо аниқ равшан ҳаракатлар тусини ҳам олмоқда”<sup>9</sup>.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда диний экстремизм асосида амалга оширилган кўпгина террорчилик ҳаракатларининг тарқалиш сабабларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш тажрибаси шундан далолат берадики, айнан юқоридаги вазият бизнинг мамлакатимизни ҳам халқаро террорчиликнинг ҳаракат майдонига айлантириш учун катта имкониятлар

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. 42-43-бетлар.

яратди. Инкор этиш мумкин бўлмайдиган фактлар ва ахборотларга кўра айтиш шундан кунларда мамлакатимиз хавфсизлигига реал хавф солаётган, жанубий ва жануби-шарқий чегараларимиз ёнгинасида ҳаракат қилаётган террорчилар ҳаракатида Чеченистон ҳудудида узоқ вақтдан буён олиб борилаётган сепаратистик жангчиларга хос бўлган ҳарбий-тактик жиҳатлар кўзга ташланиб қолди. Ҳар иккала ҳаракат иштирокчилари бир марказдан моддий ва маънавий таъминланаётганлиги ва уларга қурол ва “янги кучлар” етказиб бериш амалга оширилаётганлиги аён бўлиб қолди. Радио, компьютер орқали узатилаётган ахборот оқимининг таҳлили бу икки ҳудуддаги террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар ягона халқаро марказдан бошқарилаётганлиги уларнинг ҳар иккаласига ҳам ягона маънавий раҳнамо хослигини кўрсатмоқда.

Улар турли жангарилар тўдаси кўринишида, баъзан зарарсиз “гуманитар характер ва йўналиш”га эга бўлган жамғармалар, аллақандай “инсонпарвар” структуралар ва аслида эса, аниқ бир мақсад асосида фаолият юритувчи ташкилотлар томонидан рағбатлантирилмоқда.

Ўзбекистонга диний экстремизм ғоялари ва террорчиликнинг кириб келишининг ҳозирги даврдаги яна бир ташқи омили ҳақида Президент И.А.Каримов миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш жиҳатдан улкан сиёсий, мафқуравий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган шундай бир фикрни айтади: “Ислом фундаментализмининг хавфи ҳақида фикр юритар эканмиз, нафақат унинг ислом дини ичидаги сабабларига, балки уни келтириб чиқараётган, рағбатлантираётган жиҳатларига ҳам доимо мурожаат қилишга мажбурмиз. Бу сабаблар ҳаммага яхши маълум-мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми ва халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўравонлик, “парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил” қабилидаги сиёсатдир. Бунга қўшимча ўлароқ, иқтисодий камситишни, калондимоғликни ва бошқа маданиятнинг, бошқа цивилизациянинг, хусусан кўп асрлик

илдизларга эга, Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини чуқур тушунишни истамаслик кайфиятини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим”<sup>10</sup>. Маълумки, ислом динига ва цивилизациясига мансуб қатор халқларнинг кўп йиллар давомида мустамлакага айлантирилиши нафакат уларнинг сиёсий ва иқтисодий эзилишига, шу билан бирга маънавий ва маданий жиҳатдан таҳқирланиши, камситилишининг ҳам асосий сабаби бўлди. Бу эса, ўз навбатида мустамлака мамлакатлар халқларининг мустамлакачиликка қарши кураш жараёнида турли воситалардан, шу жумладан сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан нотўғри, маънавий жиҳатдан носоғлом усуллардан ҳам фойдаланишига олиб келиши мумкин. Бундай воситаларнинг халқаро миқёсдаги зарари шундаки, улар турли динга мансуб халқлар ўртасида бир-бирларига нисбатан ишончсизлик, душманлик муносабатларининг вужудга келишига, қонли можароларга олиб келишига сабаб бўлиши мумкин.

XX асрнинг охирига келиб Усома бен Ладен ҳам ўз террорчилик фаолиятини оқлаш мақсадида худди шунга ўхшаш куйидаги шиорни ўртага ташлайди: “Энди ислом халқлари шовинистлар ва христианлар альянси ҳамда уларнинг гуашталари томонидан амалга оширилаётган босқинчилик. қонунсизлик ва адолатсизлик туфайли азоб чекаётганларни беркитиш мумкин эмас; мусулмонларнинг қони беҳуда тўкилмоқда, уларнинг мулки душманларга ўлжа бўлмоқда... Ҳозир биз мусулмонларга нисбатан шовинистлар ва христиан альянси томонидан қилинаётган адолатсизликни бартараф қилиш учун кураш олиб бораёпмиз... Биз раҳмдил ва ҳамма нарсага қодир Оллоҳдан бизга ғалаба туҳфа этишини илтижо қиламиз”<sup>11</sup>.

Мамлакатимиз ичида ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам бундай хатти-ҳаракатнинг фожиали оқибатини хис қилмаган ёки очикдан-очик назар-писанд қилмаган террорчи гуруҳларнинг “раҳбарлари” эса, Усома бен Ладен каби

<sup>10</sup> Уша асар. 47-48-бетлар

<sup>11</sup> Каранг: Жаккар Р. Именем Усамы бен Ладена. М.: ОЛМА-Пресс. 2002. С 178.

“рахнамо” ларнинг ўта васвасали хом хаёлларига маҳлиё бўлиб, Ўзбекистонда “халифалик” барпо қилишни орзу қилмоқдалар. Бу билан улар Хумайний ва Усома бен Ладеннинг ўтган аср охирларидаёқ тарихий соҳадан тушиб колган интилишларини ХХІ асрга ҳам олиб ўтишга интилмоқдалар.

Диний экстремистлар ва террорчилар ўзларини диннинг софлиги учун, асл ислом учун, ислом “миллати” ни ғайридинлар зулмидан озод қилиш учун курашчилар қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасинлар, уларнинг туб мақсадлари бошқа томонда асрлар давомида бирон мамлакатни босиб олмоқчи бўлган мустабидлар бу мамлакатга тинчлик, бойлик олиб келмоқчи эканликларини, бу ердаги ўзаро низоларга чек қўйиш учун келаётганликларини баҳона қилганлар. Аслида, бу гаплар шу мамлакатдаги тинчликни йўқотиш, бойликларини ташиб олиб кетиш мақсадларини никоблаш учун хизмат қилган. Худди шундай диний экстремистик ва террорчи гуруҳлар, шу жумладан, Ўзбекистонда террорчилик жиноятларини амалга оширишга интилаётган ваҳобийлар, “хизбут таҳрирчи” лар, УИХ нинг турли гуруҳлари ҳам диний эътиқоди “бузилган” ҳудудларга тоза, асл исломни олиб келиш, аниқроғи асл исломнинг намоён бўлиши бўлган “халифалик” ни олиб келиш никобида, ҳақиқатда эса сиёсий мақсадларни кўзлаб фаолият олиб бормоқдалар. Диний экстремизм асосида вужудга келган террорчиликка қарши Ўзбекистонда самарали мафкуравий, ғоявий ва маърифий кураш олиб боришда яна бир нарсани унутмаслик керакки, террорчилар муайян шароитда омманинг нисбатан диний онг савияси паст бўлган маълум бир қисмининг хусусан ёшларнинг рухияти (психология) га таъсир кўрсатиш усулидан ҳам фойдаланадилар. Юқорида келтириб ўтганимиз Усома бин Ладеннинг: “Агар Россияни тор-мор қилиш мумкин бўлган экан, Қўшма Штатларни ҳам яқсон қилиш мумкин”, деган чақириғини эслайлик. Шу нуқтаи назардан жаҳоннинг турли мамлакатларида фаолият кўрсатаётган ислом никоби остидаги террорчи ташкилот “рахбар” лари ҳам, уларнинг Ўзбекистондаги издошу маслакдошлари, аниқроғи

гумашталари ҳам эҳтиросу хиссиётлар таъсирига тушиб қолган ҳаёлпарастлардир. Аммо сиёсат, мафкура, ғоя жабҳаларидаги носоғлом, маънавий тубан ҳаёлпарастлик инсониятга, жамиятга жуда қимматга тушиши мумкинлигини утутмаслик керак. “Хиссиёт ва эҳтирослар таъсирига тушиб қолган инсон, - деб ёзган эди академик Э.Юсупов, - бирор муаммони чуқур ақлий таҳлил этиш имконидан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Бу эса адолатсизликларга, беҳуда қон тўкишларга, давлат қабул қилган қонунларни оёқости қилишга олиб келади. Қонунни менсимаслик – уни қабул қилган жамиятни ҳам менсимасликдир”<sup>12</sup>.

Олимнинг юқоридаги фикрининг ҳуқуқий томонидан кўра кўпроқ маънавий томонига эътибор қаратсак, шундай бир савол туғилади Октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг “жаҳон миқёсида пролетар инқилоби” ни амалга ошириш ҳақидаги ғоялари ноғорасига ўйнаган Ўзбекистондаги “мафкурафуруш”, “ғояфуруш” ва ҳатто маълум даражада “миллатфуруш” маҳаллий сотқинлар билан ҳозирги даврдаги “бутун дунёда ислом байроғини тиклаш”, “илк ислом даврига қайтиш” ғояларини тарғиб қилувчилар ноғорасига ўйнаётган мамлакатимиздаги ваҳхобийлар, “ҳизб ут-таҳрирчи” лар, акромийлар, “ЎИХ” вакилларига хос бўлган сотқинлик ўртасида ғоявий яқинлик йўқмикан? Бор албатта! Лекин маълум даражада фарқ бор. Фарқ шундаки, большевиклар даъвати таъсирига учраганлар кўп жиҳатдан мустамлакачилик сиёсати ва мафкурасининг каттик тазйиқига, зўравонлигига, очикдан-очик террорига дуч келиш оқибатида шундай йўл тутишга мажбур ҳам бўлганлар. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда “халифалик” ни ўрнатиш ва бошқа сиёсий мақсадлар учун курашаётганлар уларга нисбатан мамлакатимизда ҳеч қандай сиёсий ва бошқа тазйиқ ва зўравонлик ишлатилмаган ҳолда ўз ватани ва халқини ихтиёрий равишда шундай фожиага тортмоқдалар. Иккинчидан, октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистонда барпо қилинган “муस्ताқил” совет ҳокимияти ҳеч қандай қонуний асосга эга

<sup>12</sup> Юсупов Э. Исломиёй кадриятлар ва диний экстремизм. Тошкент: 1998, 10-бет.



эмасди. У мутлақо ўзбек халқи хоҳиш-иродасини эътиборга олмаган ҳолда барпо қилинган, моҳиятан кўғирчоқ бир “мустақил” давлат эди. 1991 йил 1 сентябрда мустақил давлат деб эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси эса, халқнинг эркин хоҳиш-иродасини ифода этган, тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган, БМТ ва турли халқаро ҳамжамиятларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ҳақиқий суверен давлатдир. Бундай давлат ташқаридан бўладиган ҳар қандай йўл-йўриқларга, тазйиқларга мутлақо йўл қўймайди. Бундай давлат конунларини менсимаслик, уни оёқости қилиш – ўз халқи ва ватанига нисбатан сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлардан жиноят, маънавий жиҳатдан кўрнамакликдир. Бу кўрнамакликнинг оқибати эса, нафақат миллий хавфсизликка таҳдид, бегуноҳ қурбонларга олиб келади, шу билан бирга жамиятимиз иқтисодий равнақига, давлатимизнинг халқаро сиёсий нуфузига халқимиз руҳиятига катта моддий ва маънавий зарар келтириши мумкин.

Биз юқоридаги саҳифаларда Ўзбекистонга террорчилик ҳаракатлари ва даъватларининг муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳамда мафкуравий шароитлар билан боғлиқ ички ва ташқи ҳамда объектив ва субъектив сабаблари ва уларнинг тарихий илдизлари ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу сабаблардан қайси бири биринчи даражали, қайси бири иккинчи даражали ва муҳим эканлигидан катъи назар асосий масала ушбу сабаблар орқали Ўзбекистонга кириб келган террорчилик ҳаракатларининг мақсади ва оқибатидир. Юқоридаги таҳлилларимиздан хулоса қилиш мумкинки, асосий мақсад– Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг жараёнига путур етказиш, халқаро ҳамжамиятлар билан иқтисодий ва маданий соҳада олиб борилаётган самарали ҳамкорликка тўсқинлик қилиш, халқимизни ўзи танлаган тўғри йўлдан қайтаришга интилишдир. Буни амалга оширишда эса, “мақсад воситани оқлайди” деган тамойилга амал қилган ҳолда энг ғайриинсоний, жиноий ва разил кураш воситаларидан фойдаланиш, оқибати эса кўплаб бегуноҳ одамлар қонининг тўкилиши, мамлакат учун улкан моддий зарар, кўпчилик оммани маънавий ва руҳий қарахтликка олиб келишдир.

Ўзбекистонга турли шароитлар тақозоси билан кириб келган ислом ниқоби остидаги террорчи гуруҳларнинг фаолиятининг таҳлили шундан далолат берадики, улар ҳар қандай маънавийликдан, ғоявийликдан йироқ бўлган диний экстремизмдан сиёсий мақсадларда фойдаланмоқдалар. Шунинг учун Ўзбекистонга ислом ниқоби остида кириб келган террорчиликка қарши самарали мафкуравий, маънавий ва ғоявий кураш олиб бориш унинг тарқалишининг ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий сабабларини аниқлаш билан бирга, унинг тарихий илдизларига ҳам эътибор қаратишни тақозо этади.

## §2. Ўзбекистонда терроризмга қарши курашнинг баъзи сиёсий масалалари

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан Республика-мизнинг миллий-манфаатлари ва миллий хавфсизлигини ҳимоя қилишда халқаро террорчиликка қарши курашни устувор йўналишлар сифатида белгилаб қўйилди ва БУ изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов халқаро терроризмнинг жаҳон миқёсида ўсиб бораётганлигидан ўз ташвишини билдириб, энг йирик анжуманлар минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамияти. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларни трансмиллий жиноятчилик кўринишларидан бўлмиш халқаро террорчиликка қарши қатъият билан кураш олиб боришга даъват этмоқда. Шунинг ҳам айтиш жоизки, Президент И.А.Каримов БМТ Бош Асамбилиясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси халқаро террорчилик ва уни келтириб чиқарувчи ҳамма сабаблари ва илдизларига қарши изчил кураш олиб боришни ҳамда бунда турли халқаро ҳамжамиятлар билан ҳамкорликка тайёр эканлигини баралла айтди.

Ўзбекистон Президентининг БМТ ва турли Халқаро ҳамжамиятлар анжуманларида қилган маърузалари ва

баёнотларининг сиёсий ва мафкуравий муҳим аҳамиятга эга томонларидан бири шундаки, уларда Ўзбекистон давлати ва ҳукумати томонидан халқаро террорчиликка қарши сиёсий, мафкуравий, ғоявий ва иқтисодий соҳаларда кураш олиб бориш бўйича аниқ таклиф ва ташаббуслар ўртага ташланди. Шу билан бирга бу таклиф ва ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистон уларнинг маълум масалаларини ўз зиммасига олиш ташаббусини таклиф қилди. Буни 2003 йил июнь ойида Москва шаҳридаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Саммитидаги Президент И.А.Каримовнинг фикрлари билан изоҳлашимиз мумкин. Аввало, Президентимиз ўз нутқида халқаро терроризмга қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш зарурлигининг айрим назарий ва мафкуравий масалалари устида тўхтаб шундай деди: “Дунё халқаро террорчилик, радикал экстремизм, айирмачалик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган куламлари, ядро қуроли ва оммавий қиргин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди...”

Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболағасиз, ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал этиш учун минтақавий аксилтеррор маркази тузилмоқда.

Бу ўринда террорчилик ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, шундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамит касб этади ...

Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди<sup>13</sup>.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Саммитидаги нутқи. (Москва шаҳри. 2003 йил 2 май) || Каримов И. Биз танлаган йул – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йули. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 275-279-бетлар.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари халқаро террорчиликка қарши кураш масаласида қабул қилинган қарорларида Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашда туган ўрни ва ролини яққол ифодаловчи бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Саммитида ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси (марказ) қароргоҳи Бишкекда бўлиши ҳақида гап борганди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилади. Лекин кейинчалик бу факт ўзгарди. Марказ қароргоҳини Тошкентга кўчириш борасида келишиб олинди. Албатта, бу қарор негизида ҳам Ўзбекистонга хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз ўрни бор, мамлакатимизнинг террорчиликка қарши курашдаги амалий саъй-ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг ҳиссаси катта десак, хато қилмаган бўламиз.

Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашдаги ўрни ва роли ҳақида гап кетганда Ўзбекистон ташаббуси билан тузилган “6Қ2 гуруҳи”нинг саъй-ҳаракатлари билан 2000 йил октябрда, БМТ ва ЕХҲТ иштирокидаги “Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашишга биргаликда ёндашиш” мавзусидаги халқаро Тошкент конференциясини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтмоқ зарур.

Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашда муҳим ўрини ва ролини ёрқин ифодаловчи далиллардан бирининг ҳуқуқий асосга қўйилишидир. Маълумки, авваллари террорчиликка асосан дунёда ҳукмрон икки йирик давлатнинг ёндошувлари тизимидан иборат, ҳар хил ғоялар нуқтаи назаридан қараб келинди. СССР ва АҚШнинг ер юзидаги, ўз ҳаётий манфаатлари доирасига кирадиган, деб эълон қилинган нуқталарда бир-бирини терроризмда айблаши бу хавфли ижтимоий-сиёсий ҳодисага, ўзаро келишилган ҳолда, халқаро ҳуқуқ талаблари ўзанларидаги ёндашув меъёрларини ишлаб чиқиш имконини бермади. Ўзбекистонда бу масалани ҳал этишга қаратилган жинорий-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб

чиқишни, биринчи навбатда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ эди”,<sup>14</sup> - деб ёзади тадқиқотчи У.Убайдуллаев, ҳар уччала субъектнинг ҳам ҳаётий муҳим манфаатларига бевосита дахлдор бўлган жиноятлар ичида террорчилик алоҳида ўрин тутди. Чунки, террорчилик халқаро ва миллий хавфсизликка, энг аввало, тинчлик ва инсониятга хавф солувчи ўта мудҳиш таҳдиддир. Шунинг учун, халқаро ҳуқуқий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “Тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб аталувчи алоҳида боб, шу жумладан, “терроризм” (155) моддаси киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва амалга жорий этиш шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш буйича давлат дастурини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай дастурнинг назарий асоси бўлиб, террорчиликка қарши миллий концепция хизмат қилди. Дастур ва концепция ўз навбатида террорчилик билан курашиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат чоралари тизимини ишлаб чиқишга асос бўлди. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунни амалга жорий этишдаги узлуксизлик ва мутаносиблик ана шундадур. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, қонун лойиҳаси Олий Мажлис сессиясида биринчи ўқишда кўриб чиқилгандан сўнг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди ва унга ижобий фикр билдирилди. Шу билан бирга “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририятига, шунингдек, бевосита Олий Мажлисга кўпгина таклиф ва тавсиялар йўлланди. Қонун ана шу фикр-мулоҳазаларни, таклиф ва тавсияларни муносабатга олган ҳолда қабул қилинди. Демак, “Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида” ги Қонун, энг аввало халқимизнинг эркин хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган бўлса, иккинчи томондан олий даражадаги халқаро ҳамжамятлар томонидан

---

<sup>14</sup> Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. 103-бет.

тасдиқланган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос келадиган тамойилларни инобатга олган ҳолда қабул қилнган.

Ўзбекистонда халқаро террорчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш нафақат террорчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда, балки унинг маънавий асосларини ҳам мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Зеро, ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳеч қандай қинғир йўлдан тап тортмайдиган экстремистлар ўзларини “эзгу мақсадлар” соҳиби деб эълон қилишади. Улар ўз тарғиботида улкан мақсадларга эришиш фақат хокисорлик орқали амалга оширилади, деган сохта фикрни тарқатишдан ҳатто ор ҳам қилмайдилар. Улар томонидан амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари бутунлай бошқа нарсдан далолат беради. Уларда айнан шу эзгу мақсадлар етишмайди.

“Улар ўз сиёсий манфаатлари ҳамда ҳужайинларининг амрини бекаму кўст адо этиш йўлида қадимдан одат тусига кириб, бир неча бор синовдан ўтган йўлни, яъни ўз сиёсий мақсадлари йўлида йўқсиллар психологиясига таъсир қилиш сингари жирканч сиёсий услубни қўлламоқдалар”<sup>15</sup>.

Дунёнинг турли чеккаларида диний экстремизм ғоялари асосида содир бўлаётган террорчилик ҳаракатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ислом экстремизми асосида содир бўлаётган воқеаларга сиёсий баҳо бериб, Президент И.А.Каримов 1997 йилдаёқ жаҳон афғор оммасини шундай огоҳлантирган эди: “...Эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом кадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали. баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман.

Шу билан бирга аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги, бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фунадаметализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётганлиги, баъзан эса ҳатто хавсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда.

---

<sup>15</sup> Қаранг: Философия истории. М.: 1999. С. 72.

Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда”<sup>16</sup>. Дарҳақиқат, бу асар босилиб чиққандан олти ой ўтгач, асарда ёзилган гаплар ўзининг тўла тасдиғини топди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти диний экстремистик ғоялар, хусусан ислом экстремизми ғоялари асосида вужудга келиб, асримизнинг вабосига айланиши террорчиликнинг фақат шафқатсиз хатти-ҳаракатларининг эмас, балки илдиэларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш барча давлатлар ва мамлакатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши кераклигини, бу йўлда барча давлатлар ва халқлар бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилиши, қаттиқ кураш олиб бориши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

“Дунё ҳамжамияти агар инсониятнинг хавфсизлиги, келажаги ҳақида ўйласа, шунга иқроп бўлиши керакки. терроризм балоси туфайли дунёда вужудга келган ҳозирги мудҳиш ҳолатни шундайлигига қолдириб бўлмайди”<sup>17</sup>.

Ўзбекистон давлати ва унинг раҳбарияти мамлакатимиз ҳамда жаҳон ҳамжамияти осойишталигига ва барқарор ривожланишига қарши қаратилган халқаро террорчиликнинг бугун ҳар қачонгидан ҳам хавфли тус олганини эътиборга олган ҳолда, шунчаки сиёсий баёнотлар бериш, ҳамдардлик билдириш, баландпарвоз ваъдалар бериш билангина чекланиб қолмасдан, муҳим таклиф ва чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди ва бу борада барча хайрихоҳ кучлар, сиёсий блоклар ва

<sup>16</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарқийёт қафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.34-бет.

<sup>17</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. || Каримов И.А. Мақсадимиз- тинчлик ва бунёдкорлик. || 10-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 106-бет.

давлатлар билан ҳамкорликка тайёр. Улар орасида ён қўшни давлатлар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эса ўз-ўзидан равшан. Минтақадаги “Тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро тотувлик ва минтақамиз халқлари” ҳамда давлатларининг анъанавий дўстлигига, ҳамкорлигига хавф солувчи бу таҳдидни бартараф этиш бўйича қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан. Шу муносабат билан бир неча муҳим жиҳатларни алоҳида таъкидлаш ўринли; у ҳам бўлса айнан ён қўшни ҳудудий туташ давлатлар билан ҳамкорлик масаласи билан боғлиқ.

Тўғри, бошқа узоқ ва яқин давлатлар билан ҳам ҳамкорлик албата зарур. Аммо ушбу масаланинг бир томони алоҳида эътиборга сазовор. Хусусан, ташқи сиёсий ва миллий манфаатларни таъминлашда замон ва макон зайли туфайли объектив ҳудудий туташ бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро ишонч асосида иш юритиш ҳар доим катта самаралар бериб келган.

Бу исбот талаб қилмайдиган аксиоматик томони бўлса, унинг иккинчи муҳим, керак бўлса сиёсий жиҳати-азалдан қон-қариндош бўлиб, оламга муносабат, сиёсий жараёнларни ҳазм этиш, ўзга халқларга бўлган муносабат ва қолаверса, кундалик ҳаёт ва тафаккур тарзида ўхшашлик, (яъни синхронлик кўпроқ бўлган давлатлар), у ёки бу муаммони бартараф этишда бирлашиш, жипслашиш нуқтаи назаридан ҳали муомалага киритилмаган чексиз имкониятлар майдони эканлиги тўғрисида бармоқда. Бу жараённи Ғарбий Европа, Евроатлантика, Осиё ва Тинч Океани ва Араб дунёси сингари геотарихий минтақаларда нафақат сиёсатда, балки маданий-маънавий қадриятларга нисбатан ўзаро яқин бўлган мамлакатлар сиёсий фаолияти, хулқ-атвори ва келажак режаларида кузатиш имконига эгамиз.

Ва, ниҳоят учинчи, балки бугунги кун нуқтаи назаридан энг муҳим жиҳат - халқаро терроризм эндиликда, барча Марказий Осиё давлатларига баробар хавф солаётганлиги ҳамда энг муҳими хавфни фақатгина бир жон ва бир тан бўлиб



бартараф этилишининг расмий эътироф этилганлиги билан боғлиқ.

Давлатимиз ташқи сиёсий стратегиясини кузатар эканмиз, кейинги йилларда Президентимизнинг ана шу жиҳатга устувор ва жиддий аҳамият бераётганлигининг гувоҳи бўламиз. У, жумладан 2000 йилнинг ўзида МДХ давлатлари бошлиқларининг олий даражадаги саммитларида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбе ва Бишкек учрашувлари, “Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти” давлатлар бошлиқлари, Душанбе ва Санкт-Петербург учрашувлари чоғида ва қолаверса, жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот коференцияларида диний экстремизм ва халқаро терроризм бир марказдан бошқарилаётганлиги, минтақа давлатлари бу борада керак бўлса, тарихий яқдилликда аҳду паймон қилишлари ва энг зарури-бу офатни бирлашган ҳолда даф этиш борасида зудлик билан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган.

Президентимиз давримизнинг энг хавfli офати бўлган терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлари ҳақида тўхталиб, шундай таъкидлайди: “Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъиятига суюнишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очик чехрасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак”<sup>18</sup>. Ўзбекистон Президентининг халқимиз номидан шундай комил ишонч билан фикр билдириши ҳамма жиҳатлардан тўла асосга эга эди. Ҳақиқатдан ҳам мустақилликка эришгандан кейинги йилларда Ўзбекистонда содир бўлган қатор террорчилик хуружлари ва тажовузларига қарши кураш олиб боришда аввало халқимизнинг мустаҳкам иймон-эътиқоди, иродаси, руҳий сафарбарлиги, қуролли

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг баёноти. || Каримов И.А. хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Тошкент: Ўзбекистон. 2002. 117-бет.

кучлар сафидаги халқ посбонларининг Ватанга бўлган чексиз садоқати асосий ўрин эгаллади.

Маълумки, узоқ йиллар давомида Афғонистонда юз берган фуқаролар уруши, 90-йилларнинг охирларида ҳукумат тепасига келган “толиблар”нинг мамлакатда олиб борган оммавий киргинликлари ва террорлари фақат афғон халқигагина катта мусибатлар келтирибгина қолмасдан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига ҳам катта хавф сола бошлади. Ҳатто “толиблар” бевосита ватанимиз чегараларига жуда яқин келиб иғвогарона ҳаракат қила бошладилар. Улар томонидан Ўзбекистон ҳудудига бир неча снарядлар йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида қўшни давлатлар ҳудудида паноҳ топган ўзбекистонлик террорчиларнинг ватанимизга кириб келиб, террорчилик ҳаракатлари уюштиришлари учун уларни маълум даражада “руҳлантирди”. “Толиблар” томонидан кўрсатилган ҳарбий ва моддий ёрдам туфайли қатор жанговор ҳаракатларни амалга оширдилар. Албатта, Ўзбекистон ҳукумати бу тажовузкор ҳаракатларни ўз қуроли кучлари ёрдамида муваффақиятли бартараф қилди ва Ватанимиз миллий хавфсизлигини тўлиқ сақлаб қолди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон халқаро террорчиликка қарши курашда ўзининг мутлако мустақил, изчил ички ва ташқи сиёсатига амал қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. У турли давлатлар ва халқаро ҳамжамиятлар билан халқаро террорчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилар экан, энг аввало ўз миллий манфаатлари ва хавфсизлигини эътиборга олган ҳолда халқаро ҳуқуқ меъзонларига риоя қилиш тамойилларига суянади.

Лекин ҳозирги пайтда халқаро террорчилик шу даражада кенг тармоқли тузулмаларга, ташкилотларга ва энг мураккаб кураш воситаларидан фойдаланиш имкониятига эгаки, унга қарши бирор-бир давлатнинг у қанчалик ҳарбий ва иқтисодий қудратга эга бўлмасин, яқка ўзи муваффақиятли кураш олиб бориши ва уни бартараф этиши мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун Ўзбекистон ҳам халқаро террорчиликка қарши

курашда халқаро ҳамжамиятлар, турли давлатлар билан ҳамкорлик қилишга интиломда. Бу, аввало Ўзбекистон хавфсизлиги нуқтаи-назаридан муҳим эканлигини таъкидлаб 2001 йилда узокни кўзлаб миллат ва давлатимиз хавфсизлиги учун қайғурган президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: “Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхтамаса, бундай уюшган ваҳший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмайdimи?”

Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт куришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?

Бу савол табиий, албатта.

Шунинг учун ҳам халқаро терроризмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз даҳлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак”<sup>19</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Россия федерация Президенти Путин томонидан 2005 йил 14 ноябрда Москвада имзоланган иттифоқчилик тўғрисидаги шартнома юқоридаги кўрсатилган тадбирларнинг мантикий давоми ва натижасидир. Марказий Осиё хавфсизлиги, халқаро хавфсизлик масалаларида икки давлат Президентларининг принципаал қарашлари стратегик мақсадлар борасида ягона бирликка йўналтирилган минтақавий сиёсатни шакллантириш, икки давлат ўртасида иқтисодий, сиёсий,

---

<sup>19</sup> Уша жойда.

ҳарбий, маданий алоқаларни янада юқори босқичга кўтариш учун янги умумий стратегияни заруриятга айлантирди.

Юқорида имзоланган тарихий шартномада узок йилларга мўлжалланган иттифоқчилик муносабатларни куриш, мустаҳкамлаш ва уни юқори босқичларга кўтариш алоҳида таъкидланган. Шартномада таъкидланишича томонлардан бирига бирор давлат — ёки — давлатлар гуруҳи томонидан агрессия қилингудек бўлса, унга иккила томонга қилинган тажовус сифатида қоралади ва ҳар икки давлат БМТ томонидан қабул қилинган Низомга мувофиқ, ўзини коллектив мудофаа қилишдан фойдаланади. Бу бир томон, иккинчи томонга ҳар томонлама жумладан ҳарбий жиҳатдан ёрдам кўрсатишни назарда тутлади. Шунингдек, халқаро террорчилик, экстремизм, оммавий қиргин қуроолларнинг тарқалиши, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб боради.

Гап шундаки, ҳозирги хавфлар фақат бир давлатга эмас, балки бир неча мамлакатларга йўналтирилган бўлади. Масалан, Андижондаги содир қилинган воқеалар бевосита Афғонистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳудудларида амалга оширилди. Стратегик нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, бу хавф билвосита Россияга ҳам қаратилган. Андижон воқеаларининг орқасида маълум кучлар яширинган бўлиб, уларни мақсади:

Биринчидан, Россияни Марказий Осиё ҳудудидан сиқиб чиқариш;

Иккинчидан, Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ўрнига диний (лаббай деб жавоб берадиган кўғирчоқ) тузим ўрнатиб Россияга таъсир утказиш ва уни кучсизлантириш кўзда тутилган.

Иттифоқлик муносабатлари фақат ҳарбий-сиёсий характерга эга бўлмасдан, балки шартномада жуда кенг иқтисодий, ижтимоий, маданий илмий соҳалар ҳам қамраб олинган. Охириги йилларда икки томонлама иқтисодий

ҳамкорлик тез ривожланиб бормоқда. 2005 йилда Ўзбекистон худудида Россия капитали қўшилган 433 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 39 таси фақат Россия капитали асосидаги корхоналардир.

Россия шаҳарларида ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг капитали асосида 260 та корхона ишламоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган Асакадаги автомобиль заводининг “Нексия”, “Матиз” енгил машиналари Россия бозорларида энг харидоргир транспорт воситаларидан ҳисобланади. Ўзбекистондан экспорт қилинадиган пахта, ипак, газ Россиянинг кўпгина корхоналари учун хомашё ҳисобланади. Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари россияликлар дастурхонини беэмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи савдо оборотида Россиянинг биринчи ўринда туриши икки мамлакат ўртасида савдо алоқалари ривожланиб бораётганидан далолатдир.

2004 йилда умумий савдо айланмаси 1,6 миллиард АҚШ долларига тенг эди.

2005 йилда бу кўрсаткич 2 миллиард доллардан ошиши мўлжалланмоқда. Ўзбекистонда янги нефть, газ конларини топиш ва ишга тушириш бўйича Россия компаниялари билан шартномаларга мувофиқ яқин 2-3 йилда инвестициялар ҳажмини 2 миллиард АҚШ долларидан ошириш туғрисида ҳужжатлар имзоланган<sup>20</sup>.

“Кейинги бир йилда Россия ва Ўзбекистон муносабатларида нима юз берган бўлса, ҳаммаси шартномада ўзининг мантиқий ифодасини топган. Иттифоқчилик муносабатлари шуни англатадики, биз минтақада хавфсизликни таъминлаш бўйича маълум мажбуриятлар оламит. Шу билан бирга Ўзбекистонда бизнинг сиёсий, ҳарбий ва бошқа манфаатларимиз ҳам бор” деди мухбирларга берган интервьюсида Давлат думаси депутати, МДХ мамлакатлари институти директори Константин Затулин.

<sup>20</sup> Саидов К. Иттифоқчиликнинг янги саҳифалари. // Ўзбекистон овози газетаси 2005 йил 3 декабрь.

Худди шу тамойилларга асосланган Ўзбекистон ҳукуматининг халқаро террорчиликка қарши курашдаги таклиф ва ташаббуси турли халқаро ҳамжамиятлар томонидан эътиборга олинмоқда ва қувватланмоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашдаги ўрни ва роли ана шундадир.

### § 3. Ўзбекистонда халқаро терроризмга қарши курашнинг мафқуравий ва маънавий-маърифий масалалари

Ҳозирги даврда халқаро террорчиликка қарши муваффақиятли кураш олиб бориш, уни тағ-томири билан бартараф этиш, таҳдидига ўзига хос ёндошиб, унинг сиёсий, фалсафий, маънавий ва психолог асосларига қарши изчил мафқуравий ва ғоявий кураш олиб боришни тақозо қилади. Хавфсизлик ва барқарорлик йўлидаги таҳдидларга қарши кураш масаласи ҳақида тўхталиб, Президент И.А.Каримов шундай деган эди: “Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг ўзигина етарли эмас. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак. Уларнинг манбалари ва ўзаро алоқаларини вақтида аниқлашимиз даркор... Хавфсизлик-узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз ҳудудсиздир”<sup>21</sup>.

Президентимизнинг ушбу фикрларини тўлиқ ҳолда ҳозирги кунимизда тобора хавфли тус олаётган ва кенг кўламда тарқалаётган халқаро террорчиликка нисбатан ҳам айтилган методологик аҳамиятга эга бўлган кўрсатма деб ҳисоблашимиз мумкин. Шунинг учун мазкур тадқиқотимизнинг алоҳида бир бўлимида халқаро террорчиликка қарши курашнинг маънавий ва мафқуравий масалаларини ёритишни лозим кўрдик.

Тадқиқотлар натижасида 90-йиллардан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида ўндан ортиқ номдаги диний-сиёсий

<sup>21</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 11-бет.

экстремистик оқимлар ва ҳаракатлар ноқонуний равишда фаолият кўрсатгани ва кўрсатаётгани тергов идоралари томонидан аниқланган. Масалан, “Ҳизб — ут-таҳрир”, “Акромийлар”, “Таблиғ”, “Узун соқол”, “Ваҳҳобийлар”, “Ислоҳ лашкарлари”, “Адолат уюшмаси” “Тавба”, “Нур”, “Ўзбекистон Ислоҳ ҳаракати”. Шунингдек, бошқа динларни ҳам ўзига ниқоб қилиб олган миссионерлик хусусиятига эга “Авлиё ота Муннинг қўшилган черкови”, “Шайтончилар” ва “Иегово шаҳидлари” каби норасмий ташкилотларнинг мавжудлиги қайд қилинган<sup>22</sup>.

Гарчи, бу экстремистик ташкилотларнинг барчаси ҳам турли хил ҳарбийлашган гуруҳлар ва шаҳобчаларга бўлиниб кетган бўлмасада, уларнинг мафкуравий қарашларида умумийликни кўриш мумкин. Уларнинг умумий мафкуравий асосларининг тамойилларини аниқлаш учун айримлари ҳақида қисқача тухталиб ўтмоқчимиз. Биз аввалги бобда “Ҳизб ут-таҳрирчилар”, “ваҳҳобийлар”, “Ўзбекистон Ислоҳ ҳаракати” вакилларининг мафкуравий асослари ҳақида тухталиб ўтганмиз.

Акромийлар экстремистик оқими 1990 йилларда республикаимизнинг Фарғона водийсида вужудга келган. Оқим номи унинг ташкилотчиси бўлган кимса “Мулло Ақром” номи билан боғлиқ. Акромийларнинг ғояси Оллоҳни тан олиш, пайғамбарларни, ота-онани, ҳар қандай давлат бошқарувини рад этган ҳолда фақат оқим сардорига итоат қилиш. Сўнгги йилларда мазкур оқим қарашларини Ақром Йўлдошев ривожлантиришга интилган. Унинг томонидан ишлаб чиқилган дастурда (“Иймонга йўл”) оқимнинг моҳияти, мақсад ва режалари ёритилган<sup>23</sup>. Шу ерда “Акромийлар” қарашларидаги мафкуравий ва ғоявий томонлардан кўра кўпроқ бир ғайримаънавий томонига эътиборни қаратмоқчимиз, яъни уларнинг ҳатто пайғамбарни рад этган ҳолда, фақат оқим сардорига итоат этиш ҳақидаги

<sup>22</sup> Ўзбекистон ИИБ. Методик тавсиялар. 1999. Тошкент: Академия, 2001. 1713 сон. 105-106-бетлар.

<sup>23</sup> Пахрутдинов Ш. Таҳдид — ҳалокатли куч. Тошкент: Академия, 2001. 106-бет

даъватларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Ахир, ислом динининг, шариатнинг Қуръони каримдан кейин ақидавий, ҳуқуқий (фиқхий), ижтимоий, маънавий-ахлоқий, маърифий асосларининг иккинчи манбаи, асоси, таянчи бўлган ҳадисларни, яъни Пайғамбар кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини инкор этиш қайси бир иймонли мусулмон эътиқодига мос келади? Ахир, бу шаккоклик эмасми? Эҳтимол, улар буни инкор этарлар. Лекин улар ота-онага ҳам итоат этмаслик ҳақидаги даъватлари билан ўзларини фош қилмоқдалар. Ахир, саҳобалардан бири Пайғамбардан “Нима қилсам Оллоҳ мендан рози бўлади?” деб уч марта қайта-қайта сўраганида “Онангни рози қил!”, тўртинчи марта сўраганида “Отангни рози қил!”, деб жавоб берганлари ҳақидаги ҳадисдан мамлакатимиз мусулмон фуқароларининг деярли барчаси хабардор бўлган ҳолда, наҳотки улар беҳабарр бўлса? Асли шаккоклик шу эмасми? Бу риёкорликнинг намунаси дир.

Энди, уларнинг ҳар қандай давлат бошқарувини инкор этиш ҳақидаги даъватларига келсак, фақат “акромийлар” учунгина эмас, балки Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳамма экстремистик террорчи ҳаракатлар учун сабоқ бўладиган академик Қори-Ниёзийнинг “Улуғбек ва унинг илмий мероси” китобидан бир тарихий лавҳани келтирмоқчимиз: “Бир куни Сайид Ошиқ Самарқандда ваъзхонлик қилатуриб, Мирзо Улуғбекка қаттиқ-қаттиқ ўғит-насиҳат қилади. Шунда Улуғбек ундан сўрайди: “Айтингчи Саид, ким ёмонроқ - менми ёки Фиръавнми?” Саид жавоб беради: “Фиръавн ёмонроқ”. Мирзо яна сўрайди: “Энди айтингчи, ким яхшироқ - Мусоми ёки сизми?” Саид жавоб беради: “Мусо яхшироқ”. Шундан кейин Мирзо унга мана бу саволни беради; “Оллоҳ таоло Мусо пайғамбарга Фиръавнга қаттиқ-қаттиқ гап айтма ва ҳатто, “у билан гапни юмшоқ қил” деб фармойиш берганида нима учун Мусо пайғамбардан ҳам пастроқ бўлган жанобингиз Фиръавндан баландроқ бўлган менга бу қадар қўполлик қиляпсиз?” Саид мулзам бўлиб, ҳеч



нима дея олмай қолади”<sup>24</sup>. (Қори-Ниезий бу маълумотни ўрта аср нуфузли тарихий манбаларидан ҳисобланмиш Абу Тоҳир Хожанинг “Самария” китобидан олган – С.Н.) Исломда масала шундай тарзда қўйилган ҳолда диний экстеристик террорчиларнинг халқнинг эркин хошиш-иродасининг, танлаган йўлининг ифодаси бўлган давлат тузумига қарши бош кўтариши ва ҳатто унинг қонуний йўл билан сайланган Президенти ҳаётига суиқасд уюштириши нафақат қонунчиликка зид бўлган оғир жиноят, шу билан бирга ҳақиқий ислом эътиқодига зид бўлган маънавий тубанликдир.

Мустақилликка эришиш арафаси йилларида ва мустақилликка эришилгандан кейинги дастлабки йилларда вужудга келган сиёсий тангликлардан фойдаланган ҳолда экстремистлар ашаддийлашиб, Наманган вилоятида ўз фаолиятини янада кучайтирди. Натижада, ҳудудда тартибеизлик, беқарорлик вужудга кела бошлади. Булардан фойдаланган “Адолат” уюшмаси 1991 йилнинг бошида вилоятда фаолият кўрсата бошлади. Республикада мавжуд конституциявий тузумни ағдариш ва исломлаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида ҳар хил ноқонуний ҳаракатларни содир қилганлар.

1990-йилларда наманганлик Тоҳир Йўлдошев томонидан “Ислом лашкарлари” номли террорчи гуруҳга асос солинган. Ташкилот ўта реакцион ва террорчилик хусусиятларига эга бўлиб, ноқонуний йўллар билан ҳокимиятни эгаллаш, давлат ва ҳокимиятни исломлаштириш каби ғаразли мақсадларни амалга ошириш ниятида ўта мудҳиш жиноятларни содир қилган.

“Тавба” диний экстремистик гуруҳи ҳам Фарғона водийсида фаолият кўрсатган. У, аслида Боку шахрида ташкил топган бўлиб, “вахҳобийлик” ни қўллаб-қувватлаган. Унинг фаолиятининг асосий мезони аҳоли орасида конституциявий тузумга қарши кайфият уйғотиш, куч ишлатиш орқали ҳокимиятга эга бўлиш мақсадида жангариларни тайёрлаш ва

---

<sup>24</sup> Қори-Ниезий. Улугбек ва унинг илмий мероси. Тошкент: 1971. 82-бет.

шу мақсадда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишдан иборат бўлган. Жиноий уюшма фаолиятини Абували Йўлдошев ва Исоқ Жабборов деган жиноий шахслар йўналтириб турган<sup>25</sup>. Ушбу террорчи гуруҳларнинг ўз ғоя ва мақсадларини амалга оширишдаги хатти-ҳаракатларида маълум тафовут бўлса-да, лекин улар ғояларининг ижтимоий, сиёсий ва мафқуравий асоелари қуйидаги тамойиллардан иборат:

- мусулмонларнинг ягона миллати ислом бўлиб, улар бошқа ҳеч қандай миллатларга бўлинмайдилар;

- ислом фақат мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммоларнигина эмас, балки сиёсий ва соф дунёвий муаммоларни бартараф этишда ҳам бош омил бўлиб хизмат қилиши зарур;

- мусулмонларнинг диний ва дунёвий турмушини ўзида мужассамлаштирган ягона ҳокимиятни ташкил этиш;

- мусулмонлар ўзларидан бошқа ҳеч бир дин вакиллари билан ҳамкорликка бормайдилар;

- шариат қонунлари барҳаёт, уни замон муҳитига мослаштириш ёки енгиллаштириш бидъатдир.

Кўриниб турибдики, уларнинг бу ғоялари ҳукукий жиҳатдан жиноий, мафқуравий жиҳатдан ҳаёт воқелигига зид, назарий жиҳатдан асоссиз ва ғайримантиқийдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: “Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёкараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган”<sup>26</sup>. Шу билан бирга Президент И.А.Каримов диннинг ҳеч маҳал ижтимоий ҳаётдан ташқарида яшай олмаслигини, маълум даражада ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафат бўлишга интилишни, замон руҳига мослашишни таъкидлаб шундай ёзади: “Жамият ҳаётининг бир қисми

<sup>25</sup> Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. 106-108-бетлар.

<sup>26</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. 36-бет.

бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас<sup>27</sup>.

Энди ушбу диний экстремистик гуруҳлар ва ташкилотлар вакилларининг маданий савияси, маърифий даражаси қай даражада улар даъво қилаётган мафкура ва маънавиятга мос келиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, тарих фанлари доктори А.Ҳасановнинг “Маънавиятимиз илдизлари ва ислом” мақоласидан куйидаги ўринли бир лавҳани келтирмақчимиз: “1991 йилнинг кузида Андижон шаҳридаги Девонабой масжидини ўзига “Қароргоҳ” қилиб олган бангладешлик бир “тағлибчи” ёдимдан кетмайди. На ўзбек ва на араб тилини билади. Қуръон оятларини инглиз акцентида бузиб талаффуз қилади. Соч-соқолининг искиртлигига қараб бўлмайди. Сухбатлашсам, умуман саводи йўқ экан. Шундай одам бизни мусулмончиликка ўргатишга келибди”<sup>28</sup>.

Бундай ҳолатни Ўзбекистонда ҳаракат қилаётган деярли барча диний экстремистик гуруҳларга ҳам у ёки бу даражада тааллуқли деб ҳисоблашимиз мумкин. Шундай экан масаланинг, мафкуравий ва маънавий томонларини ҳисобга олмаган ҳолда унинг маданий, маърифий ҳамда эътиқод жиҳатлари нуктаи назаридан ҳам мамлакатимиз воқелигидан ўта паст даражада, ҳатто унга зид эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Унинг маданий-маърифий ва ахлоқий асосларига улкан путур етказувчи хавфдир. Амалда ҳам шундай бўлди. Энди эътиборни ушбу масаланинг яна бир бошқа томонига, яъни Ўзбекистонда ҳаракат қилаётган диний экстремистик гуруҳларнинг 90-йиллардаги “маърифий” фаолиятининг бир жиҳатига қаратмоқчимиз.

<sup>27</sup> Ўша асар 37-бет.

<sup>28</sup> Ҳасанов А. Маънавиятимиз илдизлари ва ислом. // Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Тошкент: 1998. 27-28-бетлар.

Маълумки, собиқ совет мустамлакачилиги ва мустабид марксистик мафкура ҳукмронлиги даврида Ўзбекистон аҳолисининг диний саводхонлиги ўта паст даражада бўлган. Ислом эътиқоди, маънавияти, назарияси, фалсафаси баён қилинган араб тилидаги манбалардан ўқиб-ўрганиш имкониятига эга бўлмаган. Бундан фақат айрим мутахассисларгина мустасно эди. Шунинг учун республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ бу масалага катта эътибор берилди. Лекин диний экстремистик гуруҳлар бу ҳолатдан бутунлай бошқа мақсадларда ва ҳатто айтиш мумкинки, маълум даражада кўпуровчилик мақсадларида фойдаландилар. Шу муносабат билан юқорида эслатиб ўтганимиз А.Ҳасановнинг куйидаги яна бир фикрини келтириб ўтмоқчимиз: “Ҳомий”лар “аҳолининг рағбатини ҳисобга олиб” араб алифбоси, араб тилини оммалаштириш учун кўп ҳаракат ва ҳаражат қилдилар. Улар 70 йилдан бери етук арабшунос мутахассисларни чиқараётган, собиқ СССР даврида араб мамлакатларида ишлаган таржимонларнинг ярмидан кўпини етиштириб берган Тошкент шарқшунослик институти эмас, негадир у ёки бу масжиднинг имоми ёки мутаваллийсига араб тилидан мударрислик қилгани, араб имлосидан дарс бергани учун маблағ бериб, тилхатлар олдилар. Охир-оқибат нима бўлди? Чала муллалар сони кўпайди<sup>29</sup>. Масаланинг яна бир фожиавий томони шундаки, диний экстремистлар бундан фойдаланиб, республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларида расмий ва норасмий масжидлар қошида, хусусий хонадонларда “хужра”лар очдилар. Уларда вояга етмаган, ҳатто бошланғич синф ўқувчиси ёшида бўлган ўғил-қизларни мактабдан ажралган ҳолда зоҳидона тарзда ислом динидан сабоқ олишга даъват этдилар ва маълум даражада бунга эришдилар. Афсуски, бундай ҳолга баъзи нодон, мутаассиб отоналарнинг ўзи ҳам йўл қўйиб берди. Бундай “хужра”ларда “сабоқ” олиб чиққан ёш ўғил-қизларнинг кўпчилиги эса, дунёвий билимларни эгаллаш жиҳатидан деярли саводсиз, маънавий жиҳатдан мутаассиб, руҳий жиҳатдан фалаж бўлиб қолган

---

<sup>29</sup> Уша асар. 29-бет.

ҳоллари тегишли органлар томонидан рад қилиб бўлмайдиган даражада аниқланган. Мазкур ҳолатнинг улкан маънавий зарарларидан яна бири шуки, бундай “чала муллалар” фаолияти туфайли ёшларимиз исломнинг ҳақиқий маънавий-ахлоқий моҳиятидан етарли савиядаги билим олмай, жаҳолатпарастлик руҳидаги эътиқодга эга бўлиб қолдилар ва бошқаларни ҳам мутаассибона тарзда ўз эътиқод тамойилларига даъват қилдилар. Умуман ушбу ҳолатнинг тарихий келиб чиқиш сабаблари ва зарарли оқибатларини назарий асослаб, Президент И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “...Марказий Осиёдаги исломий маърифат таъқиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. Бундай “чала муллалар” ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришини ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқий даъво қилиб чиқмоқдалар”<sup>30</sup>. Шуни ҳам айтиш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари кимлардир диний таълим соҳасида “ёрдам” бериш керак деган фикрда бизга “катта акалик” қилмоқчи ҳам бўлишди. Уларнинг ичида ҳар тоифа одам бор эди. Сир эмас, мамлакатимизда ўзларига “шерик” ҳам топишди. Асосий эътибор масжидлар қуришга қаратилди. Маҳаллий “шерик” ҳокимиятнинг қарорини чиқартириб берди, “ҳомий” эса маблағ билан таъминлади. Қарабсизки, шоҳона масжидлар қад кўтарди. Аммо биронта “ҳомий” касалхона, етимхона ва шунга ўхшаш хайрия бинолари қуриб бергани йўқ. Қурилган масжидлар ҳам аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжига қараб зарур жойда қурилмади. Бу масжидлар “улар” хоҳлаган жойда ва “улар” хоҳлаган “шериклар” билан қурилди. Энди “улар” хоҳлаган имомларни тайинлаш ва ёки келтириш қолган эди, холос. 1992 йили Мовароуннаҳр (ҳозирги) Ўзбекистон мусулмонлари идораси 20 талабани Саудия Арабистонига расмий йўл билан ўқишга юборишга ҳаракат қилиб турган бир пайтда “улар” ўзларича 200

<sup>30</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 46-бет.

талабани ғайрирасмий қабул қилиб қўйишди. “Улар”нинг фикрича, “Ҳозир ўқувчиларнинг савияси устида ўйлаб ўтирадиган пайт эмас” эмиш.

Бундан кўриниб турибдики, эътиқод масаласида жуда ҳам эҳтиёт бўлиш мақсадга мувофиқдир. Чақирганга эргашиб кетавериш эса сира тўғри келмайдиган ҳолдир. Тўғри, 70 йил давомида коммунистик мафкура оқибатида диний эътиқодимизда маънавий бўшлиқ пайдо бўлди. Лекин бу турли тоифалар ортидан кўр-кўрона эргашишга сабаб бўла олмайди.

Шу нуқтаи назардан республикамиз ижтимоий фанлари, хусусан фалсафа фани учун ушбу сохта мафкуранинг ғайриинсоний моҳиятини, унинг республикамиз маданий-маънавий ҳаёти учун ёт эканлигини, асослаб бериш энг долзарб масаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Айтиш жоизки, бу масала террорчиликка қарши маъмурий ва ҳарбий воситалар билан курашишга нисбатан анча мураккаб бўлиб, бутун мамлакат миқёсида юксак маънавийлик руҳида сабр-тоқат билан иш юритишни талаб қилади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида қилган нутқида шундай дейди: “Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч биринчи навбатда ёшларимиз онгини эгаллаётган ва захарлаётган. уларни ўзининг итоаткор куролига айлантираётган мафкура йулида мустаҳкам тўсик қўйиш бугунги кунда муайян жиноий террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода халқаро террорчиликка қарши мафкуравий ва маънавий курашнинг энг биринчи навбатдаги вазифаси – бу мудҳиш офатнинг ҳамма фожиаи оқибатларини кенг халқ оммасига ҳаққоний етказиш. Токи, бугун Ўзбекистон фуқаролари халқаро террорчиликка қарши мафкуравий ва маънавий-маърифий жиҳатдан тайёр эмас эканлар, уңга қарши маъмурий ва ҳуқуқий воситалар билан кураш кўзланган самарани бермаслигини англаб олишлари зарур. Президент И.А.Каримов таъкидланидек, “Бугунги кунда бизнинг барча

ташаббус ва саъй-ҳаракатларимиз минтақамизга тажовузкорона хатти-ҳаракатлар, диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро террорчиликнинг ёйилиши хавфи кучайиб бораётганлигини кенг жамоатчиликка тушунтиришга қаратилмоқда”<sup>31</sup>.

Бу вазифани амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ҳамда ташвиқот ва тарғиботнинг кенг тармоқларидан самарали фойдаланилган ҳолда, унинг сиёсий, ғоявий шиорларини мафкуравий жиҳатдан фош қилишда бу мудхиш ҳаракатнинг қандай молиявий асосларга таяниши-ю, қандай тактик усулларни қўллашгани ҳам маънавий жиҳатдан фош қилмоқ зарур. Айтиш жоизки, бу масалада республикамиз фалсафа фанида айрим тадқиқотлар ҳам амалга оширилди. Ўйлаймизки, ушбу тадқиқотларда мавжуд бўлган маълумотларни турли оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага етказиш ўз ижобий натижасини беради.

Албатта, террорчиликнинг, шу жумладан, Ўзбекистонда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг жирканч маънавий қиёфасини акс эттирувчи асосий ашёвий далил-уларнинг энг ёвуз, энг даҳшатли кураш воситаларидан ва жиноий сиёсий усуллардан фойдаланишларидир. Шу билан бирга уларнинг ғайриинсоний маънавий қиёфасини фош этувчи муҳим ашёвий далиллардан бири – ўзларининг молиявий таянчларини мустаҳкамлашда қўллаётган ҳуқуқий жиҳатдан жиноий ва эътиқод жиҳатдан ғайришаърий ва харом воситалардир.

Инкор этиш мумкин бўлмайдиган маълумотлар ва ахборотларга кўра сўнгги йилларда мамлакатимиз хавфсизлигига реал хавф солган ва солаётган турли террорчи гуруҳлар ва улар томонидан содир этилган ва этилаётган террорчилик ҳаракатлари айнан жиноий йўллар билан тўпланган молиявий маблағ ҳисобига ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

---

<sup>31</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 345-бет.

Фикримизнинг исботи сифатида “Кўнгилдаги бузилиш” рисоласининг муаллифлари томонидан хис-хаёжон билан ёзилган куйидаги лавҳани келтирмоқчимиз: “Яқинда телевидение орқали Намангандаги ваҳҳобий аталмиш кимсаларнинг ёвуз қилмишлари ҳақида ҳикоя қилинди. Шунда Толиб Мамажонов деган шахс кимларнинг умрига зомин бўлганлигини айта туриб, вилоят ҳокими муовинини ҳам биз ўлдирган эдик, дея иқдор бўлди. Бундан ҳам баттари-айримларни улар, ҳатто чўғдай қизиб турган дазмолни босиб, қийнаб ўлдиришган. Бунчалик шафқатсизлик қилинган кишилар аслида кофирларми эди? Ёхуд Оллоҳга ширк келтирган, куфрда айбланган, айби шунчалик оғир, залолатга юз тутишган эдими? Йўқ! Улар ҳам аслида яшашга ҳуқуқли, иймони саломат мўмин-мусулмон эди. Айби шуки, каззоблар талаб қилган миқдордаги долларни топиб бера олишмаган, холос”<sup>32</sup>.

Ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган гуруҳларнинг босқинчилик ҳаракати ҳақида яна бир маълумот. Уюшган жиноятчи гуруҳлардан бирининг асосий иштирокчиларидан бўлган Рустам Ҳусанов жинорий йўл билан қўлга киритилган мол-мулк ва пулларни мунтазам равишда “Ислом лашкарлари”, “Адолат”, “Амирлар” ва “Тавба”чиларнинг оила аъзоларига тарқатиб келган. Уларнинг оила аъзолари ҳам бировларнинг ҳаёти, қорни эвазига келган мол-дунёни бировнинг уволидан, гуноҳидан кўркмай олаверишган<sup>33</sup>.

Бундай ҳатти-ҳаракатни қандай қилиб мафкура, ғоя ва эътиқод учун кураш деб ҳисоблаш мумкин? Ҳатто ўз оила аъзоларини, бола-чақасини босқинчилик эвазига қўлга киритилган ҳаром маблағни тасарруф қилишга йўл қўйиб берган, ҳатто бу йўлга ўргатган кимсаларни ҳақиқий исломий дину эътиқод билан қандай алоқаси бўлиши мумкин? Ҳар бир оила ҳар қандай жамиятнинг бошланғич бўғинидир. Шундай экан ҳар бир оиладаги маънавий тушкунлик у ёки бу даражада

<sup>32</sup> Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бузилиш. 42-бет.

<sup>33</sup> Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи. Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1999. 68-бет.



жамиятга ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Демак, Ўзбекистонда ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар ҳатти-ҳаракатининг жамиятимиз учун фожиа олиб бериши фақат унда ақидапарастлик асосига қурилган сиёсий тузум ва ҳуқуқий тартиботлар ўрнатишдангина ибодат бўлиб қолмасдан, балки жамият аъзоларини маънавий парокандаликка ва ахлоқий таназзулга олиб келишида ҳамдир. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқида катта назарий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган куйидаги фикрни билдиради: “Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, мантиқий бир хулосага келишимиз мумкин. Буларнинг барчасини сохта ғояларни тарқатиш, содда фикрлайдиган одамларни чалғитиш йўли билан бугун минтақалар ва дунёнинг харитасини узгартиришга, тинч яшаётган халқларни разолат ва жаҳолат замониغا қайтаришга, ўз манфур мақсади йўлида ислом динини қурол қилиб олишга уринаётган ақидапараст “доҳий” ларнинг маккорона ва ўта хавфли ўйини десак асло бўлмайди”<sup>34</sup>. Ушбу фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонга кириб келган юқорида зикр этилган барча оқимларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан қонунсиз, сиёсий жиҳатдан ҳозирги давр жамият тараққиёти қонунларига зид, мафкуравий ва маънавий жиҳатдан тубан ва ғайриинсонийдир.

Ўзбекистонда ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳларга қарши маъмурий ва ҳуқуқий кураш олиб бориш масаласида бир муҳим маънавий ва тарбиявий томонни унутмаслик керак. Маълум сиёсий мақсадлар, шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз ҳавфсизлигига катта таҳдид солувчи ашаддий жиноий террорчилар гуруҳи ва уларнинг раҳнаомлари билан уларнинг қутқусига, ҳийла-найрангига, маккорона сохта даъватларига

<sup>34</sup> Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. || Каримов И. А. Тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. Тошкент: Ўзбекистон 262-бет.

ишониб, онгсиз равишда хато йўлга кириб қолган фуқаролар, айниқса ёшларга нисбатан давлатимиз ва унинг ҳуқуқий жазо тамойиллари ҳеч маҳал бир хил бўлмаган.

Биринчиларга нисбатан Конституциямиз тамойиллари, ҳуқуқий қонунчилигимиз, халқаро ҳуқуқ мезонлари нуқтаи назаридан муносиб жазо чоралари кўрилган ва бундан кейин ҳам изчил равишда шундай жазо чоралари кўрилиши муқаррар.

Аммо иккинчи гуруҳдагиларга нисбатан қонунчилигимиз юксак инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ҳамма вақт меҳр-мурувват, раҳм-шафқатлилиқнинг юксак намунасини намойиш қилган ҳолда кечиримли бўлган.

Бунга мамлакатимиз Президенти ҳам ўз нутқларида такрор ва такрор даъват этган. Бунинг исботи сифатида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 19 апрелда бўлиб ўтган XIV сессиясидаги катта масъулият билан айтган қуйидаги сўзларини келтиришимиз мумкин: "...Кимки ўзининг халқи, юрти олдидаги масъулиятини, керак бўлса, бурчини яхши тушуниб, милицияга келадими, прокуратурага келадими, йўл қўйган хато ва қилмишларини тан олиб, хулоса чиқариб, кечирим сўраса ва яна битта шарт - ота-онаси, ўзи яшайдиган маҳалла шунга кафолат берса, Президент сифатида мана шу минбардан туриб айтаман – бунақаларни кечирамиз. Биз ҳеч қачон халқимизга, аҳолимизга тазйиқ қилмаганмиз ва қилмаймиз"<sup>35</sup>.

Бу ҳақиқатан ҳам том маънодаги Юртбошимизнинг ўз адашган фуқароларига нисбатан меҳр-мурувватининг, раҳм-шафқатининг, умуман юксак инсонпарварлигининг олий даражадаги намунасидир.

Энди, ислом никоби остида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳларнинг даъватига адашиб кириб қолган фуқароларга нисбатан маънавий ва мафкуравий чора-тадбирлар масаласига

<sup>35</sup> Ўша асар. 261-бет.

келсак, унинг ҳам асосий тамойиллари Президентимизнинг “ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан” кураш олиб бормоқ зарурлиги ҳақидаги машҳур кўрсатмаси асосида амалга оширилмоғи керак ва шундай бўлмоқда ҳам. Буни ҳаёт воқелигининг ўзи исбот қилмоқда.

Ҳозирги даврда ислом ниқоби остидаги террорчиликка қарши маънавий ва мафкуравий кураш олиб боришда ислом назарияси ва тарихи, ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, ислом маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ илмий муаммоларни атрофлича ва чуқур тадқиқ этиш бугунги кунда ижтимоий-сиёсий фанларни олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Юқоридаги таҳлиллардан қуйидаги хулосаларга келамиз:

Биринчидан, ҳозирги даврда ислом ниқоби остидаги террорчиликка қарши курашиш учун ислом назарияси ва тарихини чуқур ўрганиб илмий тадқиқотлар олиб боришимиз лозим;

Иккинчидан, Ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, ислом маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ илмий муаммоларни атрофлича ўрганиш, назарий ва амалий тавсиялар бериш ижтимоий-гуманитар фанлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир;

Учинчидан, Ислом дини асрлар давомида ҳаёт фалсафаси бўлганини, у жамият аъзоларини энг юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаши, инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳалоллик, бошқа миллатлар, динларига эҳтиром, олижаноб ахлоқни тарғиб қилишини яхши англаб етмоқ учун, ислом тарихидан хабардор бўлиб ватандош уламоларимизнинг исломий маданият тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини ҳар бир фуқаро онгига доимий равишда сингдириш таълим-тарбиявий ишларингизнинг таркибий қисми бўлиши лозим.

## ХУЛОСА

Террорчилик, унинг ижтимоий тарихий, мафкуравий ва ғоявий илдиэлари ҳамда унинг глобаллашувининг халқаро хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, шу жумладан Ўзбекистон хавсизлигига таҳдиди сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик ҳамда руҳшунослик фанлари билан бир қаторда фалсафа фанининг ҳам энг долзарб таҳлил объектларидан бири бўлиб қолмоқда.

Террор, террорчилик ва халқаро террорчилик тушунчаларини фалсафий таҳлил қилиш шундан далолат берадики, бундай ижтимоий таҳдид фақат муайян шахслар, жамиятдаги муайян гуруҳлар, ҳатто айрим мамлакатлар учунгина моддий ва маънавий офат бўлибгина қолмасдан, ҳозирги даврда бутун жамият, ҳамма мамлакатлар учун ҳам катта фалокатга айланиши мумкин. Буни ҳозирги даврда дунёнинг турли чеккаларида турли кўринишдаги юз бераётган террорчилик жараёнлари исбот қилиб бермоқда. Агар террорчилик жараёнлари дастлаб вужудга келган даврларда муайн бир шахс, гуруҳ ёки муайян сиёсатчи, ижтимоий тузумга қарши маълум бир мамлакат чегарасида амалга оширилган бўлса, ҳозирги даврда ўзининг мақсадлари, кураш олиб бориш воситалари ҳамда кўлами жиҳатидан ҳеч қандай тўсиқ билмай, халқаро миқёсдаги муаммога айланиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги тушунчаларга сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, руҳшунослик фанлари нуқтаи назаридан берилган таъриф ва изоҳларни умумлаштирган ҳолда фалсафий таҳлил асосида уларнинг моҳият-мазмунини ёритиш маълум назарий ва амалий аҳамиятга эга. Халқаро террорчиликни вужудга келишининг тарихий шароитлари ва ижтимоий-ғоявий илдиэларини фалсафий таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ушбу ёвузлик ўзининг тарихий келиб чиқиши даврданоқ ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари жиҳатидан ҳам, қўллаган кураш воситалари жиҳатидан ҳам, ғоявий даъволари жиҳатидан ҳам инсоният учун катта ижтимоий хавфга айланиш имкониятига эга бўлган ва бундай имконият маълум тарихий даврларда воқеликка ҳам айланган. Бу террорчиликнинг тарихий шакллари билан ҳозирги даврдаги турли кўринишларида намоён бўлаётган террорчилик ўртасидаги умумий томонларни очиб беришга асос бўла олади.

Шунинг учун ҳам халқаро террорчиликни вужудга келишининг тарихий ва ижтимоий-ғоявий моҳиятларини фалсафий таҳлил асосида ёритиш ҳозирги замон халқаро террорчилигининг сиёсий, мафқуравий ва ғоявий асослари бутун инсониятга, халқаро ҳамжамиятга қарши қаратилган маънавий жиноят ҳам эканлигини фош қилади.

Мутахассис террорологларнинг халқаро террорчиликнинг ғоявий ва мафқуравий асослари ҳақидаги фикрларини умумлаштирган ва фалсафий таҳлил қилган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, халқаро террорчиликнинг тарихий илдизлари, ғоявий ва мафқуравий асослари диний этиқод жиҳатидан ҳам, инсонпарвар демократик тамойилларга амал қилувчи соғлом мафқура жиҳатидан ҳам ўз ғаразли ижтимоий-мақсадларини “маънавий” оқлашга қаратилган сохта даъватдир.

XX асрнинг сўнги йилларида халқаро террорчиликнинг диний фундаментализм ва экстремизм билан (қайси динга тааллуқли бўлишидан қатъи назар) бирлашиши, ўз ғоявий ва мафқуравий даъволарини улар асосида оммага сингдиришга ҳаракат қилиши, унинг яна ҳам кенгроқ кўламда тарқалиши нафақат жисмоний ва моддий жиҳатдан, балки маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳам фожиалироқ тус олишга олиб келмоқда.

Маълумки, диний мутаассиблик ўз навбатида ғоявий ва мафқуравий, сиёсий мутаассибликни келтириб чиқаради. Унинг асосига қурилган дикий фундаментализм ва экстремизм эса, яна ҳам кенг кўламлироқ ва фожиалироқ сиёсий, ғоявий ва мафқуравий экстремизмни келтириб чиқаради. Бундай офатга қарши самарали ғоявий ва мафқуравий кураш олиб бориш унга қарши сиёсий, ҳарбий ва ҳуқуқий соҳаларда кураш олиб боришга нисбатан жиддийроқдир. Шунинг учун ҳам диний мутаассиблик, фундаментализм ва экстремизм асосида келиб чиқувчи террорчиликнинг халқаро миқёсда кенг тарқалишига қарши ғоявий, мафқуравий ва маънавий-маърифий кураш олиб бориш, мамлакатимиз фалсафа фанининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро террорчиликка қарши кураш олиб бориш, энг аввало кўп жиҳатдан уларга қарши самарали ғоявий ва мафқуравий кураш олиб бориш билан боғлиқ. Чунки диний мутаассиблик, фундаментализм, экстремизм ва террорчилик ўз тарихий-ижтимоий келиб чиқишлари, баъзи жузъий жиҳатлари билан бир бирларидан маълум даражада фарқ қилсалар ҳам, улар бир занжирнинг ҳалқаларидир. Диний

фундаментализм ва экстремизм мавжуд экан, ҳамма вақт террорчилик ҳавфи сақланиб қолади.

XX асрнинг охирларига келиб халқаро террорчилик инсоният учун энг хавфли глобал муаммолардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам у халқаро микёсдаги оғир жиноят сифатида қаралиб, унга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Лекин бу ҳуқуқий ҳужжатлар ва унга қарши олиб борилаётган ҳарбий ва маъмурий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қанчалик муҳим бўлмасин, халқаро террорчиликни ер юзидан супуриб ташлаш учун етарли самара бермаслиги, шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам халқаро террорчилик глобаллашувининг объектив сабабларини аниқлаш, унинг турли оқимларининг ғоявий ва мафкуравий илдизларини фалсафий таҳлил қилиш асосида фош этиш ҳам мамлакатимиз фалсафа фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Шуни таъкидлаш жоизки, террорчиликнинг глобаллашуви нисбатан жиддий жараён бўлиб, унинг турли мамлакатларда намоён бўлишининг умумий томонлари билан бирга алоҳида жиҳатлари ҳам мавжуд. Гарчи, террорчилик турли ҳудудларда нисбатан бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий-сиёсий, ғовий ва мафкуравий жараёнлар тақозоси билан намоён бўлаётган бўлса ҳам, унинг глобаллашув сабабларининг умумий томонлари энг аввало диннинг сиёсатлашувидир. Чунки сўнги йилларда террорчилик ва диний экстремизм глобаллашувининг муштарак (параллел) ривожланиш жараёни кузатилмоқда. Шунингдек, сўнги йилларда агрессив сепаратизм тажовузкорлигининг кучайиши ҳам террорчилик глобаллашувининг умумий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Моддий манфаатдорлик эса, террорчиликнинг ҳар қандай кўринишларининг диққат-эътиборидаги энг муҳим масала бўлганидек, унинг глобаллашувининг ҳам умумий омилларидан бири эканлиги шубҳасиздир. Бунга Ўзбекистонда намоён бўлаётган турли кўринишдаги террорчилик ҳаракатларининг сиёсий, мафкуравий, ғовий ҳамда маънавий моҳиятини фалсафий таҳлил қилиш билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Террорчиликни ижтимоий-сиёсий ходиса сифатида тадқиқ қилишда унинг турлича глобаллашувида турли йўналишларнинг ҳозирги даврда янгича тус олиб намоён бўлаётганини ҳам эътибордан чиқармаслик керак. Шунинг учун унинг тарихий кўринишларидан бўлган “сўл” ва “ўнг” террорчиликнинг ғоявий ва маънавий моҳиятини ҳам чуқур

фалсафий таҳлил этмок. уларнинг hozирги даврда қандай сиёсий ва мафкуравий хавф туғдириши мумкинлигини ҳам назарда тутмок лозим. Зеро, hozирги даврда турли кўринишларда намоён бўлаётган халқаро террорчилик ҳаракатлари террорчиликнинг ана шу тарихий кўринишларидан маълум даражада ғоявий, мафкуравий ва “маънавий” озука олмоқдалар. Ўз дастурларида улардан фойдаланишга, имконият туғилганида эса, уларнинг кўламини яна ҳам кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги даврда халқаро террорчиликнинг кенг кўламда авж олишига сиёсий ва ғоявий сабаблардан бири миллатчилик, айниқса унинг ўта тажовузкор (агрессив) кўринишидир. Миллатчилик муайян ижтимоий-сиёсий шароитларда шовинизм, ирқчилик, фашизм каби ўта тажовузкор шаклларида террорчиликнинг сиёсий, мафкуравий, ғоявий-ташвиқий шиори бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Миллатчилик террорчилигининг улкан мафкуравий ва маънавий зарарларидан бири шуки, айрим ҳолларда ўз манфаатлари ва ҳуқуқлари учун курашаётган миллий озодлик ҳаракатлари қутилмаган ҳолда носоғлом тус олиб, айрим кучлар қуткуси билан террорчилик ҳаракатига айланиб кетиши мумкин ва террорчиликнинг ғайриинсоний сиёсий, ғоявий ва мафкуравий кураш воситаларини ўзига қурол қилиб олиши мумкин. Миллатчилик террорчилигининг улкан маънавий фожиаси яна шундаки, у айрим миллатларга ёки жамиятдаги айрим табақаларга нисбатан генацид каби ғайриинсоний ёвузликни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан кўп миллатли давлатларда одилона миллий сиёсат олиб борилиши миллатчилик террорчилигининг олдини олишда энг муҳим омиллардан бирига айланади. Бунга мамлакатимиз мустақиллика эришгандан кейинги йилларда шахсан Республикамиз Президенти И.А.Каримов ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг олиб бораётган одилона миллий сиёсати туфайли мамлакатимизда миллатчилик асосида келиб чиқувчи террорчилик замини тугатилганлиги ҳамда мустаҳкам ижтимоий сиёсий барқарорлик ўрнатилганлиги билан ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Шуни ҳам айтиш жоизки, миллатчилик террорчилиги ўзининг айрим ғоявий ва мафкуравий жиҳатлари билан диний никоб остидаги террорчиликка яқин туради. Ушбу нуқтаи назардан фалсафа фани учун дин никобидаги террорчиликка қарши ғоявий ва мафкуравий кураш олиб бориш қанчалик долзарб бўлса,

миллатчилик террорчилигига қарши кураш ҳам шунчалик долзарбдир.

Сўнги йилларда жаҳоннинг турли мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ислом дини ниқоби остида содир бўлаётган турли кўринишдаги террорчилик хуружларининг сиёсий, ғоявий ва мафкуравий моҳиятини таҳлил қилиш, энг аввало ушбу ходисага нисбатан кўпчилик тадқиқотларда, хусусан хорижий муаллифлар тадқиқотларида “Ислом террорчилиги” атамасининг мантикий жиҳатдан ҳам, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини эътибордан четда қолдириши жиҳатдан ҳам, асосизлигини таъкидламоқ зарур.

Ислом ниқоби остидаги террорчиликнинг моҳиятини ислом динининг ақидавий, ҳуқуқий (ислом ҳуқуқшунослиги назарда тутиляпти—С.Н), маърифий, маънавий асослари билан таққослаш шундан далолат берадики, ҳақиқий ислом билан ислом ниқоби остидаги террорчилик ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Аксинча, ислом бундай ҳаракатни инкор қилибгина қолмасдан, уни қоралайди. Бунинг исботларидан бири сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ислом ниқоби остида вужудга келган террорчиликнинг тарихий шаклларида бири бўлган ваҳобийлик ўрта асрлардаёқ ислом ақоиди (ақидашунослик) ва фикҳи (ҳуқуқшунослик) асосида рад этилган. Иккинчи томондан, ваҳобийлар сунийлик мазҳаблари ичида энг мўътадил ва ҳаёт воқелигига яқин бўлган ҳанафий мазҳабига ҳам қарши кураш олиб борганлар. Булар ҳақида ўрта аср нуфузли манбалари гувоҳлик беради.

Аммо шуни таъкидлаш зарурки, шарқ мусулмон мамлакатларида вужудга келган террорчи гуруҳлар ўз ўтмишдошларининг муайян ижтимоий-сиёсий ва тарихий шароитлар туфайли илгари сурган ғояларини ўз хатти-ҳаракатларини “оқлаш” учун рўкач қилаётган бўлсалар, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган террорчи гуруҳлар ўзларининг жиноий ҳаракатларини “оқлаш” учун бундай ғоявий ва мафкуравий асос йўқ. Бунини мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш воқелиги ҳам одилона ички сиёсат туфайли вужудга келган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳам ва ниҳоят халқлараро дўстлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ўтмиш ғоявий ва мафкуравий қадриятларимиз, шу жумладан диний ва ижтимоий-фалсафий қадриятларимиз ҳам асослаб беради.



Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида муҳим ўринни эгалловчи диний қадриятлар диний мутаассиблик экстремизм ва террорчиликка зид бўлган, аксинча диний бағрикенглик ва мурасасозликни, халқлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни, динлараро ишонч ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромни тарғиб қилувчи ғояларга бой бўлган. Бундай ғояларни исломнинг ақидавий ҳуқуқий маънавий, маиший ва маърифий курсатмалари ва таълимотининг асослари, яъни Қуръон, Ҳадис ҳамда фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги—С.Н.)да қўллаб учратиш мумкин. Шунингдек, ушбу ғояларнинг назарий-фалсафий ва ижтимоий-маънавий масалалари Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва мутасаввифларнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Ўйлаймизки, улардан диний экстремизм ва террорчиликнинг мафкуравий ва ғоявий даъволарини фош қилишда муҳим маънавий қуроли сифатида фойдаланиш ўз ижобий самарасини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қуръонда инсонларнинг турли динларга мансублиги жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилишлари табиий эканлиги, лекин бу нарса улар ўртасидаги адоват, низо ва урушлар учун сабаб бўла олмаслиги ҳақидаги оятлар мавжуд. Бу, бир томондан диний экстремизмга қарши курашда муҳим мафкуравий аҳамиятига эга бўлса, иккинчи томондан исломни экстремизм ва террорни қўллаб-қувватловчи тажовузкор дин ва мафкура сифатида талқин қилувчи ислом муҳолифларига қарши ғоявий курашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай зўравонлик, зулм, қатл ва қирғинликларни кескин қораловчи ғоялар ҳадисларда ҳам қўллаб мавжуд.

Шунингдек, диний экстремизм ва террорчиликка зид равишда диний бағрикенглик ва мурасасозликни тарғиб қилувчи ғоялар мусулмон ҳуқуқшунослиги (фикҳ, шариат)да айрим ҳуқуқий асосларга эга эканлиги ҳам диққатга сазовордир. Чунончи, мусулмон ҳуқуқшунослигининг энг муътабар ва нуфузли манбаи бўлган “Ҳидоя”да мазкур масалаларнинг маънавий-ахлоқий томонлари билан бирга ақидавий манбаларга таянган ҳуқуқий асослари ҳам алоҳида таъкидланади. Муҳими шундаки, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарихида ушбу ғоялар маъмурий амалиётда ҳам қўлланган ва ўзининг нисбатан муваффақиятли самарасини берган.

Диний, миллий ҳамда ижтимоий адоват, зўравонлик, низо ва урушларга қарши қаратилган халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик,

динлараро мурасасозлик ғояларининг назарий-фалсафий масалалари эса Марказий Осиёдан етишиб чиққан Форобий, Беруний, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Бобур каби буюк аллома ва мутафаккирлар асарлари ва дунёкарашида ўз ифодасини топди. Бундай ғоялар, энг аввало ушбу мутафаккирларнинг турли ирк, миллат ва динга мансуб халқлар яшочи “фозил шаҳар”, унинг фазилатлари, ушбу шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида ижтимоий-сиёсий таълимотларида ёритилди ва назарий-фалсафий асосланди. Улар динлараро адоват барҳам топиб, ўзаро ишонч ва муроса, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик устувор мақсадга айланиши кераклигини таъкидлаганлар. Диний экстремизм ва террорчиликнинг ғоявий ва мафкуравий асосини фош қилишда ушбу ғояларни халқимиз онгига етказиш ва сингдириш ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиздир.

Мутафаккирларнинг, айниқса давлат ва дин муносабатлари, диннинг сиёсийлашуви масалаларига бўлган қарашлари дин никоби остида ҳокимият учун кураш олиб бораётган террорчи ташкилотларнинг даъволарини фош этишда улкан ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий аҳамият касб этади. Улар, дин жамиятдаги ҳамма ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг ягона воситаси бўла олишига шубҳа билан қараганлар. Иккинчидан, мутафаккирлар шунини яхши англаб етганларки, диний мутаассиблик давлатни бошқариш микёсида намоён бўлса, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти учун фожиага айланиши мумкин. Буни улар тарих ва ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларга асосланган ҳолда таъкидлаганлар.

Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикр тарихида муҳим ўрин эгаллаган тасаввуф таълимотининг инсонпарварлик, диний бағрикенглик ва адолатпарварлик туйғулари билан йўгрилган ғоялари ҳам диний мутаассиблик, динлараро ва мазҳаблараро адоват ва низога қарши қаратилганлиги билан диний ақидапарастлик, фундаментализм ва экстремизмнинг зарарли мафкурасини фош қилишда катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этиши мумкин. Иккинчи томондан, Марказий Осиё мутасаввифларининг фалсафий-ирфоний қарашлари исломнинг асл моҳияти бошқа динларга қарши адоват ва мурасасизлик эмас, балки маърифат эканлигини кўрсатиб бериши масаласида илмий-назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, мутасаввифларнинг Комил инсон ҳақидаги ғоялари динлар, мазҳаблар ва халқлараро низо ва адоватнинг келиб

чикишига сабаб бўлувчи риекор ақидапарастлик, фундаментализм ва экстремизмга қарши маънавий курашдаги аҳамияти ҳам шубҳасиздир.

Мутасаввифларнинг тинчликсеварлик, сулҳпарварлик, ҳаммага, шу жумладан бошқа динга этикод килувчиларга нисбатан ҳам меҳр-шафқатли бўлиш ҳақидаги ғоялари ҳам мамлакатлараро тинчлик ва барқарорликни, халқлараро тотувлик ва ҳамдўстликни тарғиб қилиши билан экстремизм ва террорчиликка қарши ғоявий курашда улкан маънавий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ислом никобида содир бўлаётган террорчилик ҳаракатларининг моҳиятини фалсафий таҳлил қилиш шундан далолат берадики, унга қарши кураш воситалари фақат ҳуқуқий, маъмурий ва ҳарбий чора-тадбирлар билангина чекланиб қолмасдан, балки мафқуравий, ғоявий ва маънавий кураш воситаларининг мукамал тизимини ҳам ишлаб чиқишдан иборат бўлмоғи зарур.

Ўзбекистонда дин никобидаги террорчиликнинг вужудга келишининг сабабларини таҳлил қилиш асосида, энг аввало унинг ғоявий, мафқуравий сабабларидан бири диний фанатизм ва экстремизм эканлиги аниқланди. Ўз навбатида диний экстремизмнинг Ўзбекистонда вужудга келишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва мафқуравий илдишлари эса собиқ иттифок даврида ҳукмрон мафқуранинг динга нисбатан бўлган душманлик муносабатидир. Шу билан бирга Ўзбекистонда диний экстремизмнинг ёйилиши сабабларидан бири мустақилликка эришилгандан кейинги ўтиш йилларида дин масаласидаги вужудга келган мураккаб шароитдир. Экстремистлар аҳолининг диний қадриятларнинг асл моҳиятидан беҳабарлигидан ва бунинг натижасида вужудга келган маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, бир томондан аҳоли ўртасида диний мутаассибликни тарқатишга ҳаракат қилган бўлсалар, иккинчи томондан ўзларининг ғаразли сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун очикдан-очик куч ишлатиш бошқача айтганда террорчилик йўлига юз ўгирдилар.

Халқаро террорчиликнинг жаҳон миқёсида ўсиб бораётганлиги, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам таҳдиди тус олаётганлиги тақозоси билан унга қарши изчил кураш олиб бориш мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор халқаро ташкилотлар, анжуманлар минбарларидан туриб қилган баённомаларида, маъруза ва нутқларида, Ўзбекистон

сиёсатининг назарий масалаларига бағишланган асарларида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Ўзбекистон Президенти халқаро террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш олиб боришнинг амалий масалалари бўйича ҳам турли халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб Ўзбекистон ҳукуматининг қатор таклифлари билан чиқди ва Ўзбекистон ҳукумати бу соҳада ўзининг халқаро ҳамкорлик ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларга собитқадамлик билан амал қилажагини эълон қилди.

Ўзбекистонда халқаро террорчиликка қарши олиб борилаётган сиёсий, маъмурий ва ҳуқуқий кураш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига изчил риоя қилувчи ҳуқуқий асосга қўйилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур. Бу эса ўз навбатида халқаро террорчиликка қарши курашнинг маънавий асосларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда террорчи гуруҳларга қарши олиб борилаётган курашнинг муҳим маънавий ва тарбиявий томонларидан яна бири шуки, террорчи гуруҳларнинг таъсири ва қутқуси билан адашиб шу йўлга кириб қолган фуқароларга, хусусан ҳақиқий ислом дини моҳияти ҳақида билим савияси пастлиги туфайли террорчилар тузоғига илинганларга нисбатан қаттиқ маъмурий ва ҳуқуқий чораларни қўллашни иложи борича юмшатиб, ўзбек халқи менталитетига хос бўлган раҳм-шафқат, кечиримлилиқ тамойилларига амал қилувчи муносабат қўлланилмоқда.

Бу Президентимиз И.Каримовни нутқларида журналларга берган интервьюларида чиқарган фармонларида ўзини амалий ифодасини топди.